


496  
1981/9



ГУЛІСТОН  
9  
1981



Мафират Эргашева — энг инсоний касб згаси. У салкам чорак асрдан  
бери навқирон авлодга таълим бериб келади. Суратда: Тошкентдаги 106-мактаб  
муаллимаси М. Эргашева ўқувчилар даврасида.

Сентябрь қувончи.

Р. АЛЬБЕКОВ фотолари



# САДОҚАТ

ГБ УзССР  
Ж

**Ж**ИМ ҚОРА сочларига доимо оппок лента тақиб юрадиган бу бўйчан қизалоқни қишлоқ касалхонасида ҳамма танирди. Чунки у ҳар куни мактабдаги дарси тугаши билан, портфелини кўтарганича шу ерга келар, палаталарни очиб деразала-ридан ичкарига мўралаб, врачлар ва ҳамшираларнинг ишларини дикқат билан кузатарди.

— Она қизим, ҳар куни бу диққинафас жойга келмай, ҳамма тенгдошларинг қатори қирда, дада йўнасанг бўлмайдими? — дея бир куни насиҳат қилди кекса врач. — Ёки бирор мақса-динг борми?

— Мен ҳам сиздек врач бўлиб, одамларни касаллик азобидан қутказмоқчиман.

Ха, Розиянинг мурғак қалбида бу орзу учкунлари унинг ҳаёт йўлини белгилаб берди.

У 1956 йили Харгўшдаги Ушинский номли мактабни олтин медаль билан тутагиб, Тошкент Давлат медицина институтининг даволаш факультетига ўқишга ёрди. Ўқиш, ўрганиш, тибиёт сирларини эгалаш, амалий машғулотлар билан ўтган студентник йиллар ортда қолиб, врачлик дипломи билан Бухорога қайти. Уни облост касалхонасида ишга тақлиф этдилар. Аммо Розия ўзининг она қишлоғи — Харгўшдаги касалхонада ишлаш истагида эканини айтди. Унинг талаби қондирилди — қишлоқ касалхонасида терапевт врач қилиб тайинанди.

Розиянинг оқ халат кийиб, илк бор ҳамқишлоқларни даволаш бошлаганига ҳам қарийб 20 йил бўлди. Шу давр мобайнида меҳнат дафтар-часида иш жойини кўрсатувчи атиги битта ёзув бор, холос: Харгўш қишлоқ участка касалхонаси. Бирок шу бир жумла сўз ортида қанча кувонча ташвишлар, ижодий изланиш ва меҳнат бор...

Касалхона район марказидан анча олисада жойлашгани учун ҳам хизмат кўрсатиш территорияси жуда кенг. Уч колхоз ва бир совхозни ўз ичига олган бу участка территорияси 35 катта-кичик қишлоқни ўз ичига олади. Розия иш бошлаган ўша даврлар шифохонада медицина ходимлари етишмасди. Шунинг учун ҳам у касалхонада

беморларга хизмат кўрсатиш билан бирга, ҳар куни беш-олти қишлоқда бўлиб, ўнлаб кишилар саломатлигидан хабардор бўларди.

Институтда эгаллаган назарий билимлардан амалда фойдаланиши, диагностика ва даволашнинг энг самарали йўлларини излаши, ҳар бир bemorga меҳрибонлик билан хизмат кўрсатиши, камтарларни ва хушмуомалалиги туфайли ёш врач тезда қишлоқдошларининг хурмат-эътиборини қозонди. «Барака топгр Аҳмаджононинг қизи мени беш йилдан бери қийнаб келётган дардимга даъво топди», «Кечакундуз атрофимда парвона бўлиб, мени ўлимдан сақлаб қолди», «Тузалиб касалхонадан чиққанимга бир ойдан ошиди, аммо Розиян кон ора мендан хабар оладилар... Ёш врач шаънига айтилган бундай таҳсиллар унинг меҳнатсеварлигига, сабот ва матонатига, билимига эл берган баҳо эди.

Ўзининг ҳалол меҳнати ва совет врачи деган улуғ номга садоқати билан колективда танилган Розия Аҳмаджонона ўзи ишлаётган касалхонага бош врач қилиб тайинланди. Касалхона шифокор кадрлар, керакли медицина асбоб-ускуналари етишмасди, корпуслар атрофи ободонлаштирилмаган эди. Розия бу масалаларни тезроқ ҳал шашга киришиди.

Қишлоқ аҳолиси ва шифокорлар ҳашар ташкил этиб, касалхона атрофини девор билан ўрадилар. Корпуслар олдида гулзорлар барпо этилди, кўчатлар экилди. Даволаш-профилактика ишларини ҳозирги замон талаблари даражасида олиб бориши бош врач фаолиятининг асосини ташкил этиди. Педиатрлар Моҳира Исмоилова, Назира Аvezova ва акушер-гинеколог Абдулла Рамазонов билан биргаликда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза этиш бўйича бир қанча тадбирларни амалга ошириди. Етти фельдшер-акушерлик пункти ташкил этилди. Қишлоқларда ёш оналар мактаби иш бошлади. Шулар туфайли қишлоқ касалхонаси хизмат кўрсатадиган Охунбобоев, «Октябрь», «Москва» номли колхозлар ва «Вобкент» совхозида болалар ўртасида кўййутал, дифтерия, полиомиелит, тениаринхоз сингари касалликлар тутагида.

Розия Аҳмаджононанинг ташаббуси билан Улуғ Ватан уруши иштирокчилари қатори ишлаб чиқариш илгорлари ҳам алоҳида медицина ҳисобига олинди. Чунки улар ишга берилиб, соғиқларини ҳаммадан ҳам кам ўйлайдилар. Эндиликда колхозадам механизатор, пахтакор, чорвадор ва боғбонларнинг саломатлиги алоҳида сергаклик билан қўриқланмоқда.

Касалхона ходимлари пахтакилик бригадаларида, фермаларда, мактабларда саломатлик кунларини ўтказмоқдалар. Шу куни врач ва ҳамширлар аҳолини медицина кўригидан ўтказадилар, лозим топилганда айримларни диспансер ҳисобига оладилар ҳамда уларнинг соғлиги доимий назоратда бўлади.

Саломатлик кунларида Розия Аҳмаджонова ўтказган сұхбат ва лекциялар узоқ вақт кишилар хотирасидан кўтарилилмайди. Чунки у мавзуни содда ва айни замонда ғоят таъсирчан тарзда, маҳаллий фактларга таянган ҳолда тушунтиради. Ташкилотчи шифокор мактабларда тибиётга доир машғулотлар ўтказилиши билан киғояланмай, маорифчилар билан келишиб, она тили ва рус тили дарсларида ўқувчиларнинг тиббий мавзуларда диктантлар ёзишига эришди. Шуларнинг барчаси туфайли Харгўш қишлоқ участка касалхонаси Вобкент районидагина эмас, балки Бухоро обlastida ҳам энг яхши даволаш мусассасаларидан бири сифатида тилга олинадиган бўлди.

Бирок 1976 йили Бухорода юз берган зилзила шифохона биносини батамом вайрон этди. Колективнинг бутун меҳнати кўкка совурилган эди. Касалхонанинг қишлоқ учун нақадар зарур эканлигини билган бош врач янги бинони тезроқ куриши йўлларини излади. Область ҳамда район партия ва совет ташкилотлари бу ишга амалий кўмак бердилар. Розия Аҳмаджонова бу курилиш пайтида қишлоқ совети депутати ва толмас коммунист сифатида алоҳида ташаббускорлик кўрсатди. Тез орада 50 койкали замонавий касалхона корпуси энг янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозлантирилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги бинода иш янгила ташкил этилди. Терапия ва болалар касалликлари бўлимлари кенгайтирилди. Шифохона поликлиникасининг bemor-



ларни қабул қила олиш қуввати оширилди. Поликлиникада физиотерапия, стоматология, педиатрия, эмлаш кабинетлари, аёллар консультацияси, клиник лаборатория ташкил этилди. Касалхона ҳузурида район «Тез ёрдам» станциясининг филиали очилди. Бу ишларни ташкил этишда облост соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Шавкат Ғуломович Йўлдошев, район марказий касалхонаси бош врачи Мастура Жамоловна Эшонқурова астойдик кўмаклашдилар.

Розия Аҳмаджонона маъмурӣ ишлар билан банд бўлишига қарамай, bemorларни қабул қилишга кўп вақт ажратади. У ҳар куни касалхонада 15—20 bemorning ҳолатини текширади, поликлиникада 20—30 кишини қабул қиласди. Шу билан бирга ўнлаб хонадонда бўлиб, кишиларга медицина хизмати кўрсатади. У ўз ишида даволаш ва диагностиканинг энг замонавий усулларни дадиллик билан қўллайди. Шу сабабли Розия даволаган bemorлар тезда соғайиб яна меҳнат қучигига қайтирилдилар. Буни касалхонадаги «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига ўнлаб кишилар ёзган миннатдорчилик сўзларидан ҳам яққол билиш мумкин.

Бош врач қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш борасида мақтогва лойик ишларни амалга оширимоқда. Шифохона ҳузуридаги турмуш маданияти халқ университетининг машғулотларига колхозчи хотин-қизлар зўр фаоллик билан қатнашиб, гўзал яшаш, орастга бўлиш, намунали рўзгор тутиш бўйича сабоқ олмоқдалар.

Розия Аҳмаджононанинг бош врачи сифатида кўрсатган қизгин фаолияти муносиб таҳдирланди. У Ҳурмат Беглиси ордени билан мукофотланди.

— Фармакологияда қанчалик шифобаҳш дори-дармонлар тайёрланмасин, уларнинг бирортаси ҳам инсон қони ўрнини боса олмайди.— Розия қон бериши келган бўлажак донорлар билан сұхбатни шу сўзлар билан бошлади. Дононинг шарафли бурчи ҳақидаги сұхбатини тутатар экан, Розия Аҳмаджонона қон беришининг инсон саломатлиги учун зарарсиз эканлигини ўқтириб, бошқаларга ўрнак тариқасида биринчи бўлиб ўзи қон топшириди.

Бош врачининг ташкилотчилиги туфайли участкада донорлар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳозир доимий донорлар рўйхатида 120 дан ортиқ кишининг исм-фамилияси бор. Латиф Шарипов, Аҳад Неъматов, Розия Аслонова, Абдулла Яхъев каби донорлар топшириган қон қанчадан-қанча кишилар ҳаётини сақлаб қолди. Биринчи категорияли врач, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Розия Аҳмаджонона донорликни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Совет Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятининг мукофотларига сазовор бўлган.

...Розия ярим кечада уйига қайти. Уни сабрсизлик билан кутиб ўтирган Майрам хола қизининг ўйқусизликдан қизарган кўзларига, чарчоқдан сўлинқираган чеҳрасига боқиб, кўзига ёш олди:

— Жон қизим, ахир докторларда ҳам аниқ иш вақти, дам олиш куни бўлса керак. Сен эса

№ 9 (379)  
Сентябрь  
1981

ГУЛІСТОН

СН  
ВНС

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадиий журнали

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

ЗАМОНОДШЛАРИМIZ

эртак-кеч касалхонадасан. Ўзингга сира ҳам раҳминг келмайди.

Одатда бундай ўғитлар үйғи билан тугашини билган Розия гапни бошқа мавзуга буриб юборди. Унинг чөхраси ёришиб кетди. Чунки у ўз берилари ҳақида гапирарди.

— Ўтган ҳафта «Москва» колхозидан Феруза Идиева деган 16 яшар қызычани замбила келтириши. Бод артритига учраган қызалақнинг иккала оёғи шишиб, ётиб қолган экан. Мәжнатимиз зое кетмади, Феруза бугун юра бошлади.

Розия бирданнага жимиб қолди. Бироз суктудан кейин чуқур сўлиш олиб, гапида давом этди:

— Аммо Жўйдуқ қишлоқлик Музайям Қодированинг аҳволи кун сайн оғирлашиб бораяти. Икки томонлама зотилжам, камқонлик бечора жувонни кемираяпти. У ҳомиладор бўлгани учун зотилжамга қарши дориларни тўлиқ ишлатолмайман. Нима қылсам экан...

Булар Розиянинг ўйусини қочирди. Унинг кўз ўнгидаги яна ўша ҳомиладор жувон гавдаланди. Розия тиббиёт дарслекларида, профессорларнинг лекцияларида, «Терапия» журналидаги мақолаларда зотилжам ҳақида айтилган фикрларни хотирлади.

Майрам хола бу яқин орада шифохонага бормаган бўлса ҳам, у ерда даволанаётган 50 беморнинг деярли барчасини сиртдан таниди. Чунки қизи Розиянинг тилида ҳам, дилида ҳам ўша кишилар...

Тажрибали шифокор Розия Аҳмаджонованинг изланишлари, ўқиб-ўрганишлари зое кетмади. У тез орада Музайямни даволашнинг самарали йўлни топди. Дори-дармонлар наф келтириб, жувоннинг юзига ранг ўйорди. Этра жавоб берамиз, деб туришган кечаси аёлни тўлғоқ тутди. Уни «Тез ёрдам» машинасида Розиянинг ўзи район туғуруқхонасига олиб кетди.

Тун... Шамол туғуруқхона эшиги устидаги лампочкани аёвсиз силкитади. Сими узилиб кетай деса ҳам чироқ ўчмайди. Атрофдаги яккаю ягона лампочка нуридан тушган дарахт сояси шамол увилаши оҳангидаги «рақс»га тушади. «Олажон, пешонамида бўлганини кўрамиз», деб жувоннинг эри ҳам ўйига кетиб қолди. Зим-зиё кўчада Розиянинг бир ўзи қолди.

«Музайямнинг юраги дош бера олармикан? Кўп қон ўқотиб қўйса, нима бўларкан? Туғуруқхонага кириб, ённада навбатчилик қилсинми? Тағин бу ердагилар «Бизга ишонмас экан-да», деган хаёлга бориб, хафа бўлишмасин...» Розия шуларни ўлар экан, момақалдироқ гумбурулаб, чақмоқ «ялт» этиб бутун атрофни ёритиб юборганини ҳам сезмай қолди. Иккиси-чукори кечаси юзига тушив, сесканиб кетди. Зум ўтмай ёмғир бошланди. Розия дарахт панасида турса ҳам ҳамма ёғи ивиб кетди.

Ёмғир қанчалик тез бошланган бўлса, шунчалик тез тинди. Чоки сўклиган қора булутлар бағрида уфқдан кўтарилаётган қўёшнинг илк нурлари жилва қилди. Шу пайт ичкаридан бир ҳамшира отилиб чиқди.

— Суюнчи беринг, опа! Суюнчи Музайям эсон-омон қуттиди. Учта қақалоқ,— деб у Розияни қутоқлаб олди ва сўради.— Музайям сизнинг синглингиз шекилли, Розия опа?

Кувончдан довдираб қолган Розия аввал бу савонни эшитмади. Ҳамшира қайта сўрагандагина жавоб берди.

— Йўқ, синглим эмас. У менинг беморим эди,— деб Розия қувончдан йиғлаб юборди.

Розия район марказидан Харгўшга қайтганида касалхона эшиги гавжум эди. Гўё узоқ сафардан қайтиди, уларнинг ҳаммаси уни кутиб олишга чиққандек туюлди. Ёки у йўллигидаги касалхонада бирор кор-ҳол рўй бердими? Аммо оқ халатдаги ҳамкарабарларинг чөхрасидаги табассумни кўриб, бу хаёллар дарҳол тарқалиб кетди.

— Музайям учта тұғди,— деб Розия қувончини ҳаммага улашди.

— Дугонажон, яхши хушхабар олиб келдингиз,— деди педиатр Моҳира Исмоилова уни қубиб.— Бизда ҳам катта хушхабар бор. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан сизга Ленин ордени берилибди.

У шундай деб Розияга Фармон чиққан газетани узатди. Ҳамма бирин-кетин уни табриклай бошлади. Бедор ўтган бу тун келтирган қувончдан Розия ўзини ўқотиб, фақат жилмаярди, холос.

— Элга хизмат қилган элда обрў топади, деганлари шу, қизим!

Дардига шифо топиб, касалхонадан чиқиб кетаётган нуроний чол— Раҳмон бобонинг бу сўзлари Розия Аҳмаджонованинг кишиларнинг дил сўзларини ифодалаётгандек бўлди.

Абдужалил ХАЛИЛОВ



Мирзо ТУРСУНЗОДА,  
Ленин мукофоти лауреати,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## ДОСТОН

\* \* \*

Жонгинам, озодсан, ҳеч ғам емассан,  
Мазлумлар ғамидан огоҳ эмассан.

Курашчан шоирлар ёдингда бордир,  
Ташриф этган эди Файз деган шоир.

Ватандан сўз очсанг, ёниб кетарди,  
Ватанини ҳаёту мамот атарди.

Гарчи у кўпинча лаб очмас эрди,  
Паловдан гарчи у озгина ерди,

Гарчи у тингларди суҳбатдошини,  
Тамаки чекарди, силкиб бошини.

Аммо кўзларидан олов бор эди,  
Хасратли қалбидан ялов бор эди.

Тўлғанарди дарё мавжи сингари,  
Панжоб сувларини ўйлаган сари.

Не-не зиндонларда ёзилди оти,  
Қил учида турди баъзан ҳаёти.

Курашда севимли эл-юртн ўйлаб,  
Ўлимни енгди у ўтли шеър куйлаб.

Руҳи жангчи бўлди, қалами— шамшир,  
Дунёни фатҳ этди сўзлари ахир.

Адолат излаб у олам кезмоқда,  
Мардликнинг рамзида юрар ҳар ёқда.

Зулм гарчи оқартди қаро сочини,  
Лек қишидан баҳордай олар учини.

У ҳам биздай севар жигарпорасин,  
Жоним дер кўзининг оқу қорасин.

Покистон ёдига тушгандага ҳар вакт,  
Фарзандларин ўйлаб ҳайқирап, ё баҳт!

Қалбини қон қилар фарзанд ноласи,  
Ғазабдан тошади дил пиёласи.

Иғи ҳам йифидан, жоним, қилур фарқ,  
Қон ютиб аччиқ ёш тўқмоқдадир Шарқ.

Шарқлик не замонлар йиғлади зор-зор,  
Шарқ унинг ёшидан бўлди шўразор.

Баъзан шўхлигидан, гоҳ ўйин чоғи,  
Ўғлимиз Парвиз ҳам бўлар йиғлоқи.

Иғи бор, бор экан ҳар қайда бола,  
Аммо йиғлаш бошқа, бошқадир нола.

\* \* \*

Жонгинам, тоғларнинг сувларига бок,  
Сел бошқа,

зах бошқа,  
ўзгадир булоқ.

Юртимда боладир баҳтнинг донаси,  
Умридан минг рози унинг онаси,

Баланддир бу юртда аёлнинг боши,  
Иззату ҳурматда унинг йўлдоши.

Ҳар ишда аёлнинг бордир ҳиссаси,  
Ифтихор тожидир аёл қиссаси.

Аёлдир давлатга ёру мададкор,  
Аёлнинг қўлидан юрт бўлди гулзор.

Аёлдан нур олди истиқболимиз,  
Аёлдир бизларнинг баҳт-иқболимиз!

Ғаффлатда ётганни бедор қилди у,  
Жоҳилу гумроҳни ҳушёр қилди у.

Она ожизлиқдан қутулса тамом,  
Гўдакнинг ўйқуси бўлурми ҳаром?!

Гўдаклар вояга етишар шодон,  
Шўхлигу кулгига бозордир ҳар ён.

# ЖОНГИНАМ

Зиёда бўлса гар бола сурори,  
Яшарар волида, ошар турори.

Курашга баҳш этгин юрак тафтини,  
Наслимиз кўрмасин уруш афтини.

Камол топсинлару олим бўлишсин,  
Барча сайдерага ҳоким бўлишсин.

Яйраб яшасинлар, ижод қилишсин,  
Элини,  
юртни обод қилишсин.

\* \* \*

Жонгинам, койишу қайғуришлар бас,  
Ғунчадай очилиб боғигил бир нафас.

Бир нафас бўлайлик садқаю банди,  
Бир нафас лабингда ўйнасин ханда.

Софидим асалдай ширин сўзингни,  
Софидим меҳр тўла қаро кўзингни.

Гарчи юзимизга хат чизди ажин,  
Гарчи сочимизнинг оқаргани чин,

Дилимда орзулар ҳамон беҳисоб,  
Орзулар бўйнига ишқ солар таноб.

Истар у, кўкларда қанот қоқишини,  
Оқ сочга гул тақиб сенга ёқишини.

Истар у, узоқни қилса якқадам,  
Истиқбол ҳикматин айласа рақам.

Олтин чодир қурса ойга бир бора,  
Ойдан замин юзин қилса наzzора.

Бир нафас тинглагин сўзимни, ёрим,  
Сенга аён бўлсин юракда борим.

Совғалар келтирдим зўр, бениҳоя,—  
Яхши одамлардан ажиб ҳикоя.

Ҳар бири бир олам — одамнинг жони,  
Жаҳоннинг тинчлиги — улар армони.

Дўст учун жонини тутмайди дариғ,  
Дўст деяр бошида ўйнаса ҳам тиф.

Сен билан биродар бўлар умрбод,  
Фамингдан ғамгину шодлигингдан шод.

Сулҳ десанг, гул каби хандон бўлғуси,  
Жанг десанг, ғазабдан тўфон бўлғуси.

Тинчликсиз йўқолар қўёшнинг тафти,  
Тинчликсиз қуруқшар заминнинг кафти.

Тинчликсиз шодликнинг қаноти синик,  
Тинчликсиз ҳаётнинг сўниши аниқ.

Бизнинг борлигимиз халқлар баҳтидир,  
Бизнинг давлатимиз — тинчлик таҳтидир.

Жонгинам, тинчликдир дунё зиёси,  
Ҳаводай зарурдир дўстлик ҳавоси.

Зорланиб дейсанким: «Бадгумон аёл —  
Маломат тошларин отди бемалол.

Лабин буриштирас мени кўрганда,  
Тузсиз гаплар айттар суҳбат қурганда.

«Бевадан бадтарсан, бағри тошсан», дер,  
«Эринг бор, лек худди сўққабошсан»,  
дер.—

Эринг ялло қилиб кезар юртма-юрт,  
Туну кун йўл пойлаб кўзинг бўлар тўрт».

Узоғи яқиндан одам келганди,  
Тожикнинг ўйига олам келганди.

Рус келди,  
турк келди,  
таҳсин ва табрик,  
Хинд қизи кучганди сени сингилдек.

Оқ сарий қоматин кўз-кўз этарди,  
Қора хол байтини тақрор битардим.

Сочлари ўҳшарди сочинга беҳад,  
Тиззасин ўпарди бўлиб қатма-қат.

Ял-ял товланарди танингда атлас,  
Тожик аёлида уни кўрсам бас.

Тегмасди агарчи қўлинг қўлингга,  
Боқардинг меҳр ила ўнгу сўлингга.

Кулчага севиниб кўз тикар занжи,  
Шул, дерди, дўстларим жаҳоннинг ганжи.

Кўзлари ёнарди дўст топган сари,  
Нигоҳи соғ эди шафақ сингари.

Келганди Ангола деган юртдан у,  
Қалбида асрлик алам ва қайғу.

Шакарқамишига юрти гарчи кон,  
Олмосу гавҳари агарчи хирмон,

Навосиз ўтарди занжининг куни,  
Темирдан яралган дердингиз уни.

Золимлар дастидан нолирди жўшиб,  
Шикоят устига ҳикоят қўшиб.

Дўстларин кўрарди чунки ҳар ёнда,  
Дўсти кўп толмайди курашган онда.

«Қораман,— дерди у,— авлодим қора,  
Қоралик гуноҳми, айтинг не чора?!

Рангимиз қорайган, рости, худди тун,  
Лаҳатдай тор эрур олам биз учун.

Золимлар ишлатар худди бир банди,  
Дарбадар юрамиз она Ватанда.

Биз тўккан терлардан дур унар, ахир,  
«Тер тўкиш — сизлардан, дурри —  
бизга»,— дер.

Бизни куйдирмайди қўёшнинг қўри,  
Бизларни қуйдирди пешона шўри.

Оқларнинг зулмидан куйиб кетдик биз,  
Ширин жонимиздан тўйиб кетдик биз.

Занжидан қиласлар агарчи ҳазар,  
Нафрят-ла солишар агарчи назар,



\* \* \*

Жонгинам, мунча ҳам ранжима зинҳор,  
Одамзод яшаркан таъна, пичинг бор.

Лабин буриштираса, парво қилмай ўт,  
Шояд ҳазиллашар, таънасин унут.

Дўстлардан ранжимоқ ҳатодир, гулим,  
Дўстларнинг нози ҳам раводир, гулим.

Менга жон бағишилар дўстлар каломи,  
Софигим илдизи — дўстлар саломи.

Рудакий тўйини эслайман ҳамон,  
Ўйингни чароғон этганда меҳмон.

демиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайданди. 1960 йил Мирзо Турсунзода «Ҳасан араванаш» ва «Осиё овози» достонлари учун Ленин мукофоти лауреати деган юнсан унвонга эга бўлди. 1961 йили унга Тожикистон ССР халқ шоири деган фахрий унвон берилади.

Мирзо Турсунзода улкан жамоат арбоби ҳам эди. У Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетининг раиси, Тожикистон ССР Езувчилар союзи раиси правлемесининг биринчи сенетари, 2-, 3-, 4-, 5-, 8-ҷаҳонириқ СССР Олий Совети депутати сифатида натта жамоатчилик ишларини олиб борган эди.

Мирзо Турсунзоданинг ижоди қардош совет халқлари, шунингдек, кўпгина чет эл тилларига таржимицилди, унинг чуқур партияни позициядан туриб ёзилган гоявий-бадиий барномол асрларни шонирга жаҳоний шуҳрат келтириди. Оташнафас шоиринг 1968 йили Жавоҳарлал Неру, 1972 йили Жамол Абдил Носир номидаги халқаро мукофотлар билан тақдирланганни бунинг тасдигидир.

Бу йил ЮНЕСКО қарори билан Мирзо Турсунзоданинг юбилейи жаҳон миёнсида нишонланмоқда. Унинг номида бугун мактаблар, колхозлар бор. Мирзо Турсунзода шаҳри йилдан-йилга намол топмоқда.

Эмаслар биз билан гарчи ҳамтобоқ,  
Ҳаммактаб,  
ҳамхона,  
ҳамкор,  
ҳамсабоқ,

Зулукдай сўрарлар элнинг қонини.  
Чайнамай ютарлар унинг нонини.

Занжи ҳам курашга отланди бугун,  
Тонг отар,  
ёришар бу даҳшатли тун.

Африка уйғонар,  
ғафлатдан холи,  
Чарақлаб кўринар унинг иқболи.

Биз учун дўсту ёр бисёр керакдир,  
Беғараз,  
вафодор,  
ғамхор керакдир».

\* \* \*

Жонгинам, тинглагин, ўтилир бу сас,  
Дардмандга ҳамдардлик асли мұқаддас.

Бор экан жаҳонда золим ва мазлум,  
Луғатдан ўчмайди ғам деган мағұм.

Дўст билан шодликни баҳам кўришини,  
Дўст билан армонсиз даврон суринши,

Тихонов ўргатди,  
у машҳур шоир,  
Сүҳбатин боллари оламга татир.

Сочлари қордаю қалбida баҳор,  
Ҳар сўзи дўст учун малҳаму мадор.

Мен ундан ўргандим дўстлик розини,  
Навога тўлдири қалбим созини.

Мен ундан ўргандим адаб дарсини,  
Мұхаббат,  
рафоқат,  
ғазаб дарсини.

Ўзгалар дардини олар ўзига,  
Ҳамиша тик боқар айтган сўзига.

Бирга жаҳон кездик неча марталаб,  
Бизга йўлчи бўлди бир эзгу талаб.

Кўрдик кўмзорларни,  
кўрдик чўлларни,  
Қорли довонларни,  
узун йўлларни.

Не-не довонлардан бирга ўтганимиз,  
Чўққида саҳарни бедор кутганимиз.

Гоҳида тош қасрин этдик ихтиёр,  
Шоҳ Авранг қасрида гоҳ топдик қарор.

Гоҳида халойиқ бўлди юзма-юз,  
Гоҳида розимиз тинглади юлдуз.

Гоҳ юрдик шаҳарда,  
гоҳи қишлоқда,  
Ҳаётнинг мағзини чақдик ҳар ёқда.

Кирқ тўққизинчи йил...  
унутмам ҳаргиз,  
Тоғма-тоғ юргандик ўша кезда биз.

Осмонни тешарди Ҳиндиқуш боши,  
Синовдан ўтарди йўлчи бардоши.

Тоғ ичра заррадай пинҳон бўлгандик,  
Биллур кошонада мәҳмон бўлгандик.

Карвон қўнғироғи жарангларди гоҳ —  
Йўлчилар азмидан ягона гувоҳ.

Бомиён бутлари сақлашар сукут,  
Не билсин мәҳмонни тош пайкарли бут!

Күёш ҳам кўрсатмай қолганди жамол,  
Соялар изғишар ҳар ён бемажол.  
Очилди Искандар дарвозаси ланг,  
Шамширсиз,  
ханжарсиз,  
бўлмай ҳангуманг.

Қора тун бағридан кўринди «Дуоб»,  
Дуоблик лутфидан бўлдик баҳраёб.

Қўллари кўқсида, таъзим қилди у,  
Тунашга кулбасин тақдим қилди у.

Бўйранинг устида қурдик чордона,  
Қоронғи кулбада мезбон парвона.

Бир зумда ўт қалаб олов ёқди у,  
Тутундай учди лек кўзлардан уйқу.

Арқондай буралиб айланар тутун,  
Маржондай ёш тўқдик барчамиз у тун.

Тутун ҳам тарқалди, порлади олов,  
Муҳайё бўлганди чой ила палов.

Эшикни дарғазаб тирнади шамол,  
Увиллаб тургандай бир тўда шағол.

Гулханнинг тафтидан чекинди совук,  
Кулба ҳам ёришиди,  
мъеда эса тўқ.

Мәҳмон ташрифидан шод эди мезбон,  
Бор-йўғин тўкарди очиб дастурхон.

Дерди у: «Кирса гар мәҳмон эшиқдан,  
Унинг насибаси кирап тешикдан».

Биларди, қай юртнинг фарзандимиз биз,  
Не мурод-матлабнинг пайвандимиз биз.

Кўзимиз дил розин аён этарди,  
Ишқимиз қиссан сиғасин баён этарди.

Элимиз орзусин уқири, балким,  
Муҳаббат байтими тўқири, балким.

Юртимиз кўринди кўзига шояд,  
Қувончдан сиғасди ўзига шояд.

Тихонов сўзларин ўлчарди, балки,  
Неларга қодиркан одамзод ақли,

Балки, тутун ичра кўрарди онги,  
Оқибат балқишин бу тоғлар тонги.

Балким, бу эркесвар, мәҳмондўст ағон,  
Дил қулфин очдию бўлди қадрдон.

Дердиким: «Биз дўстмиз,  
бир матлабимиз,  
Биз бир данакнинг кўш мағзи кабимиз.

Ен қўшни — жон қўшни, деганлари рост,  
Биз билан азалдан сиз беғараз дўст.

Икки юрт дўстлигин куйлайди Жайхун,  
Дўстликнинг файзидан сўйлайди Жайхун.

Сувнинг рўшнолигин кундан қил қиёс,  
Дўстларни қалб кўзи танийди холос...

Жунли ёпинғични кўтариб хомуш,  
Бошини тик тутиб худди Ҳиндиқуш,

Жилмайиб, «Хайрли тун», дебон кетди у,  
Қалбимиз мағзига аммо етди у.

Тонггача милтиллаб ёнарди гулхан,  
Кулбани гоҳида этарди равшан.

Шамол бош уради тоққа беармон,  
Отланиб турарди сафарга карвон.

Уйқуни ўғирлаб учқунларди ўт,  
Йўлларнинг азоби бўлганди унун.

Фарзандлар ўтарди кўздан бирма-бир,  
Эл-юртнинг хаёли қиларди асир.

Қандай тонг отганин асло сезмадик,  
Тихонов сўзларди оҳанрабодек.

Сафарда таниркан одам дўстини,  
Дардига,  
доғига малҳам дўстини.

Жонгинам, дўст учун қурбон қил жонни,  
Жигарнинг мағзидир дўстнинг макони.

Дўст топдим бир олам кезиб оламни,  
Осонмас танимоқ асли одамни.

Келдим,  
қучоқ очиб Тожикистанга,  
Дўстларни кўрмок-чун қутлуғ маконга.

Токим, баҳам кўрай қалбим сурурин,  
Дийдордан маст бўлиб бир дам олай тин.

Токим, чўққилардай бошим тутай тик,  
Ўлкамни кўрайин кафтимдагидек.

Токим, сайр этайн боғу бўстонни,  
Ҳайрона-ҳайрона кезай ҳар ённи.

Токим, бел боғлайн элнинг ишига,  
Зафардан сўйлайн ҳар бир кишига.

Токим, ёниб куйлай ошиқ кўйида,  
Гул, булбул базмини кўрай тўйида.

Токим, боқий майга бўлайн соқий,  
Дўстларнинг қадаҳи бўлсин деб боқий.

Токим, юрак тафтин баҳш этай элга,  
Элнинг азму жазмин нақш этай дилга,

Токим, таъзим этай теримчи мисол,  
Ахир, камтарликдан мард топар камол,

Токим, ҳар юракнинг тинглаб тепишин,  
Дафтарга чизайин эл-юртнинг ишин.

Ишчидай ўйнатиб олов жиловин,  
Қорни ҳам ёндирай топиб қаловин.

Қатрадай жўш урай қайноқ булоқда,  
Заррадай нур сочай заррин маёқда.

Нечун сўрайдилар баъзи ёронлар:  
«Айтсинлар, неча кун бизга мәҳмонлар?»

Нечун дўстлар дерлар: «Қани, марҳабо!  
Кутар Тожикистан сени, марҳабо!»

Мен мәҳмон эмасман, бу сўзни айтманг,  
Үринсиз сўзлардан бўларман гаранг.

Бегона эмасман бу юртда ҳаргиз,  
Ҳар сиқим тупроғи жонимдай азиз.

Ўҳшатманг дўстларим ўткинчи қушга,  
Ўҳшарди у вақтда ҳаётим тушга.

Лабимда табассум — тасодиф эмас,  
Табассум толенинг нақши эрур, бас.

Шу юртда муҳаббат илдизим — ўйим,  
Шу ўйда ёришиди ҳаёлим-ўйим.

Шу юртда илк бора кўрдим жаҳонни,  
Шу юртда ажратдим яхши ёмонни.

Шу юртда ёр бўлди умримга камол,  
Шу юртда камолим бўлди безавол.

Шу юртда овозим янгради баланд,  
Шу юртда дўстларга бўлдим диллисанд.

\* \* \*

Жонгинам, ёшлиқда қурган ўйимиз,  
Ёшлиқнинг давронин сурган ўйимиз

Тобора шинамроқ, ободроқ бўлур,  
Тожикнинг хонаси зиёга тўлур.

Жаҳонга очиқдир унинг эшиги,  
Бу ошён аслида дўстлик бешиги.

Ҳақиқат ҳокимдир бу ўйда мудом,  
Шу важдан дўстларим кўпdir, вассалом.

Жонгинам, баҳтингдан уйингдир гувоҳ,  
Аслида шу ўйdir баҳтингга паноҳ!

Тожикчадан  
Барот БОЙҚОБИЛОВ  
таржимаси

# АФСОНАГА ХАЁТ БАХШ ЭТИБ

Юрий ГРИГОРОВИЧ  
СССР Халқ артисти

(«Ҳинд достони» балет спектакли ҳақида)

СССР Большой театри мавсумнинг ёпилишига бир кун қолгандага ёш ўзбек композитори Улуғбек Мусаевнинг музикаси асосида яратилган «Ҳинд достони» балет спектакли премьерасини намойиш этди.

Одатда ҳар бир спектакль премьераси театр ҳаётида унучилмас ва ҳаяжони воқеага айланади. Аммо бу фақат томошабинлар учун дақиқалар бўлиб туюлади: театр учун эса, премьера — бир неча ойлар давомида қилинган меҳнат, унинг кўпгина ходимларининг ижодий биографиясида салмоқли бир давр демакдир. Бугун томошабин премьерани кўриб, балет саҳнасида тасвирланган, шакллантирилган қаҳрамонларни, уларнинг тақдирини, хиссиятга бой дунёсини ўзича идрок этиб, ўз олқишилари билан баҳолайди. Спектакль бунёдкорларининг маънавий дунёси бадий образлар тузилиши туфайли драматургик ва хореографик ечимлар орқали томошабин кўз олдидага яхлит гавдаланди.

Томошабин кўзи дарров илғаб ололмайдиган бу жараён, яъни янги темага, янги материалга ёндашиш, уни ўзлаштириш санъаткорнинг ўзи учун энг зарур жараёндир. Менинг кўнглимда «Ҳинд достони» балет спектаклини яратиш орзуви ва бу ҳаёдаги қатъий фикр бундан беш йил аввал туғилган эди. Ўшанда атоқли совет ёзувчиси Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» мотивлари асосида икки театр — Алишер Навоий номидаги Узбекистон ССР Давлат академик Катта театри ҳамда СССР Давлат академик Большой театри колективлари ҳамкорлигига балет спектакли яратиш ғояси ҳаммамизни банд этиб, бу ишга жазм этилди. Ўшанда қўлимизда бўлажак спектаклининг ажойиб, жуда қизиқарли поэтик лавҳаларигина бўлиб, музика ҳали бастакор тасаввурнида

яшар эди. Энди эса балет икки марта саҳна юзини кўрди — авзал Тошкентда, сўнгра Москва!

Балет — ўзига хос санъат. Рақс ўзининг нафосатида, латофатида бошқа турдаги санъатларнинг ифода воситаларини дадил музассамлаштиради. Балетда театрга хос ҳаракатни, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлиқ пластикасини, музика полифониясини бир-бирига чамбарчас боғланганилиги ва ўйғунлигини кўрамиз. Аммо шуни эътироф этиши керакки, балетда фикр ва ҳис-туйғуларни сўз билан ифодалашга ҳаққимиз йўқ, шу билан бирга, томошабинлар онгида ва тасаввурнида сўз туғилиши, сўз акс-садоси эшитилиши керак. Пластик ҳаракатлар унинг шуурида ҳам эмоция, ҳам фикр-мулоҳаза сифатида таассурот қолдириши зарур.

Балет санъатининг тез-тез классик адабиёт дурданаларига, ҳалқ ривоятлари ва афсоналарига мурожаат қилиб туриши бежиз эмас. Бунинг сабаби шундаки, сизга аввалидан таниш бўлган воқеа ва энди англостилиши зарур бўлган тушунчанинг ўйғунлашви тасаввурингиздаги учқунларни ёрқинроқ оловлантиради, театр ва томошабин иштирокида ҳақиқий ижодий ҳамкорлик майдонга келади.

Ҳалқ афсоналари бир-бириларига жуда яқин турадилар, чунки уларнинг ривожланиши учун туғиши заминдан бўлаш майдон йўқ, уларга она ердан бўлаш ким шира-шарбат ва куч-құдрат бағишилаш мумкин? Ўзбек адиби томонидан ўзлаштирилиб, олий нафосат билан, эътирос билан ёзилган қадими ҳинд афсонасининг адабининг ўз она тупроғидаги ҳам томир отиши, шунингдек, бошқа ҳалқлар ерида ҳам кенг тарқалиши наҳотки тасодифий ҳол бўлса?! Йўқ, бу тасодиф эмас. Ҳаётда мангу баҳор яратиш, инсон умри ва табиатдаги сирлар билан боғланиш, оҳори

тўқилмаган образлилик, тинчлик, муҳабbat ва тафаккур кучларининг зулумот кучлари устидан ғалабаси, инсоний камолотга интилиш каби барча оддий, айни чоғда мураккаб туйғулар Ер юзидағи барча соғдил одамларга ғоят яқин, азиздир!

Ҳалқ қалби гўзллигининг ифодаси бўлган музика ҳамиши умумбаширий мазмун билан ўйғрилгандир. Ҳинд ва ўзбек ҳалқларининг анъаналари кўпинча бир-бирига ўшамасада, бирон уларнинг мусиқи ифодаси воситалари буюк ва гўзалдир. Спектакль устидаги иш олиб бораётган пайтларимда ўзбекистон ва Ҳиндистон қадими ҳаҷарлари бўйлаб қилган саёҳатларим ҳаётимда энг унучилмас дақиқалар бўлиб қолди.

«Ҳинд достони» балетининг Большой театра кўйилиши менинг учун шу жиҳатдан буюк воқеаки, унда аввало уч ҳалқнинг — ҳинд, ўзбек ва рус ҳалқларининг қимматбахо ёдгорликлари қўшилиб, бирга қуюлиб, яна бир ажойиб фазилат — интернационаллик касб этиди. Бир ҳалқ тилидаги сўз иккинчи бир ҳалқнинг дил сўзи бўлиб қолди, бу бирикма, бу бирлашув музика ҳаётида ҳам ўйғун бир тарзда бирикишини тақозо қилди: бошқача қилиб айтганда, турли музика маданиятларининг ҳам гўзал омухтаси бўлди. Афсонанинг музикаси ва образлари ҳаракатда ўйғунлашди, бир-бирига сингиши. Натижада рақс классикини ҳинд маддиллий ўйинлари элементлари билан яқинлашди, бойиди.

Балетни москвалик ёш балетмейстерлар Ю. Скотт ва Ю. Папко саҳналаштирилар. Улар премьерадан олдин анча вакт Тошкентда истиқомат қилдилар, Узбекистонни севиб қолдилар, бу ўлканинг анъаналари билан танишдилар. Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам бўлдилар. Янги балет спектаклидан уларнинг ҳинд мада-

ниятига меҳр-муҳаббати ва чуқур эътиромини яққол ҳис қиласиз.

Менга бу спектаклда постановка нинг бадий раҳбарлиги топширилди. Бу фахрий вазифани мен шундай тушундим: балетни барча яратувчи-ларнинг индивидуаллигини ҳурмат қилиш ва ардоқлаш, ҳар бир ижодкорнинг кичик қашғиёт, кичик хиссасини ҳам баҳолаб, уларнинг умуммақсадга улуш бўлиб қўшилишига ёрдамлашиб, ҳикматли ва поэтик ҳалқ достонига асос бўлган эзгулик ғояларининг томошабинга янада тушунарли бўлишига хизмат қилдиришга кўмаклашиш!

«Ҳалқнинг азалий орзу-умидларини ифода қилган бу дил қўшиқлари тилдан тилга, авлоддан авлодга, даврдан даврга кўчиб ўтган ва ҳар доим ошиқларга мэрдлик, маъшуқаларга умид бағишилаган, кўнгилларга қанот боғлаган, инсонларга најот йўлни кўрсатган...

...Ҳеч қандай куч бизни ҳазон этолмас, Бўрон, Хоруд муродига етолмас!»

Тасаввуримда қанақа янги ўй-фирқа ва образ пайдо бўлмасин, аввал улар ўйланган, ҳис қилинган пойдевор устидаги қад кўтариши турган гап. Мен эндиликда эски ўз балетим «Севги афсонаси» устидаги (ажойиб шоир ва инсон Нозим Ҳикмат асари) ишлаш баҳтига мусассар бўлиб турибман. У ҳам саҳнада, Фарҳод ва Ширин ҳақидаги Шарқ афсонасини жонлантиради, икки қалб муҳаббати ҳақидаги шеъриягта янги умр баҳш этиди.

«Кашмир қўшиғи»даги Наргис ва Бамбур ҳам туйғуларнинг гўзллиги ва таъсирчанлиги жиҳатидан Фарҳод ва Ширинлар қаторида туради. Шу билан бирга, улар тамоман янги ҳаҷарларидир, чунки бу образларда ҳалқнинг битмас-туганмас тажрибаси музассамлашган. Бу образлар инсоний хатти-ҳаракатлари билан тасаввуримизда жонланади: бу эртакнамо персонажлар жуда нозик ҳаётинг фалсафий чуқур томонларига рамзий ишора қиласи, улар шартлилар ўлчовларини сақлай олганлар билан, характерлар тақдирлар, инсоний-ҳаётӣ ҳолатларни рақс тили билан ифода этиб, ҳайратга солади.

Бу ҳам бир саҳнавий қашғиётдир. Спектакль яратилиши давомида кўпгина фикрий — ҳаётӣ — бадий муҳлоҳазаларга дуч келинди. Натижада кўпчиликнинг фикрини қувватлайдиган баркамол балет спектакли яратилди.

Янги саҳна асарининг бадий муваффақиятига баҳо бермоқни томошабинлар ҳукмига ҳавола этимиз. Фақат шуни айтишим мумкини, балетда атоқли санъаткорлар билан ёш раққосалар ҳам меҳр-муҳаббат билан, жуда берилиб ўйнаётлар. Спектаклини асосан ёшлар балети дейиш мумкин. Чунки унда хореография билим юртларини яқиндагина тутатиб келган ёшлар ҳам банд. Улкан, эзгу ва мусаффо фикрлар билан учрашиб, пок ва юксак туйғуларга дуч келиш, шубҳасиз, ёш артистларнинг шаклланишида мухим аҳамиятга эгадир.

Москва ва Тошкентдаги икки катта театрнинг бир-бирига кўрсатган ижодий ёрдами ҳам дикқатга сазовордир. Маълумки, бугунги кунда ҳамкорликда спектакллар кўйиш, репертуардаги спектаклларни ўзаро алмашиш билан ҳеч кимни ҳайратда қолдириб бўлмайди. Лекин, менинг назаримда, бу ерда ҳамкорликнинг қандайдир янги бир сифати, янги бир кирраси намоён бўлётганини эътироф этиши керак. Спектакль ниятларнинг муштараклигидан, уни рӯёбга чиқаришдаги тилакларнинг, унинг талқини ва мазмuni учун ўзаро қардошларча масъулият ҳиссисининг муштараклигидан табиий равишда ўсиб чиқди ва таркиб топди.

«Неделя» газетасидан олинди



## БАХОР

## ТАШВИШЛАРИ

## РОМАНДАН ПАРЧА



Узбекистон халқ ёзувчisi Иброҳим Раҳим Россиядаги Қора тупроқли бўлмаган ўнка ерларини ўзлаштиришда қатнашаётган республикамиз вакиллари ҳаётига багишланган «Оқибат» романини ёди. Романда Қора тупроқли бўлмаган ўнка ерларини очишдаги муаммолар, мамлакатимиз миқёсида зўр аҳамиятга эга бўлган, КПСС XXVI съездидаги таъкидланганидек, барча республикаларнинг иштироқи билан қисса муддатда ҳал қилиниши керак бўлган буон вазифани бажараётган фидойи кишиларнинг интернационал дўстлиги улугланади.

Қўйнда шу романдан парча зълон қилмоқдамиз.

— Ў-хў... гулинг жуда чиройли-ку!  
Бу кимга?

— Мени кутаётган мезбонга.

— Қўлингдаги қовун ҳам ўшаларгами?.. Ширин бўлса керак.

— Юринг, бирга баҳам кўрамиз.  
Урганчдан юборишипти. Хоразм қовунининг қадри Тошкентда ҳам баланд.

— Раҳмат. Шошилиб турибман.  
Навбатчиликим бўлмаганда, албатта сенча ҳамроҳ бўлардим.

Нотаниш йигит сал нарига боргунча, орқасига қараб-қараб қўйди-да, Набижоннинг ўн иккичи дарвозага кириб кетаётганини кўриб, тўхтади, унинг орқасидан бормоқи ҳам бўлди чамаси, аммо қўлини бир силтади-да, йўлида давом этди.

Надежда ҳар галгидек деразанинг ҳарир пардасини кўтариб, ойнадан қараб туради. Набижонга кўзи тушиши билан пастга юргурди, ҳамишагидек табассум билан йигитни қарши олди.

— Ичкарига марҳамат, ойим сени кутяптилар.

Набижон қўлидаги гулни аста унга тутаркан, мулоийимгина деди:

— Бу сенга... Келаётган байраминг муборак бўлсин!..

Надежда гулни авайлаб қўлига олди, ҳидлади-да, унинг оромбахш исидан кайф қилгандек, Набижонга мавнун боқди. Қизнинг кўзларида қандайдир сирли учқунлар жилва қиларди.

Олдинда Надежда, кейинда Набижон зинадан кўтарилиб, чап томондаги ҳонага кирдилар. Иккиси хоналик квартира паркети йилтиллайди. Набижон тортиниб, йўлакда этик ечабошлаган эди, Надежда кўйрада кўймай уни ичкарига етаклади. Йигит чўнганидан оқ латта олди-да, этигини артди, қўнжигача ярақлатгач, ичкарига кирди.

Пелагея Ивановна тўрдаги диванда ўтириб, дераза ёруғида жун пайпок тўқимоқда эди. У салом бериб, уялиб турган меҳмонга зимдан қараб қўйдио, бош силкib алик олди. Истараси иссиққина кўринса-да, бу йигитнинг ўйга этикда кирганидан ранжигандай кўринарди.

Надежда онасига юзланди.

— Онажон, танишиб қўй, мен айтган йигит шу... — деди-да, қиз: «Яхши гапир», дегандек онасига ўтичини кулимсиради қаради.

— Келинг, ўтиринг! — Пелагея Ивановна меҳмонни уй ўртасидаги столга таклиф қилди.

Надежда йигит билан ёнма-ён

ўтириди. Пелагея Ивановна қўлидаги бизлагини диванга қўйиб, стол бошидаги креслога келиб ўтириди-да, Набижонга синчков қараб олгач, сўради:

— Қаерлик бўласиз, меҳмон?

— Айтгандим, онажон, — деди Надежда. — Буар — Ўзбекистондан. Мелиораторлар.

— Ҳа, ҳа, айтгандинг.

Набижон одоб сақлаб жим ва сипо ўтиради.

— Исимингиз нима?

— Набижон.

— Ўқиганмисиз?

— Ҳа, қишлоқда ўн йилликни битирганинан. Қейин билим юртида шоферликини ўргандим.

Надежда ўзича Набижоннинг ҳолатига ҳайрон қоларди. У ҳозир шаддод, ҳаммани бир чўкишда қочирадиган Набижонга сира ўхшамасди. Унинг байронлиги, ичак узди ҳазилхузуллари қани? Ёки Пелагея Ивановнанинн соддалиги, саволлари ёқмадимикан?.. У тарбия йўрган йигит, балки биринчи марта сўхбатлашаётган аёлга сир бермаслик учун шундай қилаётгандир. Ўзбекларда: «Кексалар — иззатда, ёшлар — хизматда, деган нақл бор... Ҳар ҳолда ўзини тувиши ёмон эмас. Лекин онасининг саволлари Надеждага ёқмадиган эди.

Пелагея Ивановна сўраб-суриштиришини қўймасди.

— Ота-онангиз нима иш қиладилар?

Набижон жавобга оғиз жуфтламай, Надежда луқма ташлади:

— Онажон, ҳамма гапни ўзим айтгандим-ку, яна нега суриштирипсан?

— Э, сенга ўхшаб ўн саккис яшармидим? Ҳамма гап эсимда турди дейсанми? Яхшиси, бор, меҳмонга чой қилиб ке, яхши кофеларимиз йўқ. Онда-сонда, байрам кунлари магазинда пайдо бўлади, тезда тугайди. Чойдан яхшиси борми, опкелақол, қизим.

— Раҳмат, онажон, мен яқинда чой иҷиб эдим, — деди Набижон ва Пелагея Ивановнага биринчи бор дадил қаради. — Сизга қовун олиб келгандим. Антика қовун. Сўйиб бераймы!

Шундай деди-да, унинг жавобини ҳам кутмай, Набижон сакраб ўрнидан турди, тўр халтадаги қовунни кўтариб ошхонага кирди. Надежда чой қўймоқда эди.

— Чойни қовундан кейин ичамиз, жонидан... Пичоқни ол!

Набижон қовунни карж қилиб, патнисда кўтариб хонага кирди.

— Жуда ширин экан, — деди Пелагея Ивановна қовундан татиб.

— Бизда шунақа қовунлар етиштирилади, — деди Набижон уй бекасининг бояги саволига жавоб қайтараётгандай. — Отам — деҳқон. Онам ҳам.

Уларнинг сұхбати қовуша бошланидан Надежда мамнун эди.

## II

**X** АММА ёлғиз қиз ҳам эрка бўлавермас экан. Надежда бунга мисол. У ота-онангиз ёлғиз қизигина эмас, умуман, оиласининг якка ягона фарзанди. Пелагея Ивановна уни, ўз тили билан айтганидай, «қариганидан кўрган ва шунга ҳам минг бор шукр қилиб, боши осмонга етган. Ағусски, оиласида фарзанд пайдо бўлган йили унинг дийдорига ҳам тўёлмай, Пелагеянига вафодори Ефим Масалов оламдан ўтди. Уни Улуғ Ватан урушидаги ортирган жароҳати ҳаётдан олиб кетди.

Бева қолган Пелагея Ивановна бутун ҳаётини қизи — Надюшасига бағишилади. Унинг назарида гүё ҳамма борлиқ шу биттагина Надеждан иборатдай эди. Боғчага, сўнгра мактабга қатнайдиган бўлганида ҳам уни ҳеч кимга ишонмасди, ўзи емаса ҳам қизига едирад, топганига ясантиради. Унинг топгани — фаррош аёлнинг маоши ҳам бўларди?

Еттинчи синфи битирганида, Надюша анча кўзга ташланиб қолганди. Росмана ясанадиган пайти. Нима қилсин? Завод маҳаллий комитетининг ўзаро ёрдам кассасидан қарз олиб, биринчи бор модний кўйлак, кофта инъом этди. Ясанган Надюшани кўриб қувонганини айтмайсизми! «Кийимдан қисилиб юрган экан, қизим...» деб меҳрибон она заводдаги хизмати устига трикотаж фабрикасидан уйда бажариладиган чакана иш олди. Майда иш бўлса ҳам, тушими мўмай эди. Бўш вақтида қизи ҳам қарашарди.

Надежда саккизинчи синфи битирган куни «Рекорд» телевизори сотиб олиши. Уйлари одамга тўлди. Айниқса, Надежданинг мактабдошлири гуриллаб келишиди. Пелагея Ивановнанинг никоҳ тўйидан бери уларнинг уйи ҳеч вақт бундай гэвжум бўлмаганди. Телевизорда ёшларбон шўх кўй янгради. Мактаб болалари билганиларича танца тушардилар. Виктор ўшандаги биринчи бор танцага таклиф қилди. Қиз уни қалбан ёқтирмаса ҳам, нима қилсин, меҳмон, йўқ дёйлмади... Шу-шу бўлди-ю, уларнинг ўйидан Викторнинг оёғи узилмай қолди.

Виктор саккизинчи синфи тутагач, кран ишлаб чиқаридиган заводга ишга кирди. Қўли унча-мунча пул кўргач, Надеждага байрам совғалари кўтариб келадиган бўлди. Унинг бу одати Пелагея Ивановнага ёқса-да, Надежда унинг ўзини хуш кўрмаганидай, совғасини ҳам назарига илмасди. Шу хусусда кўпинча она-бала ўртасида келишмозчилик содир бўй

**Н** АБИЖОН якшанба куни одатдагидек яхши қайфият билан Тошкент кўчасининг ғиштерилган йўлкаси бўйлаб хиргойи қилиб борарди. Йўлка тор бўлгани учун қарама-қарши келаётган йўловчиликар учрашганда бири-бирига сўйиқишиб ўтардилар. Бугун эса, Набижоннинг назарида йўл кенгайиб қолгандай: иморатларнинг деразалари сутдек ойдин нурдан ярқирав, бир сўз билан айтганда, ҳамма ёқда кенглик, жозабалилик. У ҳар гал бу кўчадан ўтганида дарвозаларни сабаб, деразаларнинг ойналаридан кўз узмай борарди. Ўн иккичи дарвоза, иккичи қават, ярқираган дераза... Худди шу деразадан Надеждаси кубириб қараб турган бўлади, Набижонни кўриши ҳамони пасти тушади. Сўнгра улар аввалдан маслаҳатлашиб қўйган жойларига — трикотажчилар клубига танцагами, киногами борадилар.

Бугунги учрашув одатдагилардан эмас, Набижоннинг назарида энг масъулиятли учрашув эди. Чунки, Надежда уни шу якшанба куни онаси Пелагея Ивановнага танишилмоқчи бўлган эди. У онасининг яхши фазилатлари, ўзига хос феъли-автори ҳақида сўзлаб берганди. «Энг муҳими, ойим жуда яхши аёл, соддлик қилиб бирор гап айтниб юборса, кўнглинига олма», деганди. Пелагея Ивановна ҳам ҳозир кучоқ очиб кутаётгандай, гүё Набижонни дарҳол дастурхонга таклиф қилиб, буғи чиқиб турган самовардан чой узатаетгандай эди.

Ўн иккичи дарвозага яқинлашган сари Набижонни ҳаяжон босар, қалбини қандайдир тантанавор ҳис-туйгу чулагаб, кўзлари бўлғуси учрашув завқидан ёнар, ўзи учеб-қўниб борарди. Шу он қаршисидан келаётган одам унга туртаниб кетди, хаёлини бўлди.

— Ҳа, йигитча, йўл бўлсин! — деди башанг кийинган йўловчи йигит.

— Меҳмонга кетяпман. Яхши одамларнига... — деди Набижон.

лар, баъзан можаро ҳам чиқиб турарди.

Бугун худди шундай бўлди. Виктор етти соатлик навбатчилигини таоммлаб, заводдан тўпта-тўғри Надеждаларнига келди. У ҳорғин ва ташвиши, нимадандир ранжигандай эди. Надежда уни одатдагидай совуқ қарши олди. Виктор столга ўтирганидан кейин ҳам Надежда унга чой тутмади. Ошхонадаги қарж қилинган қовуннинг хиди анқиб турар эди. Шунинг учун Виктор умидвор бўлиб боқаётган бўлса ҳам Надежда лоақал: «Қовун ейсанми?»— деб сўрамади.

Қизининг бу қилиғидан ранжиган Пелагея Ивановна ўрнидан турди.

— Навбатчиликдан келяпсан, болам, қорнинг очгандир,— деди-да, унга дастурхон тузаб, ликопда икки қарж қовун келтириб қўйди.

— Бу қовунни бутунлигига кўрувдим,— деди Виктор қаржини қўлида ушлаб, тўрларини томоша қилар экан. Кейин Пелагея Ивановнага юзланиб сўради:

— Неча пуллингизни шилди у қовунфуруш?

— Соғва қилиб келди,— деди Пелагея Ивановна.— Отаси дехқон экан. Онаси ҳам дехқончилик қилармий.

— Бекор айтти!— деди Виктор биринчи қаржини еб тамомлар экан.— Тилимини отасининг баҳосига сотар...

Надежда унга ўқрайиб қаради-да, юмшоқлик билан эътироуз билди:

— Набижон ҳақида гапираётган бўлсанг, Витя, хато қиласан!

— Ёз кунлари бозорга бир кириб кўргин, мева бозори билан сабзавот расталарида дўйпиликлар ҳоким! Болаларига бермай, бозорга олиб келишади.

— Яхши ҳам ўшалар бор экан,— деди Надежда.— Онда-сонда бўлса ҳам танқис меваларга оғизмиз тегиб турди. Ўзингда ўйқ нарса билан бозорингни обод қилса ёмонми?

Пелагея Ивановна индамади, у на қизига, на Викторга бўлишди. Буни ўзига хайрихонлик деб тушунган Виктор гапида давом этди:

— Пуллинги шилиб олаётгандарни кўзинга кўринмайди-да. Билиб қўй, ҳамма сенга ўшаган пулдор эмас!

Надежда унга яна терс қаради.

— Бозорни кўзган кўзинг нега коопторг магазинларини кўрмайди, нега завод дўйконларидагисини кўрмайди?! Ойида неча марта Ўзбекистон мевалари сотилади. «Қардошлар совфаси»ни кўрмас экансан-да! Ёки ўша вақтларда пивохонада ўтирасанми?

— Тўғрисини айтами?

— Айт!

— Менга ўша қовунфуруш йигит ёқмайди. Қип-қизил фирибгар!

— Унда дема!

— Тил тегизма, дегин?

— Мутлақо!

Виктор унинг важоҳатидан билдики, ҳозир бу ҳақдаги ҳеч гап унинг қулогига ёқмайди. У баҳсни тўхташига мажбур бўлди.

— Чойинг борми, Надежда, бўлса бир чашка куйиб бер, қайноқ сув бўлса ҳам майлига,— деди Виктор қалбаки табассум билан унга боқаркан.

Надежда ошхонага кириб кетганида, Пелагея Ивановна Виктордан сўради:

— Набижонни танийсанми?

— Кўравериб кўзим қизарди. Ҳар гал уни Надежда билан кўрганимда жоним ҳалқумимга келди,— деди Виктор ғижиниб, юзини Пелагея Ивановнадан ўтирапкан. — Иккоби бирга юрганларида кўзимга кўришмаса яхши бўларди...

Виктор кетди. Пелагея Ивановна, бу ҳақда нима дер экан, деб қизининг оғзини пойлади. Надежда гўё насанинг баҳс очишга муштоқлигини сезмагандай ўз иши билан банд эди. Бари бир ҳамма кекса аёлларга

ўхшаб Пелагея Ивановна ҳам ичидагап сақлаётмасди.

— Надюша, Викторни нега хафа қилдинг-а, қизим?— деди у ниҳоят.

— Нима қилибман?

— Тузукроқ гаплашмадинг...

— Ўзидан кўрсинг.

— Ҳа, нима арпангни хом ўрдими?

— Бирорларни ёмонлагани билан ўзининг обрўси ортармиди? Набижон у айтган одамлардан эмас. Оғизга қарағапирсинг!

— Ана холос. Ана холос...

— Ҳа, нима бўлти?

— Витя — ёмон, Набижон — яхши.

Ҳаммаёқ чархпалак-ку?!

— Ўзидан кўрсинг!..

— Нима бўлди, Витя билан уришиб қолдиларингми?

— Аввалгидаймиз.

Пелагея Ивановна ҳеч нарсани англаётмай, бўлиб ўтган гапларнинг тагига етолмай ҳайрон эди.

— Қани, бу ёққа ке, диванга ўтириб гапириб бергина-чи,— деди у қизига бўйруқ оҳангиди.

Ҳеч вақт онасининг гапини иккита қилмайдиган Надежда бу гал Пелагея Ивановнага тикилган кўйи, ҳатто кўлидаги идишларни ҳам жойига элтиб кўймай, тик турганча жавоб қилди:

— Ҳамма гапимни айтдим.

— Витя сени севади, Менга ҳам маъқул йигит. Беозорлигини айтмайсанми?

— Беозорлиги шуми? Набижон ҳақида нималар демади у.

— Демак, сенга Набижон ёқади...

— Ҳали яхши синаганим йўқ. Лекин яхши йигитлигига ишонаман.

— Синаганин бўлсанг, яхшилаб синаб кўр!— деди Пелагея Ивановна ух тортиб.

### III

**К**УДРАТОВ якшанба кунлари ҳам тиниб-тиничиб ўтирмайди.

Розиқов юборган составлар кела бошлиганди. Унинг дам олиш кунлари гоҳ аэропортда одам кутиш, гоҳ товар станциясида юқ қабул қилиш, вагон бўшатиб, юқ жўнатиши билан ўтарди. Фақат шу якшанба тинчроқ ўтадигандай эди. У шофери Набижонга кун бўйи ҳоҳлаган жойида ҳордиқ чиқаришга рухсат бердида, ўзи мириқиб ухлаб олмоқчи бўлди. Учакишигандай у эндигина ечиниб, кўзи илинай дегандада товар станциясидан темир йўл навбатчиси юқ келганлиги тўғрисида хабар қилди. Эрталабгача сабр қилишларни сўраган эди, навбатни кўнмади. Қурдатов такси топиб боргунча, унинг вагонларини кўшимча станциянинг боши берк йўлига киритиб кўшишибди. Вагонларда озиқ-овқат моллари, мева-чева, сабзвот ҳам бор экан.

У йўловчи машинада бошқармага қайтиб келди-да, шоферини қидирди. Машинанинг калити ўшандада эди. Набижон эса кун оққан паллада пайдо бўлди. У ниҳоятда хурсанд ва ўқусига симгаётган шодлигини айтб поччасидан суюнчи олмоқчи эди. Йигит: «Почча!», деб хитоб қила олди, холос. Жаҳали чиқиб турган Қурдатов, ўзи рухсат берганини ҳам унтиби, овозининг борича жеркиб ташлади:

— Қаёда юрибсан, саёк!

Набижон гап қайтармади. Унинг шунақа одати бор эди: жаҳали чиқиб турган бошлиқса сира гап қайтармасди. У индамай бориб, машинасини юргизиб, одатдагидай:

— Извош тайёр!— деди.

— Қўшимча станция туннелига ҳайдай!— деб буюрди Қурдатов.

Улар жўнаб ултурмасларидан яна телефон жиринглади. Бу галгиси авария ҳақидаги ваҳимали хабар бўлиб, ботқоқса ботаётган техникани кўтқариш учун шошилинч ёрдам сўрамоқда эдилар. Қурдатов кабинага кирапкан:

— «Ўзбекистон» тарафга ҳайдай!— деди.



— Қўшимча станция туннелига эмасми? Мевалар сасиб кетмасмий— деди кейинги воқеадан бехабар Набижон.

— Бўёқдагиси муҳимроқ!— деб жавоб қилди бошлиқ. — Тезроқ ҳайдай!

Набижон бошлиққа яқин одам бўлгани учун «Ўзбекистон» номи билан тузилётган совхоз муаммоларини яхши биларди. Янги куриладиган намуналини янги иккি совхознинг бирига иваноловикларнинг ўзлари «Ўзбекистон» деб ном қўйдилар. Иккинчисини эса, ўзбекистонлик қурувчилик билан «Дўстлик» деб атаган эдилар.

Совхозга олиб борадиган йўл узоқ ва ўйдим-чўнқир эди. Бунинг устига, аксига олгандек ёмғир ёғарди. Нотекис йўлда машина бесўнай-кай ўрдакдай сув кечиб борарди. «Олтин ҳалқа» трактика чиққанларидан йўл бир оз текис тортид. Бундан Набижон мамнун бўлди. У бугунги қувончини ким биландир баҳам кўргиси келарди. Боя биринчи учрашганидаёт Қурдатовга айтмоқчи эди, ўрн бўлмади. Чунки Қурдатовнинг кайфияти бундай гапни кўтартмасди. Мана энди айтса бўлар. Бу ерда сирини Қурдатовдан бошқа кимга ҳам айтсин!

У Қурдатовга қаради. Поччаси боягидек қатъий, асабий ўтирад, ҳеч нарсага ўтибор бермас, фақат ойнани тешгудай олға тикилиб борарди. «Бирор ноҳуш хабар эшитган шекилли, авзойи бузуқ...» Набижон айтмоқчи бўлган гапларини кейинроқка суруб, поччасидан ҳайдай:

— Бойбеков яна бирор номаъкулчилик қилиб қўйдими, дейман?

Хаёлга ғарқ бўлган Қурдатов унинг гапини эшитмади. «Жавоб бергиси йўқ. Мендан қаттиқ хафа бўлган экан-да!» Набижон узр сўрагандек деди:

— Бу якшанбани дам олиш куни, деб ўзингиз эълон қуловдингиз...

— Тасодиф воқеаларни қаёқдан билибман!— деди Қурдатов асабий товушда.

— Қанақа тасодиф?  
Бошлиқ гапни кесди:  
— Борганди биласан...

Катта асфальт йўлдан дала сўқмоғига бурилишда Набижон тормозни босди. Тез келаётган машина шиналаридан ўт қаёнади. Қурдатов парво қилмай ўтиради. Набижон машинани қанча тез тўхтатган бўлса, шундай чаққонлик билан ўнгга, сўқмоқча бурди. Тор, бричка йўли. Бунинг устига Бойбековнинг тракторлари, скрепери тягачлари яна ҳам ўнқир-чўнқир қилиб ташлаган. Ботқоқ самосвали ўз қаърига тортар, фидирлаклар зўрба-зўр айланар, Набижоннинг тили билан айтганда, унинг энг қурдатли мотори йўл азобидан дод-фарёд қиларди.

Улар бир илож қилиб «Ўзбекистон» совхозининг маркази курилаётган қурувчиликларига етиб олдилар. Розиқов юборган элликта вагон-ўйлар билан кечагина квадрат шаклида кўргонча-шаҳар курилган. Ҳар бир вагон — мустақим ўй. Қурувчиликлар билан ичкариси турлича эди. Бўйдоқларники бесаранжомроқ, оиласиларники эса андак тартиблироқ эди. Дам олиш куни бўлса ҳам, шаҳарчада одам кўринмасди. Бир вагон-ўйдан гўдак йигиси эшилтилди.

— Билиб чиқ, одамлар қаерда экан?— деди шоферига.

Вагон-ўйда бир аёл уч гўдакни овутломай овора экан.

— Ҳамма ўша ёқда! Қуришяпти...— деди аёл Набижонга қарамасдан.

Бу ерга келгандаридан бери уч ойла фарзанд күрди, яна янги гражданлар күтилмоқда эди. Шунинг учун бугун якшанбалик йўли билан вагон-шаҳарчада болалар учун майдонча курмоқчи эдилар. Болалар учун курилаётган жой шунчаки бир қўлбола майдонча бўлса ҳам, вагон-шаҳарча аҳолиси учун жуда зэрур эди.

Якшанбалик ҳам, бояга курилиши ҳам тўхтаб қолганди. Қоровул аёлнинг айтишича, бояга қурувчилар ҳам, ҳашарчилар ҳам бутхона томонга кетгандилар. Ҳамманинг, ҳатто болалик аёлларнинг ҳам чақалоқларини бирорга ташлаб бутхона томонга кетганидан Қудратов ташвишга тушди. Бойбеков колоннасинынг техникаси ана шу сабиқ бутхона атрофидаги майдончада турарди. Эриган қорсуви билан ёмғир натижасида тепалик ерлар чўкиб кетганидан кейин мавжуд техниканинг ҳам ботқоқка ботиши табиий бир ҳол эди.

Якшанбаликка бульдозер олиб келиш учун эрталаб базага борган Бойбеков бу аҳволдан ваҳимага тушдида, шаҳарчага «Техникини ер ютипти!» деб жар солди. Бу ерлар асли ботқоқлик бўлиб, асрлар бўйи қаровсиз ётгани, кейинчалик, инқилобдан сўнг тузилган колхозга қарашли молхона ҳам ботқоқликка чўкиб кетгани ҳақида маҳаллий аҳоли орасида гап юрарди. Буни Бойбеков ҳам эшитган эди. Лекин у «биз шунақа ботқоқликни ер қилгани келганимиз-да», деб миш-мишларга эътибор қиласди. Бундан ташқари, унинг ҳисобига кўра, ботқоқлик суюлиб кетгунча «Олтин ҳалқа»дан олиб келинаётган йўл битиши керак эди. Навбат майдон қуришга келганда, энди ҳамма ботқоқка чўккан техникини кутқазиш билан овора. Яқин-атроф қишлоқлардан ҳам одамлар келишишти. Ҳамманинг юз-кўзига, эгни-бошига лойлашган, маҳаллий одамлар киму мелиораторлар ким, билиб бўлмасди. Бир киши одамлар орасидан ажралди-да, тўшалган ходалар, похол боғлари устидан аранг лапанглаб юрди ва Қудратовга яқинлашгач, ҳорғин нафас олиб, ҳансираб қисқана рапорт берди:

— Қутқаряпмиз...  
Бу Бойбеков эди.

У бўлган воқеа юзасидан ахборот бертаётганди, Набижон ўша томонга юрди. Бойбеков рапортни ҳам тўхтаби, уни орқасига қайтарди:

— Борма, чўкиб кетасан!

Қудратов бирор ишга баҳо бериш, бирор воқеадан тўғри хулоса чиқариш учун ўша ишни аввало ўз кўзи билан кўришга одатланган. Шундан кейингина, «етти ўлчаб, бир кес» деганларидек, аниқ бир фикрга келарди. Ҳозир ҳам у ўз одатига амал қиласди. Машинадаги комбинезонини кийиб олди-да, Бойбековнинг изидан ер чўйкетган жойга кетди.

Ташландик бутхонадан сал нарида бульдозерлар қийшайб ётар, «К-700» маркази тракторнинг эса тутун пуркагичи ҳам ботқоқ ичиди эди. Одамлар троффи ва тиргак асбоблар, қишлоқлардан келтирилган арқон ва симларни улаб, шатакка олиш ҳаракатига киришандилар. Қудратов техникини кутқариш операциясига ўзи раҳбарлик қиласди. У дастлаб Набижоннинг самосвалини ҳам шатаклар гурухига қўшиб қўйди. Шатакчиларнинг ҳайқириғи, тракторларнинг гулдурос овози бутун атрофи тутган эди. Моторлардан чиқсан қора турундан одамлар бир-бировларини кўролмас эдилар.

Бойбековни қирғоқда қолдириб, Қудратов фалокат юз берган жойга яқинроқ борди. Унинг назаридан бутун бошли колонна техникини Россия тупроғида ҳали бирор иш қилиб улгурмай ер қаърига кириб, ўйқуб бўлиб кетаётгандан эди... Бу мудҳиш фикрдан унинг юраги тарс ёрилгудай бўлди. «Худо урди бизни!» Бояшидан ҳуши учган Қудратовнинг

ҳаёлида фақат шу сўзлар айланарди. «Яп-янги эди-я... Ҳали қанча иш бериши мумкин эди! Үзлари ишлатмай бизга юборишган эди буларни... Нима қилиб қўйдик? Нималар қилиб қўйдик?» Қудратов чора қидириб қирғоқда у ёқдан бу ёқка юрди, кутқариш учун кулай жойларни чамалаб кўрди. «Шунча техникини ким беради сенга? Берганда ҳам яқин ўтада берармиди? Кўзинг қаёқда эди, демайдиларми? Ҳа, демайдилар-а! Шунча техника ерга кўмилаяти нега қараб турибсан, Қудратов!»

У шундай хаёллар билан чўкаётган техника томон юргурди. Ботқоқлик устига ташланган ходалар қимирлаб турарди. Қудратов ёғочдан ёғочга сакраб, одамларнинг, «Тўхтанг!», «Орқага қайтинг!» дейишларига қарамай, югуриб бораётib оёғи тоийлиб кетди-да, ботқоқа йиқилди. Унинг йиқилганини биринчи бўлиб Бойбеков кўрди. У овозининг борича: «Қудратов! Қудратов чўкяпти!» деб қичирди-да, ўша томонга юрди. Бу қиқириқни кабинадан бошини чиқариб турган Набижон эшитди-да, поччасини қутқаргани юргурди. Иккаласи белигача ботқоқка ботган Қудратовнинг олдига яқинлаша олмасди. Йўл йўқ эди. Ёғоч йўлка эса бузилиб кетган, тўсинлар кўндаланг бўлиб, сомон бойламлари сочилиб ётарди. Бир илож қилиб иккаласи икки тўсинни жуфтлаштириди-да, унинг устидан эҳтиётилик билан Қудратов олдига эмаклаб бориши.

Набижон шоҳ узатиб, поччасига қичқириди:

— Қўлингизни беринг, почча, маҳкам ушланг!

Қудратов шоҳга интилиб, уни ушлади, Набижон томон талпинди. У қимирлаган сари ботқоқ тобора ўз қаърига тортарди. Бойбеков Қудратов томонга хода юмалатди.

— Ходага ёпишинг! — деб қичқириди Набижон.

Қудратов кучининг борича ходага тирмашиб, унинг тепасига чиқишига ҳаракат қиласди. У тирмашган сари ходалар сирғалиб, ундан нарига кетиб қоларди. Набижон поччасининг костюмидан ушлаб торта бошлади. Бойбеков эса, бир илож қилиб Қудратовга арқон ташлади. Улар ниҳоят, Қудратовни қирғоқка тортиб олиши.

Қудратовнинг юз-кўзига балчик чапланган, кийимларига қараб бўлмасди.

— Бойбеков, боринг, сиз одамларга қарашинг, — деди Қудратов.

— Ечинг буларни, почча! — деди Набижон ва дардol ўзи ечинишга ёрдамлаши. — Ие, туфлиларингиз балчиқда қолибди-ку! Пайпоқларига ҳам...

Набижон поччасини бир четга олиб борди, конистрдаги тоза сувдан келтириб юзлари, оёқ-кўлларини ювди. Набижоннинг кийимлари торроқ бўлса ҳам Қудратов уни кийишга мажбур эди.

— Нега дилдираб турибсан, киядиган ҳеч нарсанг йўқми? — деди Қудратов ўзига келиб.

— Бор. Бир эмас, иккита комбinezон бор. Ҳозир кийиб оламан.

— Иккинчисини менга олиб ке!

— Ҳозир есть қиласми, — деб Набижон машинаси томон югуриб кетди.

Шу пайт «Газик»да Қудимов келиб қолди. Қудратовнинг балчиқ билан битта бўлган кийим-бошига кўзи тушиб, кўрқиб кетди. Нариди Қудратов тор ва калта костюмни эпацага келтирмай овора эди. Қудимов унинг олдига бориб, ташвиши оҳангда сўради:

— Нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, техникини кутқаряпмиз...

Қудимов қўлида комбинезон билан пайдо бўлган Набижондан суршириб воқеан билуб олгач, Қудратовга юзланди:

— Жонингиздан тўйдингизми, ўртоқ Қудратов! Бу нима қилик?



Расмларни Темур САДУЛЛАЕВ чизган.

Қудратов эътиборсизлик билан:

— Яп-янги техника чўкиб кетса яхши бўлармиди, — деди.

— Техника ботқоқда турибди-ку?!

— Қутқаряпмиз.

— Бир эмас, ўнта Қудратов чўкиб кетса ҳам шунча техникини кутқарб олиш осонмас! Нега бизга ҳабар қимладингиз?

— Овора қилгим келмади.

— Ана шу ишингиз ярамайди, ўртоқ Қудратов, мутлақо ярамайди! — деди жаҳали чиқиб Қудимов. — Ўзим келмасам, доғда қоларканман. Приволжска бораётгандим. Бу жойдаги тўполонга кўзим тушди-да, бурилдим.

— Бошқа колонналардан одам ҷақидим, ҳозир кўпайишиб қоламиз.

— Барни бир ўз кучингиз билан эплаёлмайсиз, мен ҳозир шаҳарга қўнғироқ қиласман, — деди Қудимов. «Газик»ка ўтиаркан, сўнг кабина эшигини қия очиб, тайинлади: — мен келгунча яна бир ножӯя иш қилиб қўйманг!

Бу гапдан Қудратовнинг жаҳали чиқди.

— Нима, нима! — деди у Қудимовнинг орқасидан. — Мени ким деб ўйлајпазис?

Қудимов унинг аччиқ устида айтган гапларини чала-чулла эшитса-да, эътибор бермади. Ҳозир у билан тортишиб ўтирадиган пайт эмас эди.

Қутқариш ишлари давом этарди. Қудратов комбинезонни кийиб олди-да, кутқарувчиларга бош-кош бўлиб Бойбековга ёрдамга шошилди. Шу пайт бир неча аравага похол юклаб Алексей Васильевич келиб қолди. У келасолиб, Қудратовни кўрмади шекилли, Бойбековдан ўпкалди:

— Айтмабидим, бу ер ботқоқлик ерлар, ер эриса, тамом ботадикетади, деб. Мана энди, айтганим келибди.

Бойбеков лом-мим демади. Нима ҳам десин? Айб ўзида. Тажрибасизлик қиласди.

— Уст-устига сигнал беринг, похол

ортган араваларни четлаб ўтиб, «Газик»да Қудимов етиб келди. У ҳали машинадан тушар-тумас колхоз рашиини уриша кетди:

— Сен билан мени деб келган бу оқибатли одамларни нега шу ҳолатга солиб қўйдинг, Алексей Васильевич! Ношукур банда экансан!

Алексей Васильевич нима деярини билмай, ҳар ҳолда ўзини оқламоқа уринар эди. Қудимов вазиятини аниқлаб олгач, ахвол оғирлигини сезди-да, яна раисга юзланди:

— Нега қараб ўтирибсан, Алексей Васильевич, одамларнингни чақир, илохи бориши ҳаммасини чақир. Ҳозир водолазлар ҳам келади, — Алексей Васильевич похол органтарнинг бирини қайтараётганини кўриб, унга буюрди. — Аравада қаҷон борасан, ана, «Газик»ка чиқ!

Алексей Васильевич катта йўлга бурилар-бурилмас кетма-кет наъра тортиб бир эмас, тўртта ўт ўчирувчи машина етиб келди. Ўт ўчирувчилар отрядининг командири Қудимовни кўриб, рапорт берди:

— Ўртоқ секретарь, ўт ўчирувчилар командаси хизматга тайёр. Бу юринг!

— Водолазлар ҳани?

— Қўрмадик. Обком навбатчиси бизга тревога эълон қилган заҳоти ўйлга чиққандик.

— Ҳеч қиси йўқ. Сизларга ҳам иш топилади, — деди Қудимов ва ботқоқликни кўрсатиб, қўшиб қўйди. — Техника ботаётганди жойдаги суюқ балчиқни насослар билан тортиб олиш мумкини?

— Мумкин.

— Бошла, азамат!

Ўт ўчирувчи машиналар тепаликка қатор бўлиб, насослар билан ботқоқ сувини тепага тортиб чиқара бошлади. Тепароқда мелиораторлар қазиган коллектор бор эди. Ботқоқ суви теварик атрофа кўланса ҳид таратиб коллекторга оқарди. Буни кўргач, Қудимов Қудратовнинг олдига борди.

Ш

ИШАДЕК тиниқ осмонда пага-пага булутлар эринчиоқлини билан сузид юриди. Күёшнинг зарин нурлари дengиз каби мавжланётган оппоқ далаларга таралади. Пахтазорнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган ўқариқ ёқасида юзлари офтобда хийла қорайган ўрта бўй бир киши эгат оралаб, гўзаларнинг ривожини кўздан кечиряпти...

Абдусаттор Сулаймонов йил бўйи пешана тери тўкиб етиширилган ҳосилни кўриб, ўзида шижоат, куч-ғайрат сезгандек бўлади. Айнича, бир чаноқ момик паҳтани кафтига олганда унинг тўйғулари жўш уриб, вужудида кучли бир ўт аланга солгандек тулолади. Ахир, у «оқ олтин» деб улуғланадиган бу бебаҳо бойлик билан неча йиллардан бери қадрдон! Эсини таниганидан бери шу ноёб ўсимликни ардоқлайди.

...Абдусаттор 1956 йили Пойариқда ўрта мактабни битиргач, ҳозирги Галаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига келиб ишга кирди. Шу ерда механизаторлар курсини тамомомлади — касб эгаллади. Ер ҳайдади, гўзага ишлов берди, механизаторликда тажриба ортириди. Орадан уч йил ўтгач, уни звено бошлиги қилиб тайинладилари.

Чигит квадрат-уялаб экила бошланган йиллар эди. Бу усулнинг ўзига хос машақатлари дастлаб уни шошириб қўйди. Аммо кўнгли чўкмади. Чунки ҳали янги усулда чигит қадашга кўниколмаган одамлар билан муроса қилиш осон эмасди. Гоҳо ишда тажрибаси камлиги ҳам билиниб қоларди. Тушкунликка тушиб, «Яхшиси Пойариқ-қа жилворсаммикин?» деган хаёлларга ҳам борди. Ушандай кунлардан бирида ариқ бўйида хаёла ботиб ўтирган эди, кимдир елкасидан туртириди. Бурилиб қараса, тепасида машҳур паҳтакор Энвер Алиев туриби.

— Ҳорманг, Абдусаттор,— деди у.— Биз билан беллашмайсизми?

Абдусаттор дастлаб Энвер аканинг гапини кина деб тушуни. Шунинг учун индамади. Энвер Абдусаттордаги иккиланишларни сезиб юрган экан шекилли:

— Дўстим, чарчаган қўринасиз. Ё иккиланяпсизми— деб сўради.— Баъзан шунаقا бўлади. Иккиманнанг, бўшашишнанг. Кўз кўрқоқ, кўл ботир, дейдилар. Қийинчилик қарисида кўл қовуштиришнанг. Таваккалчилик ҳам керак. Қийинчиликни меҳнат билан енгис мумкин. Мен ҳам сизнинг куйингизга тушганман бир вақтлар. Кимдир кўксидан итарган бўлса, яна кимдир қўллаб-куватлаган. Сизга ишонганилар ҳам оз эмас. Ишончни оқлаш учун фақат меҳнат қилиш зарур. Биласизми, агар чигит аниқ тушмаса, ишлов даврида ҳам, терим маҳали ҳам қийинчилик тудириади. Ҳосилга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Биринчидан, ерни кафтидек текислаш керак, иккичидан эса симни таранг тортиш зарур. Шундагина уруғ мўлжалга аниқ тушади... Мабодо бирон маслаҳатли гап чиқиб колса, ҳеч тортишнанг. Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим, дейдилар. Деҳқончилик, хусусан паҳтачилик меҳнат билан бирга чукур билим ва катта тажрибани ҳам талаб этади. Ҳали ҳаммамиз ҳам изланишимиз керак. Мана, сиз ҳам, мен ҳам бир бригаданинг иккиси звеношини бошқарамиз. Мен сиздан кўра бироз тажрибалироқман. Сизда паҳтага ишлабтан меҳр бор. Келинг, ука, бир-биримизнинг камчилигимизни юз хотир қилмай, рўйи рост кўрсатайлик. Ютуқлар бизники бўлади...

— Бу билан иш битмайди. Ишни пухтароқ қилиш керак. Ҳозир водолазлар келади, асосий ишни ўшандан кейин бошлаймиз.

Водолазлар Волга дарёси бўйидан чақирилган эди. Улар Кучиннинг одамлари билан олдинма-кейин келдилар-да, аҳволни кўриб, ботқоқликка мосланган костюмларини апилтапил кийиб, ишга тушдилар. Уларнинг вазифаси ботқоқка чўккан техникага троесс боғлаб беришдан иборат эди. Уларнинг кетидан Кучиннинг одамлари ботқоқликка похол бойламлари, бутазорнинг шоҳ-шаббаларидан ўйлакча ясадилар.

Тез орада дурадгор усталар ёғочдан сол ясаб бердилар.

Ботқоқдаги ҳар бир машина ана шу сол ёрдами билан четга тортиб олинши керак эди. Favoslar балчиқка беланиб машиналарнинг керакли жойига сим арқон боғлашарди. Бу кийин эди. Шунинг учун уларнинг иши секин бораради. Техникани балчиқ остида солга тиркаш ундан ҳам кийин бўлди. Кутқарувчилар гуруҳига қўшилган ҳар бир киши белига арқон боғлаб олганди. Арқоннинг бир уни шатакчиларнинг қўлида турарди. Кимки бота бошласа, шатакчилар уни дарҳол ботқоқдан тортиб чиқарадилар.

Шундай қилиб, не-не азобда ботқоқка чўккан техника бирин-кетин кирғоққа чиқариб олинди. Кудимов кечқурун ҳаммага раҳмат айтди-да, кутқарин қаҳрамонлари билан илиқ хайрлашиб, шахарга қайтиб кетдилар. Кудратов ўчирувчилар билан favoslarни бир-бир қучоқлаб, улардан миннатдор эканини изҳор қилди. Алексей Васильевичнинг одамларига ҳам ташаккур айтгач, Кудратов ўз одамларига машиналарни «ҳаммомга солиш»ни буюрди. Бу дегани техникани одам янглиғ ювиб тозала, дегани эди.

Борлиқ машиналарнинг чироқлари шуъласида ҳар бир кичик деталгача

тозаланмагунча Қудратов ҳеч кимни бу ердан жилдирмади. Ҳамма иш ниҳоясига етгач, Қудратов Бойбековни чеккага тортиб, «Ичкилигинг борми?» деб сўради. «Йўқ», жавобини эшитгач, Набижонга боқди. Набижон ҳушёр йигит эмасми, ичкилик нима учун зарур бўлиб қолганлигини тушиуниди:

— Асалим бор,— деди ва қувнаб туриб қўшиб қўйди:— яхши асал ҳам зах балосини даф қиласди!

Қудратов ўз шоферига дарҳол бўюрди:

— Асалингни ботқоқда ивиганларга тарқат. Тез бўл, нега имиллаяпсан!



«Ўзбекистон ССР. беш йиллиги» совхозининг ишчиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор Музаффар Шахманс, звено бошлиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов ва КПСС XXVI съездиде делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев тез-тез учрашиб, деҳқончилик маданийини таномиллаштириш хусусида маслаҳатлашиб турадилар.

Х. МИРЗАКАРИМОВ фотоси

экиш намунали йўлга кўйилган. Кузда ҳосил йигиштириб олингач, пайкаллардаги айрим кам-кувват ерлар ўғита тўйдирилади, сўнгра шудгар қилинади. Эрта кўклам ерни экишга тайёрлаш жараённида яна ўғит сепилади. Чигит униб чиққанидан кейин бир ҳафтада звенонинг ялпи майдонига бир сидра комплекс ишлов берилади.

Бир оғиз сўз меҳнатида нарядсиз ҳақ тўлаш хусусида. Абдусаттор Сулаймонов бошлиқ звенонинг нарядсиз ҳақ тўлаш усулига ўтганига анча бўлди. Бу усулнинг афзалларини шундаки, аввало одамларнинг бир-бирини назорат қилиши кучаяди. Чунки энди иш соати ҳисобга олинади. Қолаверса, кишиларнинг бир-бира гишиончи тағин ҳам ортади. Бир жойдан иккичи жойга кўчиб юришга ҳожат қолмайди. Шунингдек, бошка бригададан ёрдам сўрашга деярли зарурат туғилмайди. Энг муҳими, иш суръати жадаллашади. Ҳамма нарсани механизмлар ёрдамида бажариш учун шароит юзага келади, вақт тежалади. Чунончи, иш қизғин кезлари ҳам шошилмасдан бир маромда ишлов берилаверади. Бунинг тартиби қўйидагича: паҳтакорлар эрталаб соат олтидан ишга чиқадилар. Соат бирдан тўртгача тушлик, тўртдан сакказча яна иш. Тушликда барча аъзо шийпонда оқватланади. Кундалик иш суръати шу ерда муҳокама қилинади.

Абдусаттор Сулаймонов бошлиқ звенода ҳамма нарса механизмлар гарданига юкланганлиги туфайли ҳосилдорлик йил сайин ошиб, паҳтанинг таннахи камайиб бораинга. Звено аъзолари ўнинчи беш йиллик топшириклини тўрт йилда ошиги билан адод этдилар. Тўрт йилда Ватан хирмонига пландаги 1350 тонна ўрнига 1700 тонна «оқ олтин» тўкилди. Беш йилликнинг сўнгги йилида гектаридан олтмиш центнердан хирмон кўтарили. Давлатга 280 тонна ўрнига 440 тонна паҳта етказиб берилди. Етиширилган ҳосилнинг қарийб ҳаммаси машиналар билан териб олинди. Абдусатторнинг ўзи эса мавсумда иккиси қаторли машина билан 170 тоннадан зиёд дурдона терди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов бошлиқ звено аъзоларининг бу йилги мэрралари янада улкан. Улар янги беш йилликда 70 центнерлик мэррани забт этиш учун курашмоядилар.

...Кўёш борлиқка нур пуркяяти. Кирчимол дўлпу кийиб олган ўрта бўй бир киши оппоқ одамларни кезиб юриди. У эрта-индин «зангори кема» билан паҳта денгизи ўзра оҳиста сузиш ҳақида, «оқ олтин»дан ўюладиган чўнг хирмон ҳақида ўйлаб бораётган бўлса ажаб эмас...

Хусан ИБРОҲИМОВ

Сулаймонов бошлиқ звенода экинни алмашлаб

# ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАР

«Ривожланган социализм дазрида барча ижтиёмий мунисабатларни янги тузумга таркибан манзуб бўлган колективчилик асосларида қайта куриш тугалланади,— деди КПСС Марказий Комитетининг Баш секретари, ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўтрок Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидан.— Бу қайта куриш ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатларни, ҳаётимиз бутун укладуни ўз ичига олади». Бу сўзларда буғунги жамиятимиз жуда яхши таърифлаб берилган.

Ҳа, буғунги кунда мамлакатимиз ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан, фан, маданият, ҳалқ маорифи соҳасида шундай ютуқларга эришилдики, инсоният тарихи ҳеч қачон бундай юксалиши кўрмаган эди.

Совет ҳалқи ранг-баранг маънавий, ахлоқий ва эстетик бойликлардан тобора кўпроқ баҳраманд бўйлоқда, жамият олға ҳаракат қилгани сайнин омманинг ижодий қобилияти янада ёрқинроқ рўёба чиқмоқда.

Буғунги кунда илмий-техника революцияси ҳалқ маорифини ҳар қачонгидан ҳам такомиллаштириши қатъни талаб этмоқда. Зеро, ҳаёт социалистик курилиш амалиёти инсоният заковатининг бутун чўққиларини эгаллаган янги, баркамол инсоннинг фаоллиги ва ўюшқоғлиги билан узвий боғлиқидир.

Совет кишиси ижод қилишига даъват этилган. Бинобарин, у ўзида маънавий бойлиқ, ахлоқий поклик, жисмоний баркомулликни мужассасалаштириши керак. У мақсадларига кўра дунёни ўзgartиравчи, янги, илғор нарсалар ижодкори бўлиши лозим. Совет кишиси орқада судралиб юрувчи қолоқ киши эмас, балки у ҳётининг олдинги сафларида бориши, ҳамма ерда, ҳамиша фаол ҳаётӣ позицияда туриши даркор.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўз фаолиятини инсоннинг жамият билан алоқани ҳис қилишига ёрдам беришига, унинг буғунги кун талаблари даражасида бўлишига қаратмоқда. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездидан таъкидланганидек, партияимиз илгари ҳам, ҳозирги кунда ҳам кишиларимизнинг бой маънавий ҳаёт кечириши, ҳалқимизнинг маданият бойликларидан янада ғенгрок баҳраманд бўлишлари учун барча имкониятларни яратиш масаласига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик ва 80-йиллар учун КПСС ҳалқ фарононлигини ошириш, жумладан, ҳалқ маорифи системасини янада такомиллаштиришининг кенг программасини олға сурди.

Ҳозирги ривожланган социализм шароитида совет турмуш тарзининг муҳим хусусиятларидан бири ҳалқимизнинг юксак билим даражасига эришганидир. Бу борада бутун мамлакатимизда, жумладан, республикамида ҳам кўп иш қилинди.

Маълумки, КПСС XXV съезди маорифчилар олдига умумий мажбурий ўрта таълимни янада такомиллаштириш вазифасини қўйган эди. Бу марта эгалланди. Умумий мажбурий ўрта таълимга ўтиш тугалланди.

Ўзбекистон ҳалқ маорифини таҳлил этарканмиз, республикада аниқ ва изчил система таркиб топганигини, бу системада таълим ва коммунистик тарбия жараёни ягона, монолит бирликни ташкил этишини ёрқин кўрамиз.

Бу борада ўнинчи беш йиллик жуда сермазмун бўлди. Жумладан, ҳамма ерда умумий мажбурий ўрта таълим жорий этилди; янги мазмундаги таълимга ўтиш тугалланди; ўқув жараёнининг техникавий жиҳатдан таъминланishi жиддий равишда яхшиланди; 177 янги мактабда ошхона очилди, умуман, ҳозир 5 минг 862 ошхона иш-

ламоқда; ўқитувчилар учун 5 минг квадрат метр ҳажмда ўй-жой қурилди; умумий таълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлардан бепул фойдаланишга ўтиш амалга оширилмоқда...

1980 йили маорифга ажратилган бюджет 1975 йилдагига нисбатан 233 миллион 860 минг сўмга кўпайди ва 1980 йили маорифга 1 миллиард 49 миллион 940 минг сўм ажратилди.

Ҳалқ маорифининг барча бўғинлари учун бу жуда катта маблағдир. Бизда коммунистик ахлоқ асосларини сингдирадиган дастлабки, бошлангич босқич мактабгача тарбия муассасалари ҳисобланади. Буғунги кунда мактабгача тарбия муассасалари — ота-оналар фарзандларини эрталаб келтириб, кечқурун олиб кетадиган, агар кечакундуз давомида ишлайдиган мактабгача тарбия болалар муассасаси кўзда тутиладиган бўлса, болалар душанба куни келиб, шанба куни уйларига кетадиган муассасагина эмас. Бу муассасалар, шубҳасиз, социал муассасадир. Бу ерда болаларга таълим-тарбия берилади, улар мактабга тайёрланади.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

1976—1980 йиллар мобайнида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 234 минг 200 ўринли ясли-боғчалар қурилди, ҳозирги пайтда эса Сурхондарё, Андикон, Қашқадарё, Намangan ва бошқа обlastларда болалар боғчалари курилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари курилишига колхозлар жалб этилмоқда, майдо корхоналарнинг маблағлари бирлаштирилмоқда. Масалан, факат Навоий ва Тошкент шаҳарларидаги маблағларни бирлаштириш ҳисобига мактабгача тарбия болалар муассасаларининг учдан бир қисми курилди.

Республикада ҳозирги даврда 7 минг 204 мактабгача тарбия болалар муассасалари ишлаб турди. Уларга 915 минг 200 бола жалб этилган.

Мактабгача тарбия муассасалари асосан зарур жиҳозлар, ўқув кўргазмали қуроллар, ўйинчоқлар билан таъминланган. Болалар учун давлатимиз ҳар йили турли инвентарлар, асбоб-ускуналар сотиги олиш учун кўплаб маблағ ажратилмоқда.

1976—1980 йиллар мобайнида фақат Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги системасидаги мактабгача тарбия муассасалари 4 миллион 386 минг 600 сўмлик, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида эса 800 минг сўмлик мебель олди.

Бизда ақлий ва жисмоний заиф болалар учун муайян муассасалар системаси таркиб топган. Унинг ихтиёрида тинглаш, қўриш, нутқ, ақл, таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонлари бўлган болалар учун боғчалар, ясли-боғчалар мавжуд, уларда махсус кузатишта муҳтож болалар яшайдилар, даволаниб, тарбияланадилар.

Бундай категориядаги болалар мактабгача тарбия муассасаларининг деярли барчasi типовой биноларда жойлашган, зарур инвентарлар, ўйинчоқлар, қўлланмалар, методик адабиёт ва таълимнинг техника воситалари билан таъминланган.

Мактабгача тарбия ходимларининг маълумот даражаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда, даволаш-профилактика ва соғломлаштириш ишлари шакл ва методлари анча такомиллашди.

Ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда мактабдан ташқари муассасаларнинг мавқеи ошмоқда. Улар болалар ва ўсимирлар билан қизиқарли, ранг-баранг ишлари амалга оширилмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик даврида мактабдан ташқари муассасалар тармоғи кенгайиб, фаолияти

такомиллашди. Жумладан, 1976 йили республика мактабдан 685 мактабдан ташқари муассаса бор эди. Ҳозир улар сони 872 тага етди.

1976 йилдан 1980 йилгача янгидан 22 пионер ва ўқувчилар саройи ҳамда уйи, 28 ёш техниклар, 29 ёш табиатшунослар станциялари, 29 болалар ва ўсимирлар спорт мактаблари очилди.

Мактабдан ташқари муассасаларда ярим милионга яқин мактаб ўқувчи турли тўғарак, секция, ансамбл ва оркестрларда шугулланмоқда.

«Ўнинчи беш йиллик мобайнида,— деди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов,— республикада умумий таълим мактаблари ривожланиб борди ва такомиллашди... Ҳалқ маорифининг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди. Салқам 800 минг ўринли мактаб бинолари қурилди. Педагогик коллективларнинг аксарияти ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Мактабларни битириувчилар чуқур ва мустаҳкам билим олмоқдалар, юксак ахлоқий фазилатлар, меҳнатсеварлик, ғоявий етуклик уларга хос фазилатлардир».

Ҳозир биз 7 минг 485 умумий таълим мактабларига эгамиз. Улардаги ўқувчилар контингенти 3 миллион 796 минг 300 кишини ташкил этади.

Мактабларнинг ўқув-моддий базаси анча мустаҳкамланди. Бу, кундузги умумий таълим мактабларининг 90 процента га ўтиш имконини берди.

Бу йил биз шаҳарда бўлганидек, қишлоқда ҳам рус тилини ўрганишда миллий мактабларнинг синфларини иккига бўлиш бўйича катта, режали ишни амалга оширидик. Эндиликда болаларнинг ўзиши осонлашди. Синфларда болаларнинг кам бўлиши уларнинг меҳнатини ҳам, ўқувчилар меҳнатини ҳам енгиллаштиради.

Биз, шунингдек, 9—10-сinf ўқувчиларини ишлаб чиқариши таълимига белгиланган муддатдан иккى йил один жалб этганигимизни ҳам катта ютуқ деб ҳисоблаймиз. Ҳозир республикада 300 мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ва 2 минг 782 ишлаб чиқариш таълими жорий этилган мактаб фаолияти кўрсатмоқда. Уларда 9—10-сinfларнинг барча ўқувчилари 65 касб бўйича меҳнат тайёргарлигидан ўтишиноқда. 4 минг 140 ўқувчилар ишлаб чиқариши бригадаси ташкил этилган.

Умуман шуни айтиш керакки, ўнинчи беш йиллик мобайнида мактаб ўқувчиларига меҳнат тарбияси ва таълим беришнинг самарали методлари шаклланди. ёшларни меҳнатга тайёрлашнинг илғор шакллари топилди ва жорий этилди.

Ўқувчиларнинг ўқув фанлари бўйича билимлар ва кўнгилмаларни янада кўпроқ эгаллаш, уларнинг ижодий қобилиятлари ва майларини ривожлантириши максадида болаларнинг мактабларида фольклористиклар, ўқув планидаги бир қанча предметлар чуқур ўрганиладиган мактаблар ва мактаб-интернатлар кенг ривож топди.

Ўқувчиларни белуп дарсликлар билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам кўп иш қилинмоқда. Агар биз кутубхона фондини яратишни эндигина бошлаган 1975 йили республика ҳукумати томонидан 2 миллион 406 минг сўм маблағ ажратилиб, ўша пайтда 7 миллион 451 минг нусха дарслик мавжуд бўлган бўлса, ҳозир республикада кутубхона фондидаги 22 миллион 931 минг 37 нусха дарслик бор.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида олиб борилган жиддий ишлар натижасида республикада педагогик кадрлар анча ўси, уларнинг савиаси яхшиланди. Мазкур ўқув йилида умумий таълим мактабларида 252 минг 143 раҳбар, ўқитувчи, тар-

бияти мөхнат қылмоқдағы, улардан 79 проценти олий маълумотлидир.

Педагогика ўқув юртлари ўқув-моддий базаси кенгайтириш бүйіча ҳам событқадамлық билан иш олиб борилмоқда. Фақат капитал мабдағ ҳисобига ўнинчи беш йиллик мобайнида 8,5 минг квадрат метр ҳажмдаги құватлар фойдаланыша топшириліб, студент ва ўқувчиларнинг үзлаштиришларини оширишга ёрдам берди.

Хозирги пайтда Тошкент, Сирдарә, Бухоро, Андижон, Қўқон, Хоразм, Қарши ва бошқа күпгина педагогика ўқув юртларида янги ўқув корпуслари курилиши олиб борилмоқда.

Үн биринчи беш йиллик режаларда халқ маорифининг янги чўққиларга кўтарилиши кўрсатилган. Бунинг учун беш йилликнинг биринчи йили мэрраларига назар ташлашнинг ўзи кифоя. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг илхомбахши гоялари ҳозирги кунда Ўзбекистон маорифчиларининг мөхнат ритми белгиламоқда.

Республикада 682 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуриш ва фойдаланыша топшириш даркор. Барча мактабларни, контингентнинг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, бир сменадаги ўқишига ўтказиш учун 1 миллион 207 минг ўқувчи ўринли мактаблар қурилади. Бундан ташқари рус тили дарслариде синфни эски группага бўйли учун яна 140 минг ўрин; эски, мослаштирилган мактабларни алмаштириш учун 160 минг ўрин талаб этилади. Умуман, 1 миллион 507 минг ўқувчи ўринли, жумладан, колхозлар ҳисобига 227 минг ўқувчи ўринли мактабларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Ўқув майдонлари, студентлар ва ўқицувчилар учун турар жойлар, қишлоқ умумий таълим мактаблари учун интернатлар анча кенгаяди. Мактабдан ташқари муассасаларни эски, мослаштирилган бинолардан янгиларига ўтказиш керак. Биз мактабдан ташқари муассасалар учун умумий майдони 720 минг квадрат метр бўйланган бинолар қуришни режалаштирганимиз.

Мазкур беш йиллик охирига бориб 5 миллион 267 минг ўқувчи умумий таълим мактабларидан ўқиди ва тарбияланади. Куни узайтирилган мактаблар ва группаларда тахминан 1 миллион 600 минг бола тарбияланади.

Саккизинчи синфларни 395 минг 100 киши битириб, улардан 260 минг 600 киши тўққизинчи синфларга боради. Қолганлари ўқишини ўтра мактаб базасидаги ҳунар-техника билим юртларида, ўтра маҳсус ўқув юртларида давом этирадилар, кечки ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларидаги ўқишини ишлаб чиқаришдаги мөхнат билан қўшиб олиб борадилар.

Шу билан бир вактда мактабгача тарбия болалар муассасалари, куни узайтирилган группалар ва мактаблар, куни бўйи ишлайдиган мактаблар, болалар уйлари, мактаб-интернатлар, мактаблар қошидаги интернатлар, умумий таълим мактабларидаги болаларнинг овқатланишини, уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш вазифаси қўйилмоқда. Умумий таълим мактаблари ўқувчиларига дарсликларни бепул бериш ишлари якунланади.

Болалар адабиётлари нашр этишга, болалар киноси, таълимнинг техника воситалари, турли кўргазмали воситалардан кенг фойдаланишга, оммавий физкультура ва спорт ишларига кўпроқ эътибор берилади.

Халқ маорифи беш йиллиги таълим ва коммунистик тарбиянинг барча бўгинлари, барча томонларини ўз ичига олади. Үн биринчи беш йилликнинг сўнгги йилларида мөхнат, ахлоқий, эстетик тарбиянинг шакл ва методлари тақомиллашаверади. Ўқувчи ёшларнинг касб танлаши бўйича жадал иш олиб бориш керак бўлади. Кечки ва сирткӣ таълим янада тақомиллашади, мамлакатимизнинг мутахассис ва малакали ишчиларга бўйлан эҳтиёжини тўлароқ қондиради, болаларни умумий таълим мактабларининг тайёрлов синфларидаги олти ёшдан ўқишига босқич-ма-босқич ўтиш учун шарт-шароит яратилади, ўқув программалари ва дарсликлар савиаси яхшиланади. Айниқса, математика дарсликлари қайта кўриб чиқилиади.

Мазкур беш йилликда шунингдек, болалар боғчалари ва яслилари, куни узайтирилган мактаблар ва группалар, мактабдан ташқари муассасалар, пионер лагерлари ва бошқа болалар муассасалари тармоғи жадал ривожланади ва уларнинг иши яхшиланади.

Умуман, үн биринчи беш йиллик режалари улуғвор, истиқболи ёрқин, вазифалар улкан, миқёслар буюқ. Ўзбекистон маорифчилари эса бугунги кундаёт коммунизм учун фидокорона мөхнат қылмоқдалар, ўқувчиларда юксак гоявийлик, мөхнатга коммунистик муносабат, ички маданият, ахлоқий поклик, жисмоний баркамоллик, фаол ҳаёттй позицияни тарбияламоқдалар.

# ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТ

С

АНОАТНИНГ юздан ортиқ тармоғига эга бўйлан Ўзбекистон ҳаритасига разм ташлар экансиз, вужудингиз улуғвор туйғуларга тўлиб-тошади. Сирдарә ГРЭСининг қудратли энергетика блоклари, ёқилги саноатида жуда бой газ манбалари ҳисобланган Шўртан, Култак, Зеварда, Памук конлари, Мубораг газни қайта ишлаб заводи, Маржонбулоқ олтин-руда комбинати, Олмалик, Қалмоққир, Олтингонг руда коўлари бутун маҳобати билан кўз олдингизда намоён бўлади. Бунёдкорлик мөхнати натижалари эса совет кишиларининг битмас-туғанмас файрат-шижоатидан, коммунистик истиқболни тезроқ яқинлаштиришга бўлган сўнмас иштиёқидан ҳикоя қилаётгандек туюлади.

«Жаҳондаги энг яхши намуналар билан тенглашадиган янги техника яратиш — иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, шу билан бирга сиёсий вазифа ҳамдир». Коммунистик партия бизни ҳар бир ишга ана шундай ёндашишга ўргатади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг юқоридаги сўзлари социалистик жамиятимиз тараққиётининг сири нимада эканлигини равшан ифода этади.

— Мен ҳамиша партиямизнинг заковатига койил қоламан,— деди машҳур пўлат қуювчи, Социалистик Мехнат Қаҳрамони, ҳозирги пайтда В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводида профессионал техника таълими бўйича ишлаб чиқариши мастери бўлиб ишлаётган Ҳафиз Фаниев.— Бир тасаввур қилиб кўринг: партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан урушидан атиги учун аввал Даъварзин даштида, Сирдарә бўйида металлургия заводи қуриш ҳақида қарор қабул қиласди. Бутун совет ҳалқининг ҳаётти таҳликали кечеётган бир пайтда Ўзбекистон гигантининг тўнгичи — Бекобод металлургия заводи қуриш пайсалга солинмай давом этирилди. 1943 йили мен бу ерга келганимда ўн етти ёшли йигит здим. Қурувчилар марта пеҷларини деярли ҳозирлаб қўйишганди. Эндиликда ҳар бирни юзтонна сигимли ўчоқларда пўлат зритиш ва қўйишга қодир бўйлан мутахассислар керак эди. Биз ёшларни малака ошириш учун Ўрдаги металлургия комбинатларига ўқишига жўнатишиди. Айтмоқчи бўйлан гапим шуки, бутун мамлакатимиз миқёсида энг оғир давр бўлишига қарамасдан, партиямиз Бекободда металлургия заводидай гигантни бунёд этди ва ишга солди.

Саҳни жуда катта майдонни эгаллаб ётган машҳур завод териториясида кезар эканмиз, чуқурлиқда доломит эзғилаётган «тегирмон»дан тортиб ҳарорати бир минг олти юз даражадан зиёд марта ўчоқларигача, қисқаси комбинатнинг барна ишлаб чиқариш участкаларида мөхнат авжиде эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳафиз Ганиев руда қазиш карьеरларидан кўкка бўй чўзган трубаларга қадар ҳаммасини беш кўлдай яхши билади. Машҳур металлургнинг берган маълумотлари дилларни ром этади. Ҳафиз аҳа бир киши билан оталарча мўоммалада бўлади. Буни кўриб, ишчилар синфининг бирорадарлик асосига қурилган анъана исчил давом этайдан гидролик диллингиз ҳузурбахш туйғуларга тўлиб-тошади.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон Металлургия комбинати фақат республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиёда ягона бўйлан йирик корхонадир. Бу ерда кишиларимиз Ватанимиз куч-қудратини ошириш йўлида кечаю кундуз пўлат эритадилар ва ўзлари ҳам ана шу жараёнда бетиним тобланиб борадилар. Бу ерда ҳар бир дақиқа эътиборда, ҳар бир соат қиммати ўнлаб тонна юқори сифати пўлат билан ўлчанади. Ҳар бир смена мамлакат саноати эҳтиёжини ўйлаб иштутади. Комбинатнинг ҳар бир иш куни эса улуғвор мақсадлар йўлида қўйилган одимдек залворли.

Совет воқелигининг бош хусусиятларидан бирни шуки, бугун эришилган довон эртага забт этилиши лозим бўйлан янги чўққилар учун бир босқич бўлиб қолаверади.

Металлургия комбинатининг саккиз мингдан зиёд мөхнатчилари мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида «...Бекобод заводида пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи қувватлар ривожлантирилсин» деб кўрсатилган вазифани амалга ошириш учун иш вақтидан унумли фойдаланиши, янги қувватларни ўзлаштириш йўлида тинимсиз изланмоқдалар. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон металлурглари ишлаб чиқариши топшириларни тўла ва ошириб бажариш учун астойдил мөхнат қилиб, бир неча миллион тонна пўлат эритдилар, прокат маҳсулотлари тайёрладилар. Шу билан бирга электрлар пўлат эритиши комплексининг дастлабки навбати барпо этилди, ҳалқ иштесмали буюмларини ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Бугунги кунда учта марта пеҷларни ва учта электр печи, иккита узлуксиз заготовка қўйиш машинаси ишлаб турибди. Сирланган пўлат идишлар ишлаб чиқарувчи цехнинг қуввати йилига беш минг тонна металлни



Мартен цехи партия бюросининг галдаги йигилиши социалистик мусобақа натижалари ва навбатдаги вазифалар мұхомамасига бағишилди.



В. И. Ленин номидаги Узбекистон Металлургия заводи қаҳрамон совет ҳалқининг меҳнат жасорати рамзи сифатида Сирдарё бўйида мағрут қад ростлаб турибди.

ташкил этади. Вазифа ана шу ишга тушган қувватларни тўла ўзлаштиришдан иборат.

— Янги қувватларни ўзлаштиришинг моҳияти,—деди Металлургия заводининг директори Рихсив Юсупов,—фан-техника тараққиётининг жадал суръатларидан ортга қолмаслики, билим ва илмий савиани муттасил ўстириб боришни тақозо қиласди. Масалан, ҳар бир печда юз тонна пўлат қўйиш учун 1980 йили 5 соату 15 минут вакт кеттак бўлса, 1981 йилнинг бошидан 4 соату 45 минут сарфланмоқда. Электрда пўлат эритиш цехининг қуловчиси А. Тутинин ўз ёрдамчилари В. Лигай, В. Александров, оператор А. Мақбуловалар билан ҳамкорликда пўлат эритиш муддатини 2 соат 40 минутга етказди. Ана шу муддатнида бригада 100 тонна ўрнига 117 тонна пўлат эритди, сменада 500 тоннага яқин пўлатни нормадан ташқари топшириди. Шундай қилиб, тутиничилар йилига 300 тонна пўлат топшириш мажбуриятини зиммаларига олган ҳолда ҳозироқ бу ракамни 800 тоннага етказиб қўйдилар. Бу—янги қувватларни ўзлаштиришнинг ўзига хос кўринишларидан бириди.

Янги обектларни ишга тушириш ва ўзлаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариши комплекс механизмилаштириш ва автоматлаштириш ишлари юксак суръатлар билан амалга оширилаётганинига ба бу ишнинг тағин ҳам риҷоҷлантирилиши лозимлиги Узбекистон Компартиясининг XX съезди материалларида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Партияизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган металлурглар ўнинчи беш йилликда улкан муваффақиятларга эришдилар. Уларнинг галдаги мақсадлари яна ҳам салмоқли.

— Ишнинг муваффақияти кадрларнинг профессионал тайёрларлигига, ўз бурчига нисбатан юксак масъулит тўйғусига боғлиқ,—деди биз билан сұхбатда завод партия комитетининг секретари Мамасидиқ Жамолиддинов.—Ўз сафларидан 900 дан зиёд КПСС аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатларни бирлаштирган партия ташкилотимиз ишни ҳамма участкаларда КПСС Марказий Комитети, ССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттоғ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» қабул қилган қарори асосида ташкил этди. Партия қарорларини изчил амалга ошираётган

ўзбек металлурглари социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари орасида ватангварварлик ташаббуслари тобора кенг ёйилмоқда. Пўлатни электрда эритиш цехининг 4-бригадаси колективи смена бошлиги Иброҳим Тошибоев раҳбарлигида беш йиллик топшириқларини 1985 йил 1 декабрда бажариш ташаббуси билан майдонга чиқди. Бу ватангварварлик чақиригини заводимизнинг меҳнат аҳли маъқуллари ва қўллаб-кувватлари. Ҳозирги пайтда И. Тошибоев ўз бригадаси билан электрда пўлат эритиш комплекси ишга тушгандан бўён бериши лозим бўлган миллионинчи тоннани қўйиш ҳуқуқи учун зарбдорларча меҳнат қилаётir. Ўн биринчи беш йилликда нормадан зиёд 3 минг тонна маҳсулот топширишга аҳд қилган мазкур бригада ҳозиринг ўзидаёқ минг тоннадан зиёд электр пўлатини пландан ташқари тайёрлаб қўйди. Халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш цехининг З-комсомол-ёшлар бригадаси мастер Фарида Эрматова бошлигига «Эҳтиёжманд буюмларга—комсомоллик кафолати!» шиори остида ишламоқда. Бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш шиорини ўртага ташлаган ўн беш илфор ишчи, ташаббуси завод илфорлари томонидан қизин қўллаб-кувватланди. 1981 йил топшириғини 7 ноябрьга, беш йилликни эса тўрт йилда уddyалашга аҳд қилган штамповчаки Раҳим Зикриев ва сиркор Надежда Ломова, «Шахсий беш йилликни тўрт ярим йилда бажарамиз!» шиорини ўртага ташлаган А. Зуев, Р. Омонов, Р. Цой, Н. Тошмирзаев, Н. Матрёнина каби илфорлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Шуниси дикқатга сазоворки, улар ўзларининг меҳнатга коммунистик муносабатлари билангина эмас, жамоат ишларидаги фаоллиги, шахсий ҳаётдаги феъл-авторларни билан ҳам совет характерига хос фазилатни намоён этмоқдалар...

Металлургия комбинатининг барча цех, участка ва бригадалари 1981 йил топшириқларини муддатидан аввал бажариш режаларини белгилаб олдилар. 1280 ишчи ўз зиммаларига шахсий мажбурият олган бўлса, 397 инженер-техник ходим шахсий ижодий режа асосида меҳнат қилаётir. Цех ва участкаларда «Сифатли маҳсулот устаси», «Энг яхши мурраббий», «Ишлаб чиқариш эстетикаси бўйича намунали участка» номига сазовор бўлиш учун давом этётган мусобақалар яхши натижалар бермоқда.

Партияиз, маҳсулот сифатини ошириш маса-

ласи факат иккисидай вазифа бўлиб қолмай, ўтқир сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир, деб таълим беради. Маҳсулотнинг сифати тайёрланишида ишчининг ўз касбига ҳалол, вижданан ёдашиши, юқори малакаси, интилиши, бутун колектив мөхнатидан фахрланиш түйғуси катта роль ўйнайди. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб кўрсатганидек, планлаштириш ва бошқаришининг бутун механизмини, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг барча системасини, инженерлар ва конструкторлар, ишчилар маҳоратини маҳсулот сифатини оширишга қаратиш зарур. Завод партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу муҳим масалага жиддий эътибор бермоқдалар. Корхонада асосий цехлараро мусобақа натижаларини ҳар куни якунлаб бориш анъанавий тус олди. Голиб чиқсан цех шаънига меҳнат шуҳрати рамзи сифатиди ҳар куни қизил байроқ ҳилпираиди. Кундалик мусобақа штабининг эътироф этишига кўра, халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш колективи шаънига сўнгги ойда тўққиз марта галибики байроғи кўтарилид. Мазкур колектив ойли мусобақада биринчи ўринни эгаллади ва пул мукофоти билан тақдирланди.


Шахсий мусобақани ташкил этишда сиркорлар орасида кенг тус олган яна бир янгилик алоҳида эътиборга молик. Бу ерда ҳар бир ишчи меҳнатига берилган баҳо унинг шахсий варқасида қайд этиб борилади, унда ишчичиги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил давомида аниқ ифодасини топади. Натижада у ёки бу касб эгасининг қайси ой ёки йил ҳисобига меҳнат қилаётганини аниқ кўриниб туради.

Металлургия заводида социалистик мусобақа яхши ўйлга қўйилганлиги сабабли пўлат қуловчилар Мамажон Ёдгоров, Раббим Нуржоев, Виктор Чванов, Абдуқаҳҳор Мирзаматов, Исройл Манданов, Николай Краси, токары Виктор Киселев, сиркор Юлдузой Ҳожиматова, лаборант Вера Морозова, слесарь Муҳаммад Ҳошимов, машинист Марьям Маматқурова, аппаратчи Галина Лькова ва бошқа ўнлаб меҳнат илфорларининг номи ўзбек металлурглари орасида фахр билан тилга олинмоқда. Шу кунларда 163 та бригада социалистик мусобақада фаол иштирок қилаётir. 7 та цех, 32 та бригада «Коммунистик меҳнат коллективи» деган шарафли унвонга сазовор бўлган.

Таъкидлаш лозимки, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми тобора кенгайиб бермоқда. Бу ерда беш йилликнинг охиригача электрда пўлат эри-



Мартен цехининг илфор пўлат қуловчиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, коммунист Раббим Нуржоев яратувчан меҳнат билан металлурглик насибини шарафламонда.



Бу майдонда янги прокат цехи ҳад кўтармоқда. У ҳарийб юз минг квадрат метр майдонни эгаллаб, 23 метр баландликка бўй чўзади.



Малика  
МИРЗАЕВА

## Бу дилкаш дамлар...

Субхидам шамоли бошлайди сүхбат,  
Чечаклар лабида ёнади ханда.  
Күёш тушиб келар шошиб бир муддат,  
Гүзгүллик гурунги қизир чаманда.

Кизир қизигандан сүхбати жонон,  
Латиф түйгүларга берилади сүз.  
Бу дилкаш дамлардан яйраб кетар жон,  
Бу тимли уқмайсан, фақат сен, афсус.

## Капалак парпирар...

Капалак парпирар гуллар қосида,  
Капалак розидан гул — безовта жон.  
Рашк күрдим булбулнинг томчи ёшида,  
Бахт үқдим капалак урганда жавлон.

Капалак умрига ачинмоқ, бекор,  
Шу қисқа умрида оламдек түйғун:  
Унинг юрагида турфа мақом бор,  
Унинг муҳаббати гул билан түйғун!

# ЛИРИК ШЕЪРЛАР

## Түйгүларим

Милтиллайди чучмома шами,  
Ихтиёрим кетади кўлдан.  
Қитиқлайди ялпизлар таъми,  
Түйгүларим уради йўлдан.

Түйгүларим мисли парвона,  
Ўртанади шамлар ўтида:  
Бир сиқим кул — қалб ёна-ёна,  
Бир парча шеър — қоғоз бетида.

\* \* \*

Бемаҳал сайрга чиқиби булат,  
Йўлидан адашиб кезар сарсари.  
Чакин кўк кўлида улкан бир гугурт,  
Булат жон ҳовучлаб қочади нари.

Ногоҳон йиртилиб садо пардаси,  
Булатни чақирап момагулдурак.  
Тобора осмоннинг ортар зардаси,  
Булат тўлиқади мисоли гўдак.

## Лолагун жомлар

Жон исин беради гул. Япроқ иси,  
Чаманлар либоси кўзни олади.  
Наврўзи оламнинг жонғизо тузи  
Жонимни ўтлардан ўтга солади.

Майсалар лабида шудринг ёнар жим,  
Лолазор илгода жомлар қирмизи.  
Лолагун жомларга тегманг, азизим,  
Тўкилиб кетмасин шоирнинг ҳисси.

\* \* \*

Она ер бағрида майса уйғонди,  
Мовий уфқ бўлди унинг орзуси.

Ногоҳ тошга тегиб майса тўлғонди,  
Уфқ армонида тилинди кўкси.

Мовий уфқ бўлиб тушдинг ёнимга,  
Майсадек талпинсан мен сенга томон.  
Жон бўлиб туташдинг минг бир  
жонимга,  
Хижрон орамизга тушолмай ҳайрон.

## Оқ гуллар

Оқ гулларга боқаман тўймай,  
Қўшиламан гуллар рақсига:  
Ҳисларимни тортқилар қўймай,  
Дилим мавзу завқлар баҳсига.

Покликдан яралган бир чаман —  
Оқ гуллар ҳуснига боқинг, жим.  
Оқ гуллар, оқ куйлар ичра ман —  
Оппоқ түйгүларим яширдим.

## Эй, азиз одам...

Шафтоли бошида пуштиранг дурра,  
Тортқилаб қўяди сарин шаббода.  
Пуштиранг дуррада кўринар курра,  
Кўёш симирмоқда пуштиранг бода.

Қани, яқинроқ кел, эй азиз одам,  
Шафтоли гулини кўзга сурайлик.  
Янаги баҳорга омон етсак ҳам,  
Айни дам шукрона сүхбат қурайлик.

\* \* \*

Кўзингни излайман, кўзларинг қани,  
Кўзларинг тушдими ўзга қасдига?  
Муз қотиб кетяпман, иситгил мани,  
Топинай кўзларинг алансига.

Кўнглингни излайман, ҳувиллаб кўнглим,  
Ё кўнглинг топдими ўзга дилдан жой!  
Кўзимиз тўқнашди, қара, азизим,  
Мехр балқаёттир, меҳр, ҳойнаҳой.

Фарғона

тұвчы яна иккита пеңч ишга тушриләди. Заводдаги мавжуд прокат цехининг қуввати ҳозиргача мартен цехида эритилган пўлатни прокатлашгагина етади, холос. Электрда эритилган пўлат эса Усть-Каменогорска жўнатилмоқда. Янги — «300» маркали прокат стани ишга тушрилиши билан электр печларда тайёрланган пўлат заводнинг



Хорхонанинг шуҳрат музейи металлурглар, айницида ўшларнинг севимли маснанига айланган. Бу ердаги ҳар бир экспонат заводнинг ажойиб тарихи, фан-техника тараққиёти самараларини ишлаб чиқарнишга дадил жорий этаётган мөхнат ахлиниң сермазмун ҳаётидан ҳисоя қиласи. Мөхнат ветерани, мартен цехининг собиқ лаборантини Мария Авернова завод ҳаётини билан боғлиқ барча саволларга мухтасар жавоб беради. Үзбек металлурглари орасида биринчи бўлиб Социалистик Мөхнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Ҳафиз Фаниев (ўртада) бугун шуҳрат музейининг азиз мөхмони.



Оташнафас инсон мөхнати юзлаб тонна металлни бир неча соат ичиди эриган суюқлинка айлантириб, ўз измига бўйсундиради.

Р. ШАГАЕВ ва Ш. ОЛИМОВ фотолари

ўзиди прокат қилинади. Турли шакл ва ўлчамдаги металл прокати тайёрлайдиган бу прокат стани ийлига 600 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Унинг биринчи навбати 1983 йилда, иккинчи навбати беш йиллик охиригача фойдаланишга топширилади. Натижада ҳар йили 1,2 миллион тоннага яқин арматурабоп думалок ва тилим-тилим прокатлар тайёрлаш имкони юзага келади.

Жадал суръатлар билан тикланётган «300» маркали прокат стани фан-техника тараққиётининг янги бир мўъжизасидир. Бу иншоотда иккни йўлли автоматлашган линиялар электрон-ҳисоблаш машиналари воситасида бошқарилади, линия валиклари орқали секундига 20 метр узунликда металл олиниади.

Завод партия ташкилоти ишчиларни мөхнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашга кат-

та аҳамият берада. Бу нарса, ўз навбатида, янги қувватларни ўзлаштириш ва ишга тушришида ўз самарасини бермоқда. Завод партия ташкилоти бу борада Юнус Юсупов, Зуфар Исмоилов, Иван Лозовский, Тамара Жўраева каби мөхнатда илфор коммунистларга таяниб иш юритмоқда.

Ўзбекистон гигантини — В. И. Ленин номидаги Бекобод Металлургия заводининг пўлат ишлаб чиқариш жарабёнда тобланган мөхнат колективи КПСС XXVI съездидан белгилаб берган улуғвор ва-зифаларни шараф билан аддо этиш учун буюк мэрраларни кўзлаб олға интилоқда. Фан-техника тараққиётининг самараларини совет кишиларининг манбаатларига хизмат эттириш сингари олий мақсади бўлган коллектив учун партия раҳнамоилиги ҳаётбахш қудратидир.

Баҳодир АМИНОВ

# ҚАНОТЛИ УМИДЛАР



Зоҳиджон ОБИДОВ

## Кўнглимдаги қуёшсан

Куз келганда кўлдан ўрдак, ғоз кетар,  
Атрофидан ёз берган пардоз кетар.  
Кетма кўнглим баҳорисан, ёзисан,  
Кетсанг дилдан баҳор кетар, ёз кетар.

Билмас эдим сенинг йўғу борингни,  
Қайдин кўрдим бу руҳкори олингни.  
Бир кўриша эс-қушим сайд этибсан,  
Найладинг сен бу ошиғи зорингни.

Қалбда кўклам қуёшидек юз очдинг,  
Ишқ баҳорин бериг дилга нур сочдинг.  
Дил мулкига соҳибасан, азиз ёр,  
Сароб бўлиб нечун кўзлардан қочдинг?

Саҳро мисол юрак-бағрим доғлама,  
Ғанимларнинг димогини чоғлама,  
Зоҳиджонча ҳеч ким сенга фидомас,  
Фирғ солиб висол йўлин боғлама.

Куз келганда кўлдан ўрдак, ғоз кетар,  
Атрофидан ёз берган пардоз кетар.  
Кетма кўнглим баҳорисан, ёзисан,  
Кетсанг, дилдан баҳор кетар, ёз кетар.

## Ёдинг билан

Кўнглинг топсам ярқираган пешонаман,  
Васлингни деб, ҳар синовга нишонаман.

Ёдинг билан кечар умрим лайлу наҳор,  
Чўл ичра ҳам сен-ла соҳиб кошонаман.

Муҳаббатинг давлатини этдинг насиб,  
Бу бахтимдан жудо этма, афсонаман.

Дил бўстонин баҳори бўл, боғбони бўл,  
Бу бўстонни ҳазон этма, сўзонаман.

Зоҳиджон чин шоҳидимдир, лафзим ҳалол,  
Ишқинг билан бир ўмрга мастанаман.



Булбулларнинг севгани бўстон,  
Гуллар фасли ва гуллар вали.  
Бургутларнинг севгани осмон,  
Тоту тошда бу қушлар насли.

Лочинлар ҳам севгай самони,  
Жони яйрар этганда парвоз.  
Турна истаб очиқ ҳавони,  
Жануб ёқни кўзлар кетса ёз.

Қалдиғочлар, дўст кабутарлар  
Том, бўғотда тутгайлар мақон.  
Чағалайлар сувда ўтарлар,  
Масканлари дарё ва уммон.

## Ширин хаёллар

Эй хаёллар, саковатли, нурли хаёллар,  
Умидларга учкур-учкур қанот боғлайсиз.  
Эй хаёллар, саодатли, қўрли хаёллар,  
Мени не-не сафо тўла онга чоғлайсиз.

Қудратингиз шунча зўрми, турган жойимда  
Зумда турфа чаман барпо эта бошлайсиз.  
Кўнглимдаги йўлларимни ростраб пойимда,  
Кўз олдимда не лавҳалар бежаб ташлайсиз.

Софинтирган кўчалардан ўтиб бораман,  
Висолгоҳда гўё кутар севгим сайди.  
Наздимда мен унга гуллар тутиб бораман,  
Бахтим бўлиб кулиб боқар кўнглим муроди.

Эй, хаёллар, афсунларга тўлиқ хаёллар,  
Туйғуларим турфа кўйга соласиз ўқтам.  
Эй хаёллар, ҳикматларга тўлиқ хаёллар,  
Эркалайсиз хатто қишида яратиб кўклам.

Қайдалигим унутаман сиз этиб шайдо,  
Ўз сеҳрингиз оғушида олиб қочган чоғ.

Армонларим ушалиб бир лаҳзага гўё,  
Орзуларим аршида мен топаман ардоғ.

Мен кезган тог, мен сузган сой, дарё, денгизлар  
Жилоланур кўз ўнгимда бўлиб намоён.  
Мени доғда қолдирган у ишвакор кезлар,  
Дўстлар аро шўх турнглар жонланур шу он.

Эй хаёллар, шарофатли, қувноқ хаёллар,  
Умид билан иноқ бўлиб ҳушим оласиз.  
Эй хаёллар, саковатли, қўноқ хаёллар,  
Сархуш қилиб юрагимга шўхлик соласиз.

Эй хаёллар, умидлар қуш бўлса мабодо,  
Сиз уларга парвоз берган бамисли жонсиз.  
Афсус, сароб янглиғ бирдан бўласиз адо,  
Кўрганларим фойиб бўлгай номсиз-нишонсиз.

Майли, қўноқ бўлаверинг қалбимга мудом,  
Эзгу ният қўзгайверинг тарк этмай мутлоқ.  
Тин олар чоғ бўлиб дилкаш, баҳш этинг ором,  
Ширин-ширин нақлингизга мен доим муштоқ.

## Кўчалар

Кўчалар, о кўчалар, ҳар они достон кўчалар,  
Не сиру не-не синоатларга ошён кўчалар.

Ҳар киши чиқмиш сенинг саҳнингга не ўйлар билан,  
Не хаёл, не-не умидга бергай имкон кўчалар.

Топди баҳтин ким бу йўлдан, ким йўқотди борини,  
Кимга зиндан, кимга бўстон, кимга чистон кўчалар.

Кимки кетса сўнгги йўлга маъюсу нолон қолиб,  
Кимки келса бу жаҳонга шоду хандон кўчалар.

Оғуш очдинг байрам они турфа зийнатлар билан  
Тўй-тамошолар ярашган роҳати жон кўчалар.

Ошиқ аҳли ўтмасин саҳнинг аро маъюсланиб,  
Бўлмагил ишқ аҳлига шому ғарибон кўчалар.

Чиқди Зоҳиджон дилига жо этиб эзгу тилак,  
Тантлил қил, этма сарсон, зй қадрдан кўчалар.



## Ёқмаса олов

Чиндан севар бўлсанг, маҳлиқо,  
Дадил йўл тут, ишқ этгай синов.  
Севгидан сўз очма мутлақо,  
Бу дард чиндан олмаса олов.

Бу йўл оғир, муқаддас бир йўл,  
Сал чекинсанг виждонинг мурдор.  
Баҳт бермоққа севги қаттиқўл,  
Ёнмасанг чин қувнатмас зинҳор.

## Хайронман, ҳайрон!

Кўршапалак ёқтиар тунни,  
Қоронғулук баҳш этур ором.  
Ёруғликда ўтолмас куни,  
Унга афзал тонгдан кўра шом.

Не ҳам дердик, ҳар қуш  
қонида  
Ажодининг удуми яшар.  
Қаранг, дон турса ҳам ёнида,  
Қарға ўзни ахлатга ташлар.

Қузғун феъли қарғадан баттар,  
Сарқитхона у севган олам.

Минг ҳайдаманг, қайтадан  
титар  
Қайсар эрур сур пашшадан  
ҳам.

Мен шуларни ўйласам ҳар  
зум,  
Хаёлимни бир ғашлик тўсар.  
Булар-ку, қуш, баъзи феъли  
шум,  
Мурдорликда улардан ўзар.  
Хаёлларим лочинлар билан.

**А**ЛШЕР Навоий «Фарход ва Ширин» достонида ўзбек халқига XIII—XIV асрлардан бошлабоқ яши таниш бўлган — айни кунларда 840 йиллик юбилейн кенг низомланадиган улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ҳақида, унинг улуғворлиги, шеърий ижод соҳасидаги бекиёс қудрати хусусида шундай дейди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ. Низомий панжасига панжа урмоқ...

Керак шер оллида ҳам шери жангига, Агар шер ўлмаса, бори палангига...

Низомий бадиий ижодда, аникроғи, хамсачиликда мактаб яратган, пешталқин санъаткор. Бу эса буюк шоирнинг номини бутун Шарққа танинган, машҳур қилган эди. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони Кутб Хоразмий томонидан 1340 йилдаёқ ўзбек тилига ижодий таржима этилган бўлса, XV асрнинг биринчи ярмида Ҳайдар Хоразмий «Махзанул-асрор» достони услубида «Гулшани асрор» достонини ёзган. Низомийнинг дидактик характердаги достонлари ҳассос лирик шоиримиз Атоини ҳам ўзига мафтун этган эди. Навоийнинг Низомийга муносабати эса адабий алоқалар тарихидаги энг ёрқин ижодий ҳодисалардан ҳисобланади.

Низомий ҳақида гап боргандা, Навоий унинг ганжалик (ҳозирги Кировобод шаҳридан) эканлигини алоҳида эътибор билан таъкидлаб ўтади. «Ҳайратул-аброр»даги куйидаги байтга эътиборни қаратайлик:

Ганжка — ватан, кўнгли анинг  
ганижхез,  
Хотири ганжкуру тили ганжрез...

Шу ўринда Навоий Низомийни «Ганжа қўёши» деб таърифлайди, у шеърий ижод соҳасида ўз байробини кўтаргач, бу байроқ остида бутун жаҳон шоирларини тўплади, яъни достончиликда ҳаммани ўз таъсирига олди, дейди:

Ганжа қўёшники, кўтаргач алам,  
Айлади сўз мамлакатин янқалам.

Шеъриятда Низомий кўтарган байроқ — гуманизм байроби, юксак бадиийлик, эпик кўлам тимсоли эди. Навоий Низомий «Хамса»сини XV асрда қадар ислом регионида бадиий адабиёт, хусусан поэтик ижод соҳасида эришилган ютуқларинг бағоят аҳамиятилиси ва энг буюги деб тан олди. Шунинг учун ўз таркибига беш достонни қамраб олган, чиндан ҳам инсоният мәннавий даҳосининг бебаҳо ҳазинаси бўлган бу мажмумани — Низомий «Хамса»сини Навоий жуда ёшлигидан севиб ўқиб, жиддий мутолаа қилди. Бу ҳақда у «Садди Искандарий» достонидаги муражгаёт қилиб:

Кичик эрнанимдан келиб қошима,  
Улуғ муддао солдингиз бошима! —

дейди.

Низомий тўғрисида Навоий биринчи марта ўзининг устози Саййид Ҳасан Ардашер номига ўйллаган шеърий мактубида гапиради. Бу мактуб битилгандан, Навоий 24—25 ёшларда эди. Навоий ушбу хатида ўзининг шеър ёзишга қобилияти мисливий даражада юксак эканини, лекин шундай бўлса ҳам, у кўп шеър ёзишдан ўзини тийганини, шу жумладан, Низомий «Хамса»сига жавоб ёзишга ҳам шоирларини баён қиласи. Уша мактубида фахрия характеристидаги шундай байт бор:

Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.

## Низомий Ганжавий таваллудининг 840 йиллигига

# НИЗОМИЙ ВА НАВОИЙ

«Хамса» ёзиш нияти «улуг мудда» сифатида Навоийда кичикилигидаёқ пайдо бўлган. Лекин у бу ишга 40 ёшдан кейингина киришган.

Низомий биографияси ва шахсияти масаласига Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида тўхтади. Низомийнинг дунёвий илмларни мукаммал эгаллаганини таъкидлаб: «Аларга зоҳирӣ улуми ва расмий истилоҳотдин баҳри тамоми бор эрмиш», — дейди.

Низомийнинг Навоийни энг мафтун этган, қойил қолдирган фазилати, бу унинг умрини ҳалол ва мағрур ўтказгани, баъзи шоирларга ўхшаб ҳирсу ҳавасга берилмагани, «дунё арбоби», яъни бойлардан, амалдорлардан ҳеч нарса тамом қилмагани, балки подшоҳлар улуғ шоирнинг хизматига муҳтоҷ бўлиб, унга турли илтимослар билан мурожаат этгандаридир. Навоий бу ҳақда «Насойимул-муҳаббат»да шундай дейди: «Умри гаронмояни аввалдин охиргача қаноат ва тақво ва узлат ва инзиво била ўткарибтурлар ва ҳаргиз сойир шуародек ҳирсу ҳаво ғалабасидин дунё арбобига илтико қилмай-

дурлар. Балки рўзгор салотини алар мулозаматига табаррук тиларлар эркондур».

Навоийнинг Низомий ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари кўпроқ унинг «Хамса» таркиби кирган достонларида ўзининг атрофлича чукур ифодасини топган. Навоий «Хамса» ёзишга киришиши арафасида Низомий «Хамса»сини яна қайтадан мутолаа қила бошлаган. Бу борада у Низомий «Хамса»сига Амир Ҳусрав Дехлавий «Хамса»си билан қиёсий ўрганишини ҳам амалга оширган. Бу икки «Хамса» («Хамсатайн»)да Навоий бевосита реал ҳаёт тасвириланганини, ҳаётни проблемалар ёритилганини кўрган. Навоий бу икки муҳташам асар ички оламига чукур кириб борар экан, уларнинг ҳар байтида бир олам яширинганини, ҳар бирининг ўз кўркам водийлари, сервикор тоглари, жўшқин дарёлари борлигини, уларни томоша қилиш завқи бутун вужудини эгаллаб олганни ва шунинг учун ҳар икки «Хамса»га чукур назар ташлаганини сўзлайди. Мана, «Садди Искандарий» достонидаги ўша байтлар:

Чу машгул бўлдум тамошосига,  
Ўтуб водиу тогу дарёсига,  
Еримчуқ кўриб сайд тарк этмадим.  
Ери қолмадиким, анга етмадим.

Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон.  
Ниҳон балки ҳар байти ичра жаҳон.  
Қаю гўшаким, нозир ўлдим даме.  
Назарга эди жилвагар оламе.

Навоий Низомий «Хамса»сининг мундарижасини, бадиий қимматини ўлчаш учун осмондан тарозу, ер куррасидан тош қилиш керак, шунда ҳам унинг қимматини охиригача ўлчаш қийин, дейди:

Каффаи мезон анга афлок ўлуб,  
Ботмони тоши курраи хон ўлуб.  
Тортса юз қарн хирад хозяини,  
Чекмагай онинг кўпидин озини.

Бунинг биринчи сабаби: Низомийнинг ўз даврининг энг прогрессив мутафаккири бўлган, ўз олдига қўйган ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, илмий-маданий проблемаларни шу нуқтадан назардан ёритидар бўлса, иккинчи сабаби: унинг бекиёс дарражада гениал поэтик талант эгаси бўлганидадир. «Сабъаи сайдёр» достонида Навоий аввало Низомийни назарда тутиб:

Ул иков устоди моҳир эди.  
Ким маҳорат аларда зоҳир эди... —

деб ёзар экан, тўла ҳақ эди.

Низомий ўзининг беш достониниң ҳар бирини ғоявий-тематик жиҳатдан ҳам, сюжет, композиция ва образлар нуқтадан назаридан ҳам шундай оригинал тарзда яратдики, кейинчалик унинг издошларидан камдан-кам ижодкорлар ўз асарларини унинг асарлари дарражасига кўтара олдилар. Навоий ўзини Низомийга шогирд деб билиб («Менки шогирди бебизоатмен...»), ундан кўп ўрганган ҳолдагина ўз «Хамса»сини яратада олди. Шунинг учун у бир ўринда фавқулодда камтарлик билан:

Алардин қачон етмагунча мадад.  
Менга нома сабт этгали қайда ҳад? —

деди. Бу, албатта, ясамаликдан мутлақо холи, чин дилдан айтилган фикр. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий ўзининг ҳар бир достонини ўз даври талабаридан, Ўтра Осиёдаги ижтимоий-сиёсий муҳитдан келиб чиқиб, у ердаги маданий анъаналарга ҳам суюнган ҳолда мавзу, сюжет, қаҳрамонларнинг образлари масалаларида мустақил асарларида бу масалаларга жиддий ўзгартиришлар киритиб («тагирир бериб») яратди. Шу ўринда яна бир мухим жиҳат бор, Навоий ўз «Хамса»сига она тили — ўзбек тилида ёзди. Шу тарзда у Низомий традицияларини том маънода ижодий ривожлантириди, хамсачилик анъаналарини янада бойитди, новаторликнинг мисливий намунасини кўрсатди.

Маълумки, Навоий ўз «Хамса»сига охирида хёлий шаклда шоирлар мажлисига кириб келар экан, тўрда Низомийни, унинг икки томонида Ҳусрав Дехлавий билан Абдураҳмон Жомийни ва яна бир неча шоирларни кўради. Низомий Навоийни икки йилда шундай катта ижодий ютуқни қўлга киритганига муносабати билан чин кўнгилдан кутлайди, дуо қиласи. Навоий «Хамса»сигининг юзага келиши Низомий ва Навоий муносабатларининг чиндан ҳам авж нуқтаси бўлса, бу эпизод эса Навоий томонидан муваффақияти давом этирилган Низомий анъаналарнинг жозибали, гўзал эпилогидир.

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**  
филология фанлари доктори



# ХАЛҚНИНГ АСЛ, САНЪАТКОР ҚИЗИ

Атоқлы санъаткор, СССР ҳалқ артисти, СССР Давлат мүкофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мүкофоти лауреати Сора Эшонтураева санъатмиз осмонида ярқираб пайдо бўлдиу унинг Зуҳра ўлдузи бўлиб қолди. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри саҳнасида, «Зангори экран» ойнасида уни кўрмаган, юксак маҳоратига қойил қолмаган томошабин республикамизда камдан-кам топилади. У ўзбек театри саҳнасида турли характердаги хилма-хил образлар галересини яратди. Ҳалқимизнинг севимли фарзанди Сора Эшонтураева эллини йилдан кўпроқ вақтдан бери ўз истеъодини совет санъати тараққиёти учун сарфлаб, нафосат муҳлисларига завқ-шавқ баҳш этиб келаётти.

Сора Эшонтураева 1911 йилда Намангандеги Янгиқўргон районидаги Бешбулоқ қишлоғида камбағал-дехқон оиласида дунёга келди. Бўлғуси санъаткор ота-онадан жуда ёш етим қолди. 1922 йили у ўзи тарбиялангаётган оила — Эшондаевлар оиласи билан Тошкентга келди. Кейинроқ болалар ўйда тарбияланди, Зебунисо номидаги мактабда ўқиди. Мазкур мактабда бадийи ҳаваскорлик тўғараги ишлар эди. Ёш Сорахон драматик тўғарак аъзолари ўртасида тезда кўзга кўриниб қолди. Кўп ўтмай у Ўлка драматик труппасининг оммавий саҳналирида ҳам фаол иштирок эта бошлади.

Сора Эшонтураева 1925 йили Москвага — Ўзбек маориф ўйи қошида ташкил этилган театр студиясида ўқишга юборилди. Бу ерда у ўз тенгкўрлари қатори улуғ рус саҳна усталаридан таълим олди. 1927 йили студияни мувоффақиятли тамомлаб, Карл Маркс номидаги Ўзбек давлат марказий драма труппаси (ҳозирги Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри)га актёр бўлиб ишга келди.

Чинакам санъаткор ҳеч қачон ўз билими ва эришган тажрибаси билан чекланиб қолмайди. Сора Эшонтураева ҳам ана шундай фазилат эгасидир. У Марказий драма труппасида Маннон Ўғур ва Аброр Ҳидоятов сингари атоқли санъаткорлар кўмагида ролдан ролга ижодий ўси, ўз маҳоратини муттасил такомиллашиб борди. 1928 йилда В. Ян асари асосида ишланган «Хўжум» драмасидаги Турсуной, К. Гольдонининг «Иккى бойга бир малай» асаридағи Беатриче ёш Соранинг профессионал театрдаги дастлабки роллари эди. 1929 йили К. Яшиннинг «Иккى коммунист», 1934 йили эса, шу асарнинг қайта ишланган варианти — «Тормор» драмасидаги Дилбар образи орқали Сора Эшонтураева ижодининг асосий мавзуи — образлар йўналиши белгилана бошлади. У қаҳрамоннинг ички дунёсинингина эмас, шу билан бирга унинг қатъияти, иро-

даси ва эътиқодини ҳам акс эттиришини ўз олдига мақсад қилиб қўярэди. Шу тарзда қатор исенкор, маҳбуб аёллар образларини яратди. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» асарида Жамила (1939), Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасида Гулойин (1942), К. Яшиннинг «Номуз ва мұхабbat» драмасида Онахон (1936) ва бошқа бир қанча драмалардаги бош образлар шулар жумласидандир. Айниқса, Ўғун ва Иzzat Султоннинг «Алишер Навоий» драмасидаги Гули образининг Сора Эшонтураева ижросидаги талқини таҳсинга сазовордир. Актриса бу образда шеърий тил гўзаллигидан тўлиқ фойдаланиб, баҳтисиз мұхабbat соҳибасининг теран ҳис-тигуларини, маънави баркмоллигини зўр маҳорат билан ифода этди. «Бой ила хизматчи» асарида Жамила эса унинг талқинида қисқа вақт ичидаги катта ҳаёт йўленини босиб ўтиб, соддагина бир қиздан ҳаётнинг оқу қорасини ажрати оладиган иродали ҳужумкор бир шахса айланади.

Қирқинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб 70-йилларга қадар рус совет драматурглари асарларидағи хотин-қизлар образлари Ҳамза номидаги театр репертуаридан муносиб ўрин олди. Шуниси диққатга сазоворки, ана шундай саҳна асарларининг асарида Сора Эшонтураева асосий қаҳрамонлар образини талқин этди. К. Тренёвнинг «Любовь Яровая»

драмасидаги Яровая, В. Ивановнинг «49—69 бронепоезд» асаридағи Надежда Львовна, Н. Погодиннинг «Менинг дўстими» пьесасидаги Элла Пепер, Б. Лавреновнинг «Денгизчилар шарафига» асаридағи Шабунина, К. Симоновнинг «Рус масаласи» драмасидаги Жесси, В. Вишневскийнинг «Ҳаётбахш ўлим» асаридағи комиссар аёл ва бошқа бир қатор образлар сўзимизнинг исботидир.

Сора Эшонтураеванинг саҳнадаги ижодий парвозида жаҳон классик драматургиянинг асарлари ҳам мұхит ўрин тутади. Унинг «Ҳамлет», «Отелло», «Қирол Лири» трагедияларида яратган Офелия (1935), Дездемона (1941), Гонериля (1967) образлари жаҳон саҳна шекспиршуносиги олтин фондига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. С. Эшонтураева талқинидағи Офелия — назокат ва жозибага бой, иффатли, ҳаммани ўзи сингари пок деб биладиган соддадил қиз. У яратган Дездемона характеристида нафосат, майнлик билан бир қаторда шижоат белгилари кўзга яқол ташланади. Гонериля образида Сора Эшонтураева феодализм даври ва сарой аёнларининг барча кирди-корларини фош қиласи.

А. Островскийнинг «Момақалди-роқ» драмасидаги Катерина рус классик драматургиясида энг мурракаб қаҳрамонлардан ҳисобланади. Бу образни Сора Эшонтураева 1938 йили ўзбек саҳнасида биринчилардан

бўлиб зўр маҳорат билан ўйнади. Катерина унинг талқинида соддадил, латиф, айни замонда шахс эркинлигига интилувчи мардонавор аёллар тимсолидир.

Сора Эшонтураеванинг ижодий лабораториясида Шарқ мавзуди яратилган асарлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Актриса Нозим Ҳикматнинг «Турция ҳақида ҳикоя» драмасида, Ҳатча, «бир севги афсонаси» асарида Маҳмони бону, араб ёзувчи Сиёҳ Ҳаммад Диб романы асосида тайёрланган «Жазоир — менинг ватаним» драмасида Айни, япон драматурги Моримото Каорунинг «Ўғирланган умр» спектаклида Седзу сингари мурракаб образлари орқали эксплуатацияга асосланган капитал дунёнинг инсон ҳуқуки ва шахсиятини топташга қаратилган зиддиятларини зўр маҳорат билан очиб ташлади. Шунингдек, Сарвар Азимовнинг «Замон драмаси» асаридағи араб коммунисти Ойиша образи ҳам Сора Эшонтураева талқинида зўр муваффақият қозонди.

1968 йили Сора Эшонтураева Р. Эшмуродовнинг «Бўрон қуши» драмасида доҳий Лениннинг онаси М. А. Ульянова ролини ижро этди. Ер юзига улуғ Ленинде буюк сиймони тухфа этган ақлли, заковатли онанинг тўлақонли образи Сора Эшонтураева талқинида ўзбек саҳна санъатининг мукаммал қаҳрамонларидан бирига айланди.

Томошабинлар Сора Эшонтураевани севикиларни сифатида ҳам зъозолаб тилга оладилар. У «Бой ила хизматчи», «Опа-сингил Раҳмоновалар», «Сайёд қўнғироги» каби фильмларда энда қоладиган образлар яратди. «Шоҳ Эдип» фильм-спектаклида Иокаста ролини гавдалантириди.

Ўзбек саҳнининг ўлдузи С. Эшонтураева жамоат ва давлат арбоби ҳамдир. У 1949 йилдан бошлаб Совет Тинчлик Комитетининг аъзоси, 1968 йилдан бери Узбекистон Тинчлик фондига ёрдам берни комиссиясининг раисидир. Сора Эшонтураева бир неча марта СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган. У совет театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1949 ва 1977 йилларда СССР Давлат мүкофоти лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлди. 1967 йилда эса унга Ҳамза номидаги Республика Давлат мүкофоти берилди. Атоқли санъаткорнинг кўксини Ленин ордени, бешта Мехнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат белгиси» ордени ва медаллар безаб турибди. Айни пайтда Сора Эшонтураева Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениесининг раисидир.

Ўзбек театри санъатининг улкан наояндаси, катта қалб эгаси Сора Эшонтураевани ўзининг кутлугу юбилейи билан муборакбод этамиз.

Абдулҳай НОСИРОВ

## Ғўза гулга кирди

Ғўза гулга кирди — баҳорги орзу,  
Қўёш нурларига чайди япрогин.  
У асли покиза умидга кўзгу,  
У асли кулгуси саҳий тупрогин.



Қовжираб қайтади майсалар дами,  
Сарғайған баргларда олтин  
шувъулалар...  
Уфқа туташиб осмону замин,  
Тўлғониб ётиби сўнгсиз далалар.

Кун ҳам қайтаётир ёниб зиёда,  
Алвон ёғдуларин қориб тупроққа.  
Толнинг оғушидан эсган шаббода,  
Райхон бўйларини урар димоққа.

Шийпон бурчагида ўчоқ ловуллар,  
Қоқигул юзида оқшом салқини.  
Дала ортидаги сой ҳам шовуллар,  
Яшил пахтазорни сийпар тўлқини.





СССР халқ артисти Сора Эшонтүраева.



Бүгунги Тошкентнинг энг гўзал ва муҳташам иншоотларидан бири — В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи Ўзбекистон Компартияси XX съездининг очилиш кунида фойдаланишига топширилган ва республикамиз коммунистларининг бу буюк анжумани зўр муввафкацият билан ўтган бино сифатида тарихга кирди.

Бу қандиллар кўнгилни чароғон қиласди.

Дўстлик саройи — гўзаллик олами...





Ўзбекистон ССР халқ артисти,  
Дугорчи қизлар ансамблининг  
бадими раҳбари Фанижон Тошматов  
ансамбль аъзоларидан .Сано-  
бар Расулова ва Ҳурматой Жо-  
ниевага янги куй ўргатайтири.

Н. ШАРИПОВ фотолари.



Дугорчи қизлар ансамбли «Гулшан водийларда» кўшигини изжро этмоқда.



Хушовоз хонанда Замира Суюнова.



Дуторчи қызлар ансамблининг раққосаси, Тошкент Театр ва рассомлик институти музикали драма факультетининг студенти Матлуба Жўраева.



Ансамбль қатнашчиларидан Машиура Рашидова, Роза Хўжаева, Фаридад Сандалиева, Насиба Ҳасанова ва Ҳакима Эргашевалар қадимий «Эшвойи курд» кўйини ижро этмоқдалар.

# ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР

У

**ЗБЕКИСТОН** Телевидениеси ҳузуридаги Дуторчи қизлар ансамбли машғулот ўтказадиган хонадамиз. Орасда кийинган ёш санъаткорлар навбетдаги машқни бошлаш учун ўзларининг устози Фанижон Тошматовнинг ишорасини кутардилар. ёши етмишини қоралаб қолган бўлса ҳам хатти-ҳаркатлари дадил, боқишилари викорли Фанижон ака: «Қани, «Гулшан водийларда» қўшиғини бошлидик», — деди. Залда Ҳамид Олимжон шеъри билан айтиладиган ажойиб қўшиқ янгради. Нозик бармоқлар дуторнинг пардалари устида майин елларда оҳиста тебранаётган япроқлардек ўйнайди. Латиф оҳанглар шоир сўзлари билан ўйғунашиб, баҳти ҳаёт гимнидай атроғга таралади...

Кўй тинди. Бироздан сўнг дуторяна сайроқи булбулдай тилга кирди. Зални сеҳрли оҳанг қоплади. Сокиндарё мавжларидай ажойиб қўшиқ кўйга ҳамоҳанг бўлиб оқди. Дутор куйлаяпти, унга жўр бўлиб дилрабо ҳадимий қўшиқ янтраяпти. Қўшиқни тинглаётган киши хаёлан кўхна тарихнинг олис қатламларига саёҳат қиласаётгандек сезади ўзини, бобоқлонларнинг киндик қони тўкилган она Ватанни босқинчи ёвлардан кўз қорачиғидек асраган қаҳрамонларнинг жасоратини кўраётгандек бўлади. Ажабо, бу кўй қачон туғилган, унинг яратувчиси ким? Мозийда яшаб ўтган аждодларининг исенкор, дардли, оловли саси эмасмакин? Кўхна тарихнинг чанг босган варакларида не-не саркардаларнинг номлари учиб кетмади! Йўк, уларнинг кутлуг ишларини, она юрт ҳимояси йўлида кечган юришларини, орзу-умидларини, кураш ва инти-

лишларини азамат ҳалқ ўлмас кўйга ва қўшиқа соглан. «Эшвойи курд» ана шундай қадимий куйларнинг тимсоли...

Дутор чertiлар, кўйга кўй, қўшиқка қўшиқ уланиб кетар эди. Бу куй-қўшиқларни тинглар экансан, бирида узоқ ўтмишнинг оху фифонлари, бирида ишқ-вафога садоқат, яна бирида ҳалқимизнинг яратувчилик меҳнати, баҳтиёр ёшлиқ, дўстлик, қардошлиқ туйғулари ўз ифодасини топганинги ҳис қиласан... Ўзбекистон ССР ҳалқ артисти, машҳур бастакор-соэнда Фанижон Тошматов раҳбарлигидаги дуторчи қизлар ансамбли колективининг қўшиқ ва куйларни тинглагандан, рақсларини томоша қилганда ана шундай эзгу туйғулар ҳамроҳ бўлади сизга.

...Фанижон Тошматов — санъат шайдоси, республикамизда доңг таратган бастакор, созандо, ширинкалом инсон. Фанижон аканинг авлод-аждодлари ҳам санъаткор бўлганлар. Унинг катта бобоси Ниёз Оворажон ўз даврининг машҳур дуторчиларидан экан. У дуторни умр бўйи қўлидан тўймата, ҳатто кечалари ҳеч кимга ишонмай бошига қўйиб ётгани туфайли унга «Оворажон» деб лакаб қўйишган экан. Ниёз бобонинг ўғли Тўхта рубоб соз чертганида дарахтаги күшлар ҳам унга жўр бўлиб куйлар экан. Тўхта рубобнинг ўғли Шомат дуторчи ўз санъатини Фанижон акага мерос қолдирган.

Фанижон аканинг катта акаси Карамшер ота кексайб қолганига қаҳрамай ҳамон камон чалишни тарк этмаган. Кейинги акалари — Абдуллаҳон — дуторчи, Муҳаммадали — фижакачи эди. Афсуски, улар Улуғ Ватан уруши жангларida қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Фанижон аканинг фарзандлари

ҳам ота касбини ардоқлаётгандардан. Ўғли Мухторжон — дуторни яхши чертади. Айни пайтда у Бутуниттифоқ Телевидениеси «Время» программасининг Ўзбекистондаги мухбири. Муҳсинали Тошкент Театр ва рассомлик институти музика-драма факультетини тамомлаган, санъатшунослик фанлари кандидати. Бунинг устига яхшигина хонанда сифатида шуҳрат топаётир. Мансур Тошматов ҳам санъаткор, у Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган. Кичик ўғли Муҳаммаджон — яккахон хонанда. Ҳозир у Ватан олдидағи ҳарбий хизматини ўтамоқда. Қизи Муниса Тошкент Театр ва рассомлик институти театршунослик факультетининг иккинчи курсини тамомлади. Катта келини Маъфират Фаниева тарих фанлари кандидати, кичик келини Холиса Қодирова Успенский номидаги Тошкент Музика мактабида бўлажак санъаткорларга фортецианодан дарс беради.

Ҳа, санъаткор оила эл-юрг хизматида. Фанижон Тошматовнинг талантни Йўлдош ота Сҳунбобоев ва Усмон Юсуповлар дикқатини тортган. Унинг парвозида Тўхтасин Жалилов, ССР ҳалқ артисти Лутфихоним Саримсоқованинг ижодий ёрдами бор.

Фанижон Тошматов дастлаб Андижон ва Фарғона облости театрларида ишлади. 1946 йили Ўзбекистон радиоси қошидаги Ҳалқ чолғу асбоблари ансамблига ишга чақирилди. Кейинчалик бу коллектив Ҳалқ чолғу асбоблари оркестрига айлантирилди. Фанижон ака бу коллективда кўп йил концертмейстер бўлиб ишлади. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон радиоси қошида Уйғур ҳалқ ансамбли ташкил этилди. У бир неча йил шу ансамблга раҳбарлик қилди.

1979 йили Ўзбекистон Телевидениеси Ҳалқ чолғу асбоблари оркестри ҳузурида Дуторчи қизлар ансамбли ташкил қилиш лозим топилди. Бу муҳим ишнинг масъулияти Фанижон Тошматовга юклатилди. Янги колектив тузиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу жиҳатдан ҳам вазифа муҳим эди. Кўп ҳаракат билан Тошкент Театр ва рассомлик институти, Маданият институти, Консерватория ва музика мактабларидан 27 ёш дуторчи қизни танлаб, ансамбль тузишга муваффак бўлди.

Дуторчи қизлар ансамблига Ўзбекистон Консерваторияси ҳалқ чолғу асбоблари ансамбли факультетининг V курс студенти, Қашқадарё обласгининг Китоб районидан келган Замира Суюнова, Тошкент Театр ва рассомлик институти театршунослик факультетининг иккинчи курсини тамомлади. Катта келини Маъфират Фаниева тарих фанлари кандидати, кичик келини Холиса Қодирова Успенский номидаги Тошкент Музика мактабида бўлажак санъаткорларга фортецианодан дарс беради.

Ҳа, санъаткор оила эл-юрг хизматида. Фанижон Тошматовнинг талантни Йўлдош ота Сҳунбобоев ва Усмон Юсуповлар дикқатини тортган. Унинг парвозида Тўхтасин Жалилов, ССР ҳалқ артисти Лутфихоним Саримсоқованинг ижодий ёрдами бор.

Ансамблнинг репертуари бой ва ранг-баранг. Фанижон ака дутор, қорун ва ағфон рубобида ижро этиладиган қадимги ўзбек кўй ва қўшиқларини ансамбл қатнашчиларига ўргатиб, репертуарини бойитмоқда. Андижонлик бастакор-хонанда Турғун Фижон томонидан музикага солиниб, кейинчалик унтилиб юборилган, ҳалқ сўзи билан айтиладиган «Фижон» қўшиғи, «Ялловон» кўйи, «Эшвойи курд», сурнай мақомларидан «Дугоҳ», «Ҳамза» каби кўй ва дилрабо қўшиқлар репертуардан муносиб ўрин олган. Бу каби тарона ва лапарларда қаҳрамонлик, ватанга муҳаббат, севгига садоқат оҳанглари мужассам. Замонавий қўшиқлар, қардош республикалар санъаткорларининг энг яхши ашула ва дутор тароналари ҳам ансамбл репертуаридан аста-секин ўрин олаётир. Фанижон Тошматов басталаган «Гулшан водийларда», «Солдатимга салом айтинг», «Тўй алёри», «Ўзбекистон» қўшиқлари, тоҷик ҳалқ куйларидан «Э», «нозанин, имрӯз», Манас Левиевнинг «Баҳор ўхшар баҳтимга», «Жон қизлар», Матниёз Юсуповнинг «Лазги қўринди», «Амударё», Ибрөҳим Ҳамроевнинг «Сулув», Сулаймон Юдаковнинг «Дугоналар» сингари кўп овозли қўшиқлари дуторчи қизлар созида янгича тароватга эга бўлаётир.

Дуторчи қизлар ансамбли — ҳали жуда ёш, келажаги порлоч колектив. Вақт ўтиши билан бу коллектив, Фанижон ака айтганидай, «Кирқ қиз» дуторчи қизлар ансамблига айланади. Бу навқирон санъаткорлар коллективининг келажакда Украина даги «Бандуристлар», Белоруссиядаги «Цимбалистлар» ансамбллари каби шуҳрат қозонишига, «Баҳор» Давлат рақс ансамбли сингари Ўзбекистон нафасини ер юзининг ҳамма бурчакларига таратишига шак-шубҳа йўқ.

А. АҲМЕДОВ,  
А. САЙДУМАРОВ



Ансамблнинг музика раҳбари Замира Султонова хонанда ва созандалар билан машқ ўтказмоқда.

Атрофимиздаги ҳамма нарсалар гўзал, яхши дид билан ишланган бўлиши қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Москвадаги Олимпия объектлари ва айрим уй-жой кварталлари, Ленинграддаги қайта тикланган ноёб ўтмиш обидалари ва янги архитектура ансамбллари, Олмаота, Вильнюс-

Навоий ва бошқа шаҳарлардаги янги қурилишлар — булар бизнинг фахримизdir. Лекин шунга қарамай, шаҳар қурилишида умуман зўр жозибадорлик ва хилма-хиллик етишмай турибди.

Л. И. БРЕЖНЕВ

# БИЗНИС ФАХРИМИЗ

КПСС XXVI съезди олий минбари-  
дан айттылган бу ажойиб сүзларда  
бутун мамлакатимиз шаһарсозлары-  
нинг улкан ютуқлари ҳамда вазифа-  
лари аник ифодалаб берилган.

Уртоқ Л. И. Брежневнинг съездаги сермазмун, чуқур, илмий докладида республикамизнинг навқирон шаҳарларидан бири — Навоийдаги замонавий қурилишлар ижобий баҳоланганлиги, биз, ўзбекистонлик мөъморларни, қурувчиларни, шаҳарсозларни чексиз кувонтирди.

Чиндан ҳам Ўзбекистон меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият соҳаларида бўлганидек, мъеморчиликда ҳам катта ютиклиарни кўлга киритмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Узбекистон Компартияси XX съездига Ҳисобот докладида шундай деб таъкидлади: «Республика партия ташкилоти КПСС XXVI съезди ишлаб чиқсан кенг иқтисодий ва социал программни амалга ошириб, капитал қурилиш масалаларига жуда катта аҳамият бермоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг тез, тежкамли ва замонавий техника асосида қуриш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш ийўидан қатъият билан бормоқда...»

Республикамизда уй-жой, мактаблар ва ўқув юрлари, мактабгача болалар мұассасалари, шифохона ва поликлиникалар күриш программасындағы вактида мұваффакиятты бажарылды. Курувчилар, меморлар, лояничаилар Узбекистон Компартиси XX съездің ажайиб тұхфа тайёрладилар. Қисса бир муддатта Ленин номидагы СССР Халқлары дүстлігінен сарайдың бүнгәл этилгі

Умуман олганда, ўнинчи беш йилликда 25 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди, бу тўққизинчидан беш йиллигидагига нисбатан 1,3 баравар кўп демадилди.

Узбекистон мөъмларининг энг муҳим вазифаси ана шу ютуқларни мустаҳкамлаб, шаҳарсозлик ва уйжой қурилишининг сифатини яхшилашдан, шаҳар ва қишлоқлар, тураржой ва жамоат иншоотларининг техникавият ва эстетик савиасини оширишдан иборатdir.

Шаҳарсозлиқда ҳозир архитектуранинг ғоявий-тарбиявий ҳамда эмоционал аҳамиятини ошириш, унинг эстетик таъсирини кучайтириш масалаларига катта этибор берилмоқда. Эндилиқда шахар киёфасининг жо-

зидадорлиги аввало совет мъемор-чилигининг энг муҳим принципи бўлмиш ансамбллилик шаҳарсозлик таж-рибасида қай даражада амала оширилишига боғлиқдир. Шаҳарларимизга яхлит мъеморчилик ансамблари-нинг планли асосда барпо этилиши шаҳар қуришнинг асосий принципи бўлиб қолди. Шаҳар ва унинг маркази бадиий қиёфасини шакллантиришда ансамбль яратишнинг, конкрет мъеморчилик масалаларини ҳал этиш учун ишга ижодий ёндашишнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини Навоий шаҳри мисолигда яқъол кўриш мумкин. Шаҳарнинг бош планини А. Коротков ва И. Орлов раҳбарлигидаги Ленинград лойиҳа институти мъемор ҳамда инженерлари яратган бўлиб, пландаги композицион ғоя, миқёс, маром ва модулнинг яхлитлиги унинг мувваф-факиятини таъминлаган.

Навоий шаҳрининг марказига қараб юрган сари меъморлик санъати ифодалилиги тобора яқолроқ на-моён бўлаётганини, туаржой ва жамоат бинолари қаватдорлиги ўсшиб борганини сезасиз. Бу эса шаҳар кўркига кўрк кўшиб, марказнинг меъморий ва ижтимоий аҳамиятини оширади. Шаҳарнинг гўзал комплексларида ўзиға хос макон — кенглиқ қонуниятлари мужассамлашгандир. Советлар уйининг ўн икки қаватли маъмурий биноси шаҳарнинг композицион маркази бўлиб, у туаржойлар ва «Навоий» меъмонхонаси билан биргаликда асосий майдон қиёфасини белгилайди. Алоқа уйининг узун, унчалик баланд бўлмаган бинолари ва улумшаҳар савдо маркази эса осмонўпар иншоотлар қаршиисида контраст манзара ҳосил қиласди. Шуниси диккатга сазоворки, марказдаги жамоат бинолари ансамбли маҳсус лойиҳалар асосида курилган, уларнинг архитектураси бир-бири билан узвий боғланниб, шаҳарга ўзига хос кўркамлик баҳш этади. Композициянинг яна бир қисми бир қанча тўқиз қаватли туаржой бинолари асосини шаҳар магистрали йўлига туатишиб кетишидан ҳосил қўлади. Шуниси диккатта моликки, шаҳардаги марказий ансамблларни бунёд этишда кўп қаватли туаржой биноларининг ҳам ўз ўрни бор. Улар меъморчилик композицияларининг мутаносиблиги ва маҳзунлигини таъминлайди. Бинолар йирик-йирик қилиб, бир-биридан маълум бир ма-софа оралиғида курилганки, бу ҳолат марказдаги иншоотларга салобат бағишлайди, уларнинг жамоат бинолари эканлигини кўрсатиб туар-

ди. Шаҳардаги бошқа жойларда планли равишда бунёд этилган түқиз қаватли турархой бинолари ҳам шаҳарни янада кўркамлаштирган мемъорчилик ансамбллари ўтасидаги ўзаро узвийликни таъмин этган.

Шаҳар ансамблининг уйғуллариги назарда тутиб, лойиҳачилар микрорайонлар территориясида кинотеатр музика мактаби каби умумشاҳар аҳамиятига эга бўлган айрим жамоатиноларини жойлаштирганлар, бу эса асосий магистраль йўллар, уй-жой кварталлари кўркигча кўрк кўнгшган.

Кейнинг вақтларда бাবзан курила жак муайян шаҳарнинг функционал структураси пухта ўйланган, бинолар оқилона жойлаштирилган, транспорти йўлларининг ююри техникавий дара жаси лойиҳада ҳисобга олинган бўлса ҳам, амалда шаҳар кїмфаси ўйланганидек кўркам чиқмәтганиниғояни тўла амалга оширишга хизмат киладиган зарур бадий воситалар этишмаётганини кўрмоқдамиз. Бундай шароитда шаҳарнинг «маънавии олами»ни бойитиш, туаржойлар оралиғидаги очиқ ерларга ўзига хос мазмун баҳш этиш, кўчалар ва майдонларга теран бадий мазмун бағиашлаш учун санъатлар синтезидан фойдаланиш керак.

Бу жиҳатдан ҳам Навоий шаҳри нинг қиёфасини белгиловчи мөрчиллик ва ҳайкалтарошлик намуналари ибратлидир, улар бир-бириннинг тўлдириб, яхлит бир ансамбл яратиш учун имконият яратган.

Шахарнинг ғоявий-бадиий қиёфас ва ансамблларнинг шаклланишида меймормонлик билан монументал санъатнинг уйғунлиги катта ахамия касб этади. «Фарҳод» маданият саройи олдиғаги ансамбль ана шундай уйғунликкүнг яқын намунасыдир. Маданият уйи комплексининг хиёбон зонаси фонтанлар, ҳовузлар, орниториум — ҳайкалтарошлик асарлари билан құршаб олинган яхлит бир мансардан вужуда келтиради. Бундаги бекемзеклар ҳам функционал, ҳам ғоявий-эстетик вазифаны адо этади. Тоғдан ариқ қазиб, сув көлтирган халқ қаҳрамони — афсонавий Фарҳоднинг ҳайкали сув каскадлари ва фонтанлар жойлашган майдонларга жуда ярашиб турибди. Ҳудди шу каскадлар ва фонтанлар микрорайондаги ирригация системасини сув билан таъминлаштырып, ён-атрофдаги ҳавони мұйытады. Сақлашга ёрдам беради. («Фарҳод» ҳайкаларының автори В. Савининин ҳудди шу асари учун Рассомлик академиясынинг Олттың медалига сағызыор бўлғанларигини эслатиб ўтиши керак.)

«Ўзбекистон дарёлари» фонтани — мазкур системанинг иккинчи композицияси кенг мөмний кенглиқда жойлашган ҳамда у билан бирга бусуттун яхлитликни ташкил этган. Шунингдек, болалар боғча-яслиларидағи монументал-тасвирий санъет асарлары биноларнинг замонавий архитектураси билан сингишиб кеттган. Улар шакали, услуги ва ижро техниканынг мутаносибилиги ва ниҳоят, асосий материал сифатида фойдаланылған — иншоотларга умры боқийлик бағишилаган монолит бетон ҳам бүнга ёрдам берған.

Навой шаҳрига хос санъатлар синтезининг бир хусусияти шундаки, у тасвирий санъат намуналарининг ноёб ва мураккаб меъморчилик шакллари билан эмас, балки стандарт деталлардан фойдаланиб намунивий лойиҳа асосида қурилган бинолар билан ўйғунлашиб кетиши натижасида юзага келган. Яъни ҳайкалтарош янги бадиий яхлилитик ҳосил қила оладиган даражада янги пластик воситаларни кўплай олган.

Рангларни ўз ўрниди кўллаш тифайли шаҳар қиёфаси кўркамлашиб, жонланиб кетган. Оқ силикат қоплама плиталари кўп қаватли фиштин биноларга, оқ мармар тахталари эса йирик панелли биноларнинг деворларига ўзига хос ҳусн бағишилаган. Шаҳар қурилишида Ўрта Осиё миллий мъеморчилигининг анъанавий бўёклари — оч кўк ва яшил ранглардан унумли фойдаланилган, булар хиёбонлар ва истироҳат боғлари яшиллиги билан уйғунлашган-да, ажойиб манзара касб этган.

Аниқ композиция, миқёсий кенг-ликлар, ифодали силуэт, қурилиш типлари ва услубларининг хилмаллиги, пардоз берувчи материаллардан, кичик меъморчилик шакллардан фойдаланишдаги маҳорат, шаҳар ободончилигининг юксак савиися, яшил зоналарнинг мўллиги, каналлар, фонтанлар, болаларга мўлжаллаб қурилган ҳовузларнинг кўплиги — буларнинг ҳаммаси Навоий шаҳрига тақрорланмас қиёфа баҳш этган. Шуну ҳам тақидлаш зарурки, шаҳарнинг бундай ўзига хос бадий үйғунлигига эришишда шаҳарсозлар намунавий лойиҳалардан, қурилишнинг саноат методларидан, оммавий уйсозликка хос материаллар ва ашёлардан кенг ижодий равишда фойдаланганлар.

**Тўлқиной ҚОДИРОВА,**  
Ўзбекистон Архитекторлар союзи  
правлениесининг раиси



# ТОЖИКИСТОННИНГ НАВҚИРОН ШАҲАРЛАРИ

# ТУРСУНЗОДА ШАХРИ

**К**ҮШЛИ юртимизнинг ўзига хос табиати ва таровати бор. Гўзал пойтахтимиз — Душанбе атрофидаги, водийлардаги шаҳар ва районлар, қишлоқ ва посёлкалар эса кунгирга тоб этаклариди, қир-адирлар бағрида юз очган лолақизғандоқлардек кўнгилга завқ бағишлади.

Ўттизинчи йиллардан сўнг республика харитасида пайдо бўлган Регар райони ва шаҳри, мана, учинчи йилдирки, тожик совет шеъриятининг буюк намояндаси, Ленин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзода номи билан аталмоқда. Турсунзода шаҳри Тожикистоннинг жануби-гарбий чегарасида жойлашган. У машҳур Ҳисор водордигининг гарбдаги дарвозаси ҳисобланади. Душанбедан борадиган катта магистрал йўл ана шу шаҳар бўйлаб қардош Ўзбекистоннинг Сурхондарё обlastига ўтиб кетади. Душанбедан бора-веришда, йўлнинг чап томонида районнинг кўз илғамас кўркам паҳтазорлари ва боғ-роғлари... Ўнг томонидаги олмазор боғлар эса Қоратоғ қишилогига туташади. Унинг ёнгинасидан Қоратоғ дарёси шарқираб оқади. Дарё бўйида жойлашган «Қоратоғ»— бутун мамлакатимизга донги кетган дам олиш маскани. Устод Мирзо Турсунзода ана шу Қоратоғ қишилогига дунёга келган.

Шаҳарнинг шимолида жойлашган алюминий заводининг кўкка бўй чўзган мўрилари осмон устунидай туюлади, узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Сўнгти ўн йил ичида, даштда бу азим завод совет кишиларининг азму иродаси, абадий дўстлигига ўрнатилган ҳайкалдай мағрур қад кўтарди.

1975 йил, 31 март. Бу сана Тожикистон республикаси тарихига зарҳал билан қайд этилди. Чунки, шу куни республика халиқ хўжалигида янги соҳа — рангли металлургия туғилиди. Ҳозир корхонанинг биринчи уч навбати ишлаб турибди. Барча алюмин маҳсулотлари Давлат Сифат Bell-gиси билан чиқарилмоқда. Бу ерда мамлакатимизда ягона, жаҳонда энг нодир — кўйдирилган анодлар цехи фақат аъло маҳсулот берәётир. Илгари мамлакатимизга кўйдирилган анодлар хориждан кептирилар эди. Эндиликда эса, бу цех бутун мамлакатимиз корхоналарини кўйдирилган анодлар билан таъминламоқда.

Республикамизга ранги металлургиясининг түнгич корхонаси ўз меҳнат юлдузларини яратди. КПСС XXVI съездига делегати, электролизчилар бригадаси бошлиғи Тоҳир Бобоҷонов, электролизчи, СССР Олий Советининг депутати Қосим Тоҳиров, электролизчи, ВЛКСМ XVIII съездига делегати Ҳайдар Қодиров, республикада таникли

**бинокор, бетончилар бригадасы бошлиғи Нарзи  
Орзикұлов шулар жумласидандыр.**

Алюминий заводы ёнида қад күтараётган ва яқинда илк маҳсулотини берган чинни заводи ҳам дўстлар кўмаги билан бунёд бўлмоқда. Чунончи, Самарқанддаги чинни заводи колективи бу корхонага ишчилар тайёрлаб беришда оталик килаётди.

Турсунзода шаҳрида пахта тозалаш ишлаб чиқариши бирлашмаси, курилиш асбоблари заводи йи корхона турли хил маҳсулотлар қатори Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи учун пахта ҳўялагани насослари тайёрлаб юборади. Годжи заводи ками минглаб турасиди.

Шаҳар тобора кенгайиб, гўзаллашиб бормоқда. Айни пайтда шаҳар территорияси 749 гектарга етди. Бу ерда яшाइган аҳоли район колхозлари пахта далаларида, геранзорларда, курилиш майдончаларида, завод цехларида фидокорона ишлаб, КПСС XXVI съезды кўрсатмаларини амалга оширмоқдалар. Шаҳарликларга тўрт кутубхона, учта маданият уйи, иккита театр, битта маданият ва истироҳат борги, олтига ўрта мактаб, ўн иккита боғча-ясли, иккита болалар музиска ва рассомчилик мактаби, ўнта магазин, учта умумий овқатланиш ўхобчаси, иккита поликлиника хизмат кўрсатмоқда.

Түрсунзодаликлар гайрат-шикоати билан 1976—1980 йиллар мобайнида 237 миллион сүмлик ёки түккизинчи беш йилликдагига нисбатан иккى баравар кўп капитал маблағ ўзлаштирилди. Асосий фондлар 2,8 баравар ўси. Корхоналарда 70 процент маҳсулот Сифат Белягиси билан чиқарилид. Ўн биринчи беш йилликда бу муваффакиятлар янада мустахкамланади.

Фаизатлар инад жустикламилиди.

Шахзар ва район меҳнаткашлари кўп йиллардан бери ён кўшнимиз — қардош Узбекистон ССРининг Сариосиё район меҳнаткашлари билан мусобақа боғлаб келдилар. Мусобақа улар ўртасида дўстлик кўпрги, юксалиш гарови бўлиб хизмат килимокда.

# ФАФУРОВ ШАХРИ

**X** УЖАНД райони маркази Тоҷикистон ССР  
Олий Совети Президиумининг 1978 йил,  
23 январдаги Фармонига биноан йирик  
шарқшунос олим, академик, партия ва давлат  
арбоби Бобоҷон Faфуров номи билан атала  
бемутта.

Бу шаҳарнинг об-ҳавоси, табиатини Ленинобод аэропортига тушишингиз биланоқ дарҳол ҳис этасиз. Кўркига мафтун бўласиз: Ҳур-ҳур эсган шабада сизни елпийди, сайрга чорлайди. Автобусда гўзал, озода Соцгородок послекаснинг равон кўчаларидан айланаб, катта кўчага чиқа-сиз. Чап томонига бурилсангиз, Сирдарё бўйига тақиғлан маржондек гўзал Ленинободга бора-сиз. Ўнга бурилсангиз, катта магистраль йўл сизни оламга таникли олим, СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиёдан сайланган илк академиги, Тоҷикистон Компартиси Марказий Комитетининг собид биринчи секретари, Осиё ва Африка институти директори Бобоҷон Гафуров номидаги шаҳар бўйлаб олиб ўтади-да, Фарғона томон кузатиб кўяди. Шунингдек, Ўрта Осиёning маркази ҳисобланган кўркам Тошкентдан ёки Самарқанддан сўлим Фарғона водийсига кат-

**найдиган ҳамма транспорт воситалари бу жақсия шаҳардан ўтади.**

Кейнинг йилларда Гафуров шаҳрида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Айни пайтда шаҳар тартириясида пахта тозалаш, темир-бетон заводлари, гўёт комбинати, вино, пиво ҳамда турили сархия ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхона ишлаб турибди. Иккита саноат бирлашмаси, ўн олтига қурилиш ташкилоти, еттита автобаза колективлари шаҳарни тобора гўзаллаштириш ва кенгайтириш билан машгул. Ўн учта мактаб-гача муассасаси, ўнта йирик маишӣ хизмат тармоғи, бешта кундузги, битта кечки мактаб, бир нечта кинотеатр, марказий касалхона ва поликлиникалар ахоли хизматида.

Хозирги кунда шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб бормоқда. Ўн тўрт миллиатдан иборат аҳолининг асосий қисмини тоҷиклар, ўзбеклар, руслар, татарлар ташкил этади. Дўстона яшаб, қаҳрамонона мезнат қиласётган гафуровликлар азми билан сўнгти иккى йилда шаҳарда тўрт ва беш қаватли турархой ва маъмурӣ бинолар бунёд этилди, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлгандар хотирасига ҳайкал ўрнатилди.

Гафуров шахри қадимий ва науқирон, энг


юқори ҳосилли Ҳўжанд райони териториясида-  
дир. Бу ердан Домуллојон Азизов, Фатхулло  
Аҳмедов, Исломи Ҳамзаалиев ва ҳозирда бар-  
ҳаёт Ҳоди Кенжаев ва Раҳимбой Раҳматов каби  
Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари етишиб чиқсан-  
лар. Озод меҳнатнинг чинакам дарғалари — икки  
марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум  
Саидхўжа Уринхўжаев, шу куннинг шунқорла-  
ри — Дилбарни Нурматова, Абдуллајон Бобо-  
жонов, Дадажон Тоҳиров, 34-механизмлашган  
кўчма колонна экскаваторчиси Исломи Аҳроров  
каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари шу ер-  
да камолга етганлар. Ҳуллас, Faуфуров шахридан  
қиридан ортиқ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони  
ва қиридан зиёд олим етишиб чиқсан. Бугунги  
кунда медицина фанлари доктори, профессор  
Абдумажид Мусаев, филология фанлари доктор-  
лари — Абдурауф Ҳошимов, Абдуқодир Соби-  
ров, тарих фанлари докторлари — Абдуҳамид  
Гадеев, Ҳабибулло Ҳоликӯраев ва Абдураззоқ  
Турсуновлар тарзикини тараққиётига катта ҳис-  
са қўшाटирлар.

Гафуров шаҳри ва райони меҳнат аҳли Фарғона облостидаги Ўзбекистон райони меҳнаткашлари билан қалин дўст, ҳамкор ва мусобақадош. Шу йил баҳорида хўжандлик машҳур боғбонлар Яйпан шаҳрига кўчат олиб боришиб, дўстлик боғини яратиб келдилар. Яйпанлик биродарларимиз эса, Гафуров шаҳри марказига миллий ҳаммом кўриб бернишга бел болганишга.

Шаҳарнинг келажаги янада порлоғ. Яқинда тасдиқланган бош план асосида ўн биринчи беш йиллик давомида замонавий клуб, стадион, маданият ва истироҳат бози, кўп ҷаватли уй-жой билолари, академик Бобоқон Гафуров музейи бунёд этилади. Шаҳар марказида бу машҳур олимнинг ҳайқали ўрнатилади.

**Жамолиддин ТОШМАТОВ**

Душанбе



# ШЕЪРЛАРИ-ОҚ ТУШЛИ ҚАЛДИРГОЧ...

Ж

АХОНДА шундай бир майдон борки, унда афсонавий кўзгудагидек олам ҳодисалари акс этди. Бу кўзгу шоир юрагидир. У фақат акс эттирувчи эмас, яратувчи, инкор этувчи, тас-курашларга чорловчи, ҳаётни янада гўзалроқ қилувчи кўзгудир. Бир сўз билан айтганда, шоир юраги яхшилик билан ёмонлик, қабиҳлик билан эзгулик, қарама-қаршиғоялар ва амаллар омонисиз курашгувчи кичик бир жанггоҳдир.

Ўз шеърларидан бирида шоир юрагини жанггоҳ деб атаган Шукрулло адабиётга урушдан аввал — 30-йилларда кириб келди. Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Рамз Бобоҷон каби шоир, адиллардан иборат бўлган бу авлод ижоди урушдан йилларда сайқал топди ва урушдан кейинги дастлабки йилларда ёзбек адабиётининг келажагини яратувчи азamat тўлқин бўлиб мавж ура бошлади. Бу авлод ёзбек шеъриятида лирика ва айниҳса, поэма жанрининг қайта туғилишига, янги сифатлар билан бойишига катта ҳисса кўщдилар.

Шукрулло урушдан кейинги йилларда ўз тенгкурлари сафида янги йўналишдаги лириканинг устаси сипатида эътибор қозона бошлади. Лекин бундан қатъий назар ҳозирги фалсафий мушоҳадага мойил, фалсафий теран шоир Шукрулло дабдурустдан адабий майдонда пайдо бўлгани йўқ. У 40—50-йилларда гўзл шеърлар билан бирга ҳаётни таҳлил эмас, қайд этувчи, тасвири эмас, тасиф қилувчи шеърлар ҳам ёди. Лекин улар Шукрулло поэзиясini белгилайдиган асарлар эмас эди. Шукрулло шеъриятининг асосини Иносон ва эзгулик, ҳақиқат учун кураш ва келажакка ишонч, ҳаётда ёрқин из қолдириш учун ёниб яшаш, дўст меҳри ва оқибат, ҳаётни янада гўзаллаштириш учун лоқайдликка қарши аёвсиз кураш мотивлари эгалайди.

60—70-йиллардан эътиборан Шукрулло поэзиясида — замон ва замондошимизда, ватан ва ватандошимиз ҳаётда рўй берадиган сифат ўзгаришларини инсон қалби кечинмалари орқали куйлаш тенденциясининг янги босқичга кўтарилганини кўрамиз. Бу жараён унинг, айниҳса, «Иносон ва яхшилик», «Иносон инсон учун», «Олдузлар», «Суянчиқ», «Яшагим келади» номли шеърий тўпламларидаги асарларида ёрқин на-моён бўлди. Шукрулло шеърларида

фалсафий тамойил мудайянлашди. Чунони, унинг «Толи» деган бир мўъжазигина шеъри бор. Лирик қаҳрамон қуриган тол оғочини кўриб, чукур ўйга толади. Болалиги ям-яшил яшнаган шу тол атрофида ўтган, новдасидан от қилиб юргурган, қизларнинг сочбаргак таққанини кўрган. Энди эса шу тол кексайиб қурибди. Шоирнинг чукур ҳиссий мушоҳадалари беихтиёр бизга ҳам юқади:

Курнинг кўрсанг қадрдан бир тол, У ҳам солар экан кўнглингга малол.

Умрнинг ўткинчилиги, лекин айни вақтда ҳаётнинг абадийлиги, дўстлик ва инсонлар аро муносабатларнинг қадр-қиммати, катта ва юксак эътиқод билан яшаш, лоқайдлик, ёмонлик ва ёвузлика аёвсизлик, халқ ташвиши билан яшашни баҳт деб билиш Шукрулло фалсафий лирикасининг асосини ташкил этади. Бу мангу мавзулар шоирнинг оригинал образлари тимсолида янгича жамол очади. Инсонга ишонч, инсонга меҳр, дўстга садоқат Шукрулло шеърларида ёлқиндеқ порлаб туради. Инсоннинг инсонлиги, унинг бутун борлиғи, баҳти дўстлари, одамлар туфайлидир.

Мен бир тупроқ бўлсан, дўстлар — бир дарё. Сувасиз жамолини очармиди ер!

Бу «Дўстлик» шеъридан. Ва аксинча:

Ҳамиша ожизу доим беимкон — Инсонга меҳрини йўқотган одам.

Шукрулло қатор шеърларида буюклиқ, мангалик ҳақида ўй суради. Бу минглаб йиллардан бўён адабиётда давом этиб келаётган фалсафий ва ҳаётни тушунчалардир. Уларни ҳар бир ижодкор ўзича талқин этиб келади. Шукрулло ҳам лирик шеърларида бу адабий тушунчаларни ўзича талқин этишига интилади ва аксар ҳолларда бу тушунчалар ҳақидағи тасаввуримизни актив ҳаётний позициядан туриб янада бойитади.

Халқ ташвиши билан яшаш, халқ ташвиши учун умрени баҳшида қилиш — Шукрулло лирик қаҳрамонининг мурод-мақсади. Одамлар ташвиши, одамлар дарди билан яшамаган кишини у ўзининг ашаддий душманни деб ҳисоблади. Бундайларни шарпалар деб атайди. Сир эмас, жамиятимизда бундай шарпалар ҳали топилади. Шукрулло шеърлари билан бундай шарпаларга қарши му-

росасиз курашади. Ута куйинчаклик, беоромлик, ўзгалар дардига бефарқ, лоқайд қарай олмаслик, таниган ва танимаган фикрдошларининг ҳасрату қувончларини чукур ҳис қила билиш Шукруллонинг ўз табиатидан асарларига нур бўлиб ўтади. «Шарпалар» шеъридаги қўйидаги мисралар кўп жиҳатдан унинг ижодий ўзагини ташкил этади:

Беташвиш яшашни баҳт деб ўйлама, Дард чекиши бизларга онадан юқсан. Чунки бу дунёда бизни оналар Туқандана ўзлари дард билан туқсан. Йўқ, дўстим, ҳаётла лоқайд қарама! Сўзларим қилмасин сенга малоллик. Беташвиш яшашни баҳт деб санама, Бедардликнинг ўзи баҳти қоралик. Менда истиқболни кўриш ташвиши, Бусиз на завқим бор, на баҳт, на тинчим.

Шукрулло кейинги йиллarda бир туркум чукур ижтимоий ва гражданинг руҳи билан сугорилган шеърлар яратди. Унинг «Зарралар», «Сўнгги нафас», «Суянчиқ», «Қиёфа», «Минг шукур», «Дунё ва одамлар» сингари шеърлари атоқли шоирларимиз асарлари билан биргаликда ҳозирги ёзбек шеъриятининг энг яхши намуналарини ташкил этади.

Шукрулло шеъриятининг асосий фазилатларидан бири шуки, унда ҳеч қайси бир инсоний туйғу, ҳаётни жараён интиҳо билангина яқунланмайди, у яна албатта ибтидога, яратиш, туғилиш, янгиланишга бориб туштади.

Саргайиб қуриган ўтлар тагида, Мурғак кўк майсани кўрганим замон. Гўё умри ўтган она олдида Еш гўдак ётгандек туюлди шу он.

Бундай шеърлардаги ҳаёт доимо ҳаракатда, доимо жонланишадидир. Шукруллонинг ана шундай шеърлари паҳтадек оқ тўшли қалдирғоч янглиг ҳар бир хонадонга, эзгуликка мушток қалбларга самимият билан кириб боради. Шукруллонинг паҳта, паҳтакор, бобо деҳон ҳақидағи шеърлари ҳам бу фикримизнинг тасдиғи бўла олади. Табиат тасвиридан ижтимоий, ҳатто маълум даражада миллийлик билан йўғрилган ижтимоий маъноларни ўқиши Шукруллонинг паҳтакорга бағишиланган шеърлари учун хос хусусиятдир.

Қуёш ботди, лекин шуъласи бир дам, Хирмонлар устида ловуллаб кетди. Ўт тушандек мени ваҳми забт этди. Мехринг шунча сингган қалбимга, паҳтам.

Қуёш ботаётган кез, унинг шуълалари хирмон устида ловуллар экан, унга ўт тушиб кетади, деб бирор таҳлика га тушиш паҳтанинг, паҳтакорнинг меҳнати машақкатини чукур билган кишидагина рўй бериши мумкин. Бу қаҳрамон — паҳтакорми, шоир ёки ишчими — майли ким бўлмасин, паҳтакор халқнинг вакили эками аниқ. Бу тасвирида паҳтага бўлган умумхалқ меҳри ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Албатта, ҳар бир бадий асарга унинг яратувчиси таржима ҳоли маълум даражада сингади. Лекин, бундан ташқари, ҳар бир асарнинг ҳам таржима ҳоли бўлади. Бу унинг яратилишига турткни бўлган сабаб, яратилган вақти, шароити, асар қаҳрамонларининг прототипи ва бошқалар. Агар шоир билан сұхбатлашсангиз, деярли ҳар бир шеъри, ҳар бир асарининг яратилиш сабабини, таржима ҳолини жўшиб гапириб беради.

Шоир Шукрулло адабиётимизда достоннавис ва драматург, таржимон сифатида ҳам машҳур. Унинг «Чоллар», «Коммунизм бўсағасида», «Россия», «Икки қоя», «Оташ ва гул», «Қўнгил чироғи» сингари достонлари ўзбек поэмачилигининг энг сара намуналари қаторидан ўрин олгани барчага маълум. «Чоллар» достоннинг яратилишига турткни бўлган сабаб ҳам қизиқ. Бир кун устод Ойбек шоир Шукрулло билан сұхбатлашиб қолади. Мўйсафидлар ҳақида худди уларнинг ўзидек бўлиб гапириб берадиган Шукруллога устод Ойбек: «Ўзингизни кўрмасдан ба гапларинизни эшитган одам сизни олтмишга кирган чол дейди. «Чоллар» деган поэма ёзинг», — дейди.

Шукрулло ака достонларидаги аксариёт қаҳрамонларининг прототиплари бўлган. Хусусан, «Чоллар» достонидаги Салим характерининг ҳаётий асасларини аниқлаш учун шоирнинг қўшниси Зокир паровознинг табиатини билиш керак.

Ишчилар ҳаётидан олиб ёзилган «Коммунизм бўсағасида» достонининг ҳам, Тошкент зилзиласи ва халқ матонатига бағишиланган «26. Тонг отар» поэмасининг ҳам ўзига хос ёзилиш тархи бор. Ҳар иккала асарнинг майдонга келишида улардаги мавзунинг ниҳоятда актуаллиги ва бундай асарларга нисбатан катта ижтимоий эҳтиёж мавжудлиги, республикамиз раҳбарларининг берган маслаҳатлар ва бу маслаҳатлар

# Шукрулло 60 ёшда

## Нурга йўғрилганлар

Пахтакор, шаънингга бирон байт айтиб,  
Кўнглингни овлашни ўйлаганим дам,—  
Сўзларим бўғзимда қолади қотиб,  
Жойида тебранмай қолади қалам.

Ахир пахта экиш гуллаган чаман—  
Боғ-роғлар ичида бўлган сайр эмас.  
Бобом дехқон ўтган, дехқон ўғлиман,  
Дехқончилик касби менга сир эмас.

Баҳор ёмғир ёғиб, майсалар униб,  
Кўнгил дала сайрин қўмсагани он,—  
Сайру сафоларни бутун унтиб,  
Қатқалоқ ташвишин ўйлайди дехқон.

На баҳор чечаги кўзин эркалар,  
Кўнглига на лола сайри сифади.  
Унга қўёш керак, кўкдан нур тилар,  
Унинг хаёлида гўзалар дарди.

Гўё ҳар бир гўза — ўз гўдаклари —  
Қолаётган каби дўлу жалада.  
Уни асрарандек қўёш нурлари  
Кўзи офтобдаю, фикри далада.

Ҳамма ҳам ҳар дардни била бермайди  
Булат чиқса ундан кетади ҳузур.  
Қўёшсиз бу пахта ахир унмайди,  
Унга қўёш зарур, ҳарорат зарур.

Фир этиб, ғанимат баҳор ҳам ўтар,  
Чиқар у истаган ёз қўёши ҳам.  
Тафтидан ўт-ўлан қовжираб кетар,  
Ловуллаб ёнгандек бўлади олам.

Кўрт-кўмурсқа қочар ернинг қаърига,  
Күшлар чинорларга биқинар шу он.  
Кимдир бу иссиқдан денгиз бағрига,  
Кимдир жўнгар салқин тогларга томон.

Дов-дараҳт устида тандир тафтидай  
Кўтарилиб чиқар иссиқ бир ҳовур.

Оёғи куйгандек кўкда бўзтўргай  
Кўналға тополмай айланар гир-гир.

Куёш иссиғидан беҳузур бўлиб  
Дехқонни сояга бир дам имласам,  
Қоп-қора униқиб, шунда ҳам кулиб,  
Қуёш ҳам ғанимат деярди шу дам.

Дўзах оташининг ичида ёниб,  
У-чи бўлар эди жаннат яратмоқ.  
Куёш боқар эди ҳайратда қолиб,  
Оташда пахталар очилса оппоқ.



Оловадан чўчиса эди Прометей,  
Хом эт еб ўтарди дунёда инсон.  
Қуёш яллиғидан қочганингда, ҳей,  
Дўстим бўлолмасдинг, пахтакор дехқон!

Дехқон, таърифингни сўйламай қанча,  
Кимлигинг қанчалар айламай баён,  
Кузакда етилган ҳар кўсак-ғунча  
Сенинг меҳнатининг ажойиб мезон.

О, дўстим, пахта бу — мўъжиза, бир  
Пахта бу табиат яратган жумбок,  
Кўзингни юмдингми гўзалар ахир  
Тонгдан мени тер деб очилар оппоқ.

Бир кунмас, ҳафтамас, бутун ўйл бўйи,  
Гўзалар бир нафас кўзин юммайди.  
Шунда бўлар бутун дехқоннинг ўйи,  
Уни бир нафас ҳам холи қўймайди.

Кузинг ноз-неъмати пишиб, етилиб,  
Тўкин дастурхонга ёзилганда ҳам  
Кўкка булат чиқса, чордана қуриб,  
Чой ҳам ичолмайсан ҳатто хотиржам.

Биламан сен қўёш нури ошифи,  
Ўзинг ҳам, пахтанг ҳам йўғрилган  
нурга.  
Азиз пахтакорим, меҳнат довруғи,  
Қуёш ҳамроҳ бўлсин бутун умрингга.

шоир тафаккурида пишиб турган  
ижодий ниятни алангалингани  
маълум. «Россия» достонининг узвий  
давоми бўлган — рус ва ўзбек  
халқларининг бузилмас дўстлигини  
тараннум этувчи «Икки қоя» достони  
бош қаҳрамонларининг ҳам прототиплари бор.

Шукрулло ўзбек драматургиясининг  
сўнгги босқич ривожида ўз ўр-  
нига эга бўлган адилардан бири.  
Унинг «Хатарли йўл», «Табассум ўр-  
рилари», «Тўйдан кейин томоша»  
сингари драмалари Ҳамза театрида  
муваффақият билан саҳналаштирилди.  
Аслида шоир Шукруллонинг драма-  
тургияяни кириб келишининг ҳам ўз  
ҳаётини асослари мавжуд. У урушдан  
сўнгги уч-тўрт ўйл давомида ўзбе-

кистон Ёзувчилар союзи қошидаги  
драматургия секциясига раҳбарлик  
қилди. Шу ўйлар давомида драма-  
тургия сирлари билан яқиндан та-  
нишди. Узоқ ўйлар мобайнида юраги-  
га туғиб юрган фикрлари эса ҳаёт-  
даги прототипларнинг кучли турт-  
киси ва таъсири туфайли ўн беш ўйл  
чамаси ўтгач, юзага чиқди. Унинг  
сўнгги — «Үргани қароқи урди»  
комедияси ҳам реал қаҳрамонлар  
замерида майдонга келди. Шукрулло  
узоқ ўйлар давомида ҳаёлида пи-  
шиб етилган драма сюжетини дўстла-  
ри Мустай Карим ва бошқа бир  
гурӯҳ атоқли ижодкорларга сўйлаб  
беради. Улар эса: «Асар деярли  
тайёр бўлибди» деган фикри айта-  
дилар. Драма қофозга тушади.

Сўнгги ўйларда шоир Шукрулло  
истеъодининг янги қирралари на-  
моён бўла бошлиди. Катта ҳаётий  
тахриба натижаси ўлароқ, унинг  
«Жавоҳирлар сандиги» номли насрой  
асари майдонга келди. Ўзининг жан-  
ри, поэтикаси жиҳатидан ўзбек ада-  
биётидаги деярли ягона бўлган ижод,  
ҳаёт ҳақидаги чуқур бадий мушоҳа-  
далардан, устоzlар ҳақидаги ёниқ  
хотиралардан иборат бўлган бу халқ-  
чил асар ўзбек адабиётини янада  
бойитди. У «Дружба народов» жур-  
налида ҳам эълон қилинди. Москвада  
катта тиражда алоҳида китоб  
ҳолида босилиб чиқди. Бу асар му-  
аллифинг сўнгги ўйларда Москвада  
чиқкан бир қатор тўпламлари билан  
бирлашиб, Шукрулло номини Итти-


Яна баҳор келди. Олам яшнади.  
Күшлар дов-дараҳтга қайта кўяр ин.  
Содда мусича-чи, кейин, ўйламай,  
Тарновга тухумин солади лекин.

Шу бир парранданинг тақдирига ҳам  
Кўзи тушганиларнинг ачийди жони.  
Ахир ким ҳам истар чирқирашига  
Бевақт бузилганда унинг макони.

Инсон табиатан шундай меҳрибон,  
Унинг бардоши йўқ асло жабрга.  
Қушга ҳам истамас бевақт завонни  
Қаріб кирсам, дейди, ўзи қабрга.

Одамнинг тоқати етмайди бальзан  
Бир қушнинг нолиши, чирқирашига.  
Ёмғир ювасин деб чекади афсус —  
Содда мусичанинг қилган ишига!

Лекин асло сиғмас тасаввуримга,  
Ишонгим келмайди шундай бир одам,  
Наҳот, бир-бирига кўтарса қилич,  
Жангу жадаллардан маъласа оғром!?




## Афсус

Дўстим, афсус чекма кечган умрга,  
Ёшлиқ ҳам ўтди деб қилмагин армон.  
Ахир тўкин куздек бурканиб нурга  
Келган кексаликнинг нимаси ёмон!

Албатта, ёшлигу кексаликнинг ҳам  
Турфа фасллардек — ўзин гашти бор.  
Меҳнатни уddyалай олмаган кўклам  
Кузга етганида бўлмас миннатдор.

Минг-минг афсус чекиши ўтган умрдан,  
Оҳу нола қилмоқ ёшлиқни кўмсаб,—  
Кўкламда бир ишни уddyаломаган  
Дехқоннинг куздаги афсусидек гап!



фоқимиздаги пешқадам сўз усталари  
қаторига қўши.

...Халқимизнинг севимли адиби ва  
шоир Шукрулло бугун айни навқи-  
рон — 60 ёшда. Шеърларининг бири-  
да у шундай деган эди:

Бутунгидан яқинидир қалға  
Эрта ёзмоқ бўлганинг асар.

Қалбини халқининг ташвишлари  
сарафроз қилган, «Орзиймидир ме-  
нинг — бир умр, Мисралар-ла олиш-  
лик нафас» деган фикрни ҳаётининг  
аъмоли қилиб олган, халқи ардоғига  
сазовор ижодкорга янгидан-янги  
муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**  
филология фанлари кандидати

# БҮЮК ҒОЯЛАР ЖАРЧИСИ

ФАЙЗУЛЛА ХҮЖАЕВ АСАРЛАРИНИНГ УЧ ТОМЛИГИ  
НАШР ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбек халқининг содик фарзанди, атоқли партия ва давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг номи бутун мамлакатимизга маълум. У довюорак инқилобчи, ленинчӣ большевик, жанговар саркарда, иштөдодли тарихчи, публицист сифатида халқ ёдида қолган. Республикализмнинг инқилобий тархи саҳифаларида В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Н. В. Шумилов, А. Икромов, Й. Охунбобоев сингари революционерлар сафида Файзулла Хўжаевнинг ҳам ўрни бор. Ўзининг бутун онгли ҳаётини ҳамда ижтимоий фаолиятини партия ва халқ манфаати йўлига қаратган Файзулла Хўжаев бундай деб ёзган эди: «Мен обрўга ва ўзимдаги бошқа ҳамма нарсаларга партия туфайли эришдим. Шунинг учун ҳаётим совет халқига ва партиямизга мансубдир».

1927 йили у: «Мен ўттиз йиллик ҳаётимнинг ўн тўрт йили давомида революционерлар сафида турив реакцияга қарши курашдим, коммунистик революция учун ишладим. Ўйлайманки, ҳаётимнинг қолган қисми ҳам ишчилар синфи ва Коммунистик партия ишига бутунлай бағишланади», деб ёзган эди.

Файзулла Хўжаев ёшлигидан жабр-зулм чеккан халқ оммасини амир зулмидан озод қилиш учун курашдек оғир ва мураккаб йўлни ташлади. Ўн-ўн бир яшар чоғидаёқ (1907—1912 йилларда) Москвада таълим олган ёш Файзулла аввал Бухорадаги илғор зиёлилар ҳаракатига қўшилди. Мустамлакачилик зулмига, амирликнинг феодал асоратига қарши, меҳнаткаш халқ оммасини зулм ва истибоддод исканжасидан

озод қилиш йўлида мардонавор кураш олиб борди.

Инқилобчи ва смёсий арбоб Файзулла Хўжаевнинг кўп қиррали фаолиятида ҳужумкор тарғибот ва ташвиқот, журналистик ҳамда публицистик ижод муносиб ўрин эгаллайди. У публицист ва нотиқ сифатида мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига доир ўнлаб мақолалар ёзи. 20-йилларда Бухорода нашр этилган «Бухоро ахбори», «Қутулиш», «Озод Бухоро», «Тонг» ва Тошкентда босилиб, Бухорода тапқатилган «Учкун» каби газета ва журнал саҳифаларида кўплаб мақолалари босилди. Айниқса, Бухоро матбуоти тархи Файзулла Хўжаев номи билан узвий боғлиқдир. Публицистнинг «Бухорони озод қилиш ва ҳурлиқ йўллари», «Шу куннинг вазифалари», «Ҳақиқат

тантана қиласи», «Хуррият бўлди», «Муқаддас Иттифоқ», «Қизил Россия ва байнанхалқ инқилоб», «Навбатдаги вазифалар», «Қизил қўшин — мамлакатининг ҳомийси» каби мақолалари давр учун жуда характерлидир. Файзулла Хўжаев ўзининг бир қанча мақолалари, сұхбатлари ва нутқларини марксизм-ленинизмнинг ўлmas таълимотига, пролетариатининг улуғ доҳийси В. И. Ленин, Буюк Октябрь инқилоби ҳамда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳаётбахш фаолиятига бағишилади.

Маълумки. Файзулла Хўжаев халқни амир зулмидан озод қилиш учун 1918 йилнинг баҳорида амирлик салтанатига қарши ҳужум уюштирган, лекин бу уриниш ижобий натижага бермаган эди. Шундан кейин Файзулла Хўжаев ўз тарафдорлари билан амир таъкиби ва қувғинига учради. Амир уни сиртдан ўлимга ҳукм қилди. «Бухорода мутаассиб руҳонийлар Регистон майдонидаги ўн мингга яқин кишини тўплаб, мени қатл этишини амирликнинг даъватига биноан талаб этмоқда эди», деб ёзган эди Ф. Хўжаев. Аммо курашчан инқилобчини бу таъкиб ва қувғинлардан чўчимади. Аксинча, у халқ озодлиги, революция ғалабаси учун курашда тажриба ортириб, фаолиятини мардонавор давом этирги. Бухоро коммунистлари, воҳа меҳнаткашлари М. В. Фрунзе, В. В. Куйшибов раҳбарлигига, шонли Қизил Армия ёрдамида 1920 йили амирлик салтанатини ағдариб ташладилар. Бухоро арки узра революция қизил байроби ҳилпиради. Бу ҳал қилувчи курашда Файзулла Хўжаев фаол иштирок этди. Бухорода ғалаба қилган халқ инқилобидан кейин ўлгада ташкил топган Бухоро Халқ Совет Республикасининг Халқ Комиссарлари (Нозирлари) Советининг раиси лавозимида 24 яшар Файзулла Хўжаев сайланди. У бу масъул лавозимда катта фаолият кўрсатиб ишлади.

Бухорода халқ совет тузумини мустаҳкамлаш, ички ва ташки душманларга қарши кураш, республика экономикаси ва маданиятини юксалтириш Файзулла Хўжаев номи би-

## УМИДЛИ ИЖОДКОР

СССР Ёзувчилар союзи правление-сининг биринчи секретари Георгий Марков СССР Ёзувчиларининг VII съездидаги правление номидан қилган ҳисобот докладидаги кўпмиллатли совет адабиётининг бугунги камолоти ҳақида тўхталиб, бундай деди: «Ҳозир етмис етти тилда яратилаётган адабий асарлар улуг совет адабиётини

нинг кўп овозли хорида жаранглаб янграгоқда». Дарҳақиат, бу кўп овозли хорнинг қудратли жарангидаги бутун дунёга таралмоқда. Ана шу кўп овозли хорда қрим-татар адабиётининг ҳам ўзига хос жарангига мавжуд. Бунда, хусусан, кейинги йилларда адабиётга дадил кириб келган бир қанча ёшларнинг сезиларли хизмати борлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шундай иштөдодли адаблардан бири Эмил Амитдир.

Эмил Амит номи кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Унинг асарлари танқидчилик томонидан ижобий баҳоланмоқда. Бу ёзувчининг асарларидаги ғоявий мунносаблил, самимийлик, қаҳрамонлар характеристидаги фидойилик ва келажакка бўлган ишонч, бой ва жонли адабий тил ўқувчи эътиборини тортади. Унинг

ҳикоя ва қиссаларининг дикқат марказида совет кишиси, унинг тарихий тақдиди, ички маънавий дунёси туради.

Э. Амит асарларидаги воқеалар асосан Ўзбекистон ва Кримда кечади. Қаҳрамонлари эса замондошларимиз — пахтакорлар, чўпонлар, зиёлилар, уруш ветеранлари. Яъни ёзувчининг ўзи билган, кўрган, сұхбатлашган кишилар. Қаламга олган мавзулари ҳам умумбашарий: адаб Ватанга, она юртга, табиатга бўлган бекиёс мөхр-муҳаббатни, дўстликка садоқат, одамийлик ва инсонпарварликни улуғлади, одамзодга нимаини ёт бўлса, унга нисбатан аёвсиз нафрат билдиради, айниқса, урушни лаънатлайди ва унга йўл қўймаслик учун курашиш зарурлигини бадиий таъкидлайди.

Шу нуқтаи назардан, унинг «Қайтиш» қиссаси дикқатга сазовордир. Фашистлар концлагеридаги майбемажруҳ қилинган, қарип-қартайтади. Болалари ўсиб улгайган, эри бошқага ўйланган. Фарзандлари билан учрашиш аёл ҳаётининг мазмунига айланаб қолади. Бу ихчам қиссада табаррук инсон — она мұҳаббати, инсон тақдиди ва иродаси, сабр-қоат ва нафрат она образи таънинида анча жонли ечиб берилади. «Севгидан кучли», «Жар ёқасидаги йўл» тўпламларига кирган ҳикояларидаги ҳам уруш ветеранлари, урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган фарзандлари доғида куйиб ўтаётган оналар образи типик шароитда, драматик вазиятда талқин этилади. Ҳикоялардаги воқеалар турли жойда ва турли вақтда бўлиб ўтади, қаҳрамонларнинг характеристи ва ёшлар ҳам ҳар хил, аммо авторнинг ғоявий мақсади уларни бирлаштириб туради. Чунки ёзувчини баҳт ва адолатнинг бадиий-фалсафий таҳлили, жамият ва шахс, она билан фарзанд ўзаро муносабатлари қизиқтиради. Шу сабабли адаби бу мақалаларни ёритишига, типик образлар яратишга ва бу образларни типик шароитда ечиб беришга интилади.



лан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабдан у 1924 йилда ташкил топган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси қилиб сайланди.

Файзулла Хўжаев ёш республика халқ ҳўжалигини тиклаш, ер-сув ислоҳоти ўтказиш, маданий инқилобни авж олдиришда жуда катта ташкипотчилик, партияий-сиёсий фаолият кўрсатди. Партия ва давлат ишлари билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, кўпигина илмий-назарий мақолалар ёзи. Унинг Ўрта Осиё тарихига, Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бағишланган «Бухоро инқилоби тарихига доир», «Ўрта Осиёда революцион ҳаракат очерклари» тўпламларида «Бухоро ва Хоразм революцияларининг ўн йиллигига доир», «Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тўғрисида», «Қурилишимизнинг муҳим вазифалари» каби йирик ва муҳим мақолалари босилган эди. Улар ҳали ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Маълумки, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1967 йил 28 февралда атоқи давлат арбоби, оташин инқилобчи, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси Файзулла Хўжаевнинг хотирасини аబдийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шундан сўнг ЎзССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг колективи Файзулла Хўжаевнинг уч томлик танланган асарларини ўзбек ва рус тилларида нашрага тайёрлаб, «Фан» нашириётида босиб чиқарди.

Файзулла Хўжаев танланган асарларининг I томига унинг революцион ва давлат фаолиятининг илк даврига (1920—25) оид асарлари, яъни «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиш тарихига доир» деган йирик асари ҳамда Бухоро революциясига, Бухоро Халқ Совет Республикасига ва Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараланишига бағишланган бир қанча рисолалари, мақолалари, докладлари, сұхбат ва нутқлари кири-

тилган. Булардан ташқари, Файзулла Хўжаевнинг Коммунистик партия ва совет давлатининг Г. Оржоникидзе, А. Луначарский, Я. Рудзутак, Л. Карабахан, Д. Гоннер каби арбобларига ёзган мактублари, ҳужжатлари ҳам мазкур томдан ўрин олган.

Файзулла Хўжаев танланган асарларининг II томи эса унинг Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимида ишлаган даврларни (1925—37) ўз ичига олади. Бу даврда социалистик Ўзбекистоннинг тарихи, саноати, экономикаси, маориф ва маданиятини акс этирувчи асарлари ҳамда съездларда, пленум, сессия ва йиғилишларда қилган докладлари, сұхбатлари, сўзлаган нутқлари мазкур китобда жамланган.

Файзулла Хўжаев асарларида мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини социалистик негизда қайта қуриш учун олиб борилган кескин синфий жанглар даврида қурдатли Совет давлатининг иқтисадий сиёсати атрофлича чуқур таълил қилиб берилганини кўрамиз. Жумладан, «Ўзбекистон ССРнинг ҳўжалик аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлар», «Қураш ва қурилишларнинг ўн йили», «Ўзбекистон халқ ҳўжалиги», «Ўзбекистон ССР ташкил топганининг беш йиллигига доир» каби бир қанча асарлари характеристидир.

Файзулла Хўжаев танланган асарларининг III томи асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унга авторнинг 1931—37 йиллар мобайинида ёзган асарлари, съезд, пленум ва сессияларда қилган докладлари, хисоботлари, қатор ёзишма ва мактублари кирилган. Унинг «Ўзбекистондаги социалистик қурилишнинг икки йили», «Қурилишимизнинг муҳим вазифалари тўғрисида», «Галабаларнинг ўн йили», «Улуғ галабалар тантанаси», «Социалистик Ўзбекистон юксалишда (1930—37)» каби кўплаб асарлари ўзининг оригиналлиги, хилма-хил факти материалларга бойлиги билан ҳанузгача ўз қимматини йўқотмаган.

«Орадан яна бир-икки йил ўтмасиданоқ,— деган эди Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишига бағишланган бир қанча рисолалари, мақолалари, докладлари, сұхбат ва нутқлари кири-

лашиши тўғрисида 1934 йил 5 сентябрда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг пленумида «Галабаларнинг ўн йили» мавзуида қилган докладида,— шаҳарларимиз, қишлоқларимиз бутучлай таниб бўлмайдиган бўлиб қолади. Урушдан олдинги йилларда, революциядан олдинги вақтларда Ўрта Осиёга келиб кетган киши уларни таниши анча қийин, чунки икки беш йиллик натижасида жуда катта индустрисал корхоналар вужудга келди; беш йилликнинг тўнгичи бўлган Чирчикстройни куриб битказалим, жуда катта Тошкент тўқимачилик комбинациинг биринчи нахбатини қуриб битказиша ишга тушириш билангини киояланни қолмасдан, унинг иккичи нахбати ҳам ривожлантирилади, Олмалиқстройда қурилиш ишлари авж олдирилиб юборилди.

Пўлат иродали, ленинчи коммунист Файзулла Хўжаев социалистик диёримизни доимо ўсишда, ривожланишда кўришини орзу қилар, бу яхши ният ва орзуларга етишиш учун доимо ҳалқни кўтарини меҳнат зафарларига даъват этар эди. Ў қурилишимиз ва социалистик бунёдкорликнинг турли жабҳаларида меҳнаткаш ҳам билан бир тану бир жон бўлиб ғайрат кўрсатган эди. Ленинча принципиаллик, ленинча камтарлик унинг бутун иш услугида қизил ипдай кўзга ташланиб турарди.

Шуни айтиш керакки, Файзулла Хўжаевнинг яна анча-мунча асарлари, мақолалари, хатлари томларга кирмай қолган. Айниқса, унинг адабиёт ва санъат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, тақризлари муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, Файзулла Хўжаев С. Айний каби илғор фикрли адаблардан ўз вақтида моддий ва манавий ёрдамини аямаган. Унинг маслаҳати ва яқиндан ёрдами туфайли С. Айний ўзининг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», «Тожик адабиётидан намуналар» каби йирик асарларини Москвада 1926 йили нашр эттириди. Ф. Хўжаев ўзининг «Бухоро инқилоби тарихига доир» асарида С. Айний ижодига тўғри ва

юксак баҳо берган эди. Айни вақтда, биринчилардан бўлиб, С. Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» номли асари ҳақида ўринли тақиқидий мулоҳазалар ҳам билдириган эди. Ф. Хўжаевнинг айнича «Одина» повести хусусида билдириган фикр ва мулоҳазалари муҳимдир. «Одина»ни синчилаб ўрганиб, асарнинг ғоявий ва бадий хусусиятларини юксак баҳо берган эди. «Садриддин Айнийнинг бу повести,— дейди у,— тохик ҳалқининг ҳаёти ва турмуш шароитини бадий ифода этишига қаратилган дастлабки урнишдир. С. Айний ўз асарида мутлақо ҳуқуқсиз бўлган, шафқатсиз эксплуатацияга маҳкум этилган юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳақоний тасвиirlab беради».

Албатта, Файзулла Хўжаевнинг ноёб ва унунтилган асарларини архив материаллари асосида тиклаш, аниқлаш, тўплаш ва нашрага тайёрлаш катта меҳнат талаб этади. ЎзССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ижодий колективи бой ва ранг-баранг меросни ҳалқимизга етказиш учун катта фаолият кўрсатиб ишлагани билиниб туриди.

Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирӣ, Абдулла Авлоний, Пайрав Сулаймоний, Абулқосим Лоҳутий каби ўзбек ва тохик ёзувчилари билан ҳам дўстона муносабатда, мулоҳотда бўлган, уларга қимматли фикр ва маслаҳатлар берган. Масаланинг бу томонлари ҳам китобдан ўрин олган фойдадан холи бўлмас эди.

Инқилоб чавандози Файзулла Хўжаев асарлари уч жилдигининг рус ва ўзбек тилларида нашр этилиши маданий ҳаётимизда муҳим воқеадир. Бизнинг истагимиз шуки, йирик партия ва давлат арбобининг бу жилларга киритилмаган асарлари — рисола, мақола, доклад, сұхбат ва ёзишмалари ҳам китобхонга етказилса, Ф. Хўжаев ҳақида замондошларининг фикрлари, хотиралари ҳам тўпланиб нашр этилса, айни муддао бўлар эди.

Мажид ҲАСАНОВ,  
Филология фанлари кандидати

Э. Амитнинг «Қизил салла» қиссаси шуҳрат қозонди. Асар дарҳол рус, озарбойжон, молдаван, ўзбек тилларига таржима қилинди. Қиссада бош қаҳрамон Абдулла ҳаётини билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Абдулла урушнинг ўз қаҳрамони, қийин шароитда ўз жонини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, колхоз молларини сақлаб қолган жасур бола. Унга бир партизан беш қиррали ўлдузча тақдим этган. Шунинг учун Абдулла уни доимо тақиб юради. Қиссада берилган барча ҳикояларда болаларга бўлган муҳаббат авлодлар ворислиги гимни сифатида жаранглайди. «Қизил салла» қиссаси кўпгина бобларга бўлинган, унинг ҳар боби ўзича мустақил ҳикоялардан иборат. Лекин улар барчаси бир даста гулга ўхшаб, бир-бирини тўлдиради. «Қизил салла»нинг ғоявий-бадий қимматига машҳур ёзувчилар ҳам катта баҳо бердилар. Л. Воронкова мазкур китоб ҳақида кўйидагиларни ёзди: «Қисса ёрқин, аниқ, ишонтиарли. Одамлар жонли, улар гўзал, характерларни ёрқин. Анвар ва Энвер, Абдулла-Юлдузча ва Ражаб, Саттор оға ва Анор буви эсад қоларли. Мен уларнинг ҳаммасини кўриб тургандек бўламан, улар менга та-

ниш ва жуда гўзал кўринадилар. Бирор жойда юзакиликни, сунъийликни ҳис қилмайди киши». Эмил Амит ўзининг қиссасида,— деб ёзади ССРДавлат мукофоти лауреати А. Мусатов,— олижоноб ва ҳалол меҳнат ҳақида, кишига қанот баҳш этувчи беғубор табиат ҳақида, жасурлик ва ҳақиқатга чанқоқлик ҳақида гапиради.

Э. Амитнинг ижодига хос бўлган характеристири хусусиятлардан яна бири — унинг совет ҳалқлари дўстлигига ва қардошлигини зўр меҳр-муҳаббат билан тараннум этишидир, десак, муболага қилмаган бўламиш. Чунки, бу дўстлик жангни жадалларда тобланган, янги ҳаёт учун курашларда чиниқкан, метиндеқ мустаҳкам бўлиб, совет ҳалқининг монолит бирлигини ифодалайди. Улуғ Октябрдан нур эмб камол топган бу дўстлик бугунги кунда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет ҳалқини шакллантириди. Ривожланган социализмнинг буюк ютуғи ҳам шунда. Ана шу дўстликнинг буюк куч-кудратини кўрсатишни Эмил Амит ижодигин лейтмотиви бўлиб қолди. Айниқса, унинг кейинги асари «Кийик булоқ»да бу ҳол аниқ ва равшан кўринали.

«Кийик булоқ» ёзувчи ижодий камолатга эриша бораётанини кўрсатди. Унда инсоннинг буюклиги, одамийлиги кўйланади. «Совет қишиларини олий мақсад бирлаштирган, ҳеч қандай куч уларни енга олмайди». Бу фикр асарнинг барча бобларига сингиб кетган. Асарнинг асосий қаҳрамони профессор Бекир Асановиҷ илмий-технишири институтидаги лаборатория бошлиғи бўлиб ишлайди. Унинг ҳаёт йўли драматизмга тўла. У чўлда тажриба ўтказётганида, институтга ҳақириб қолишиади: ГФРдан мутахассислар келишиб, Бекир Асановиҷ олиб бораётган ишлар билан қизиқиб қолишибди. Буни эшитандан сўнг, асирликдаги ҳаёт кўз олдига кела бошлайди. Гарб селекционерлари билан сұхбат ўтказиб турганда, хотини қўнғироқ қиласиди: унинг қизидан ҳат келган эмиш.. Унинг ҳеч қандай қизи йўқ эди-ку?!. Вокеана шу тарзда ривожланиб кетади. Ҳат унинг ёшлигини эсга солади: Люба билан ўтган ширин дамлар... Отасининг янги буғдой нави етишириш ўйлида сарфлаган меҳнатлари, урушдан олдин юртида бўлиб ўтган воқеалар...

Асар конфликтини икки дунё, икки

система, икки ҳил ҳаравидаги кишилар ўтасидаги кураш ташкил этади. Бу курашда энг адолатли тузум бўлган социализм ғалаба қозонади.

Адабнинг бошқа асарларидаги каби, «Кийик булоқ» конфликтни тадрижий тарзда кескинлашиб боради, автор қаҳрамоннинг руҳий кайфиятини, ижодий ва салбий ҳақрамонлар ҳарактерларини мөҳирона тасвиirlайди. Асосий қаҳрамон хатти-ҳаракатиди, воқеаларга бўлган муносабатида ҳозирги замон кишислига хос фазилатларни мужассамлаштиради.

Эмил Амит ажойиб таржимон ҳамдир. У ўзбек, туркман, татар, чуваш тилида чоп этилган асарларни рус тилига таржима қилимади. С. Аҳмаднинг «Уғф» трилогиясининг иккичи китобини, Мирмуҳсиннинг «Умид», «Дегрез ўғли» ва «Чотқол йўлбарс» романларини рус тилига таржима қилди.

Хуллас, айтиш керакки, Эмил Амит ҳозирги замон қрим-татар адабиётининг умидли ижодкорларидан бири саналади. Унинг ғоявий-бадий жиҳатдан пишиқ бир қатор асарлари фикримизнинг тасдиғидир.

Абдулла БАЛИЧ

# ОТ ҰРНИНИ ТОЙ БОСАР

**К**ИШЛОҚ хұжалик ишлаб чиқаришини индустрималь асосға қуриш жараени да тармоқлар күлами тобора кенгаймоқда. Айниңса, партия ва ҳумуматтимиз аграр сиёсатининг изчил амалга оширилиши натижасыда хұжаликтарнинг мұйыян соҳалар бүйіча ихтисолаштырылышы вә агросаноат бирлашмаларининг ташкил этилиши озиқ-овқат программасыннан мұваффақиятта ҳал этилиши учун пухта заман яратмоқда.

Кишлоқ хұжалигининг етакчи тармоқлардан бұлған чорвачиликнинг мікесін үсіб бораётір. Масалан, кейнги йилларда республикамызда үнлаб балиқчылық, қүёнчилік хұжаликлари, үрдакчылық комплексларыннан вүзугда келиши яхши самара бермоқда. Лекин нимагадир чорвачиликнинг қадимғы мұхым тармоқлардан бири — йилқичилік сүст ривожланыётір. Этироф этиш керакки, унға етарли әထибор бермаялмиз. Тұғри, илмий-техника тараққиети йилқилардан транспорт воситаси сифатыда фойдаланыши чеклаб қўйди. Лекин бу билан йилқичилікнинг ахамияти камайған эмас. Зоро, йилқичилік мұл гүшті ва қимиздек шифобашх ичимлик этиштириш манбаидар.

Сүнгги йилларда йилқилар сони камайди ва хұжалиларда йилқичилікнинг чорва тури сифатидаги салмоги бирмұнча пасайб кетди. Фактларға мурожаат қиласыз. Агар республикамыз хұжалиларда 1941 йили йилқилар сони 456,8 минг бөшни ташкил этган бұлса, сүнгги йилларда келиб уларнинг сони 83,8 минг бөшнеге тушиб қолды.

Шуны таъкидлаш керакки, йилқичилікнинг халқ хұжалигидаги ахамияти күп қирралыдир. Уннинг қишлоқ хұжалигига енгіл ва қулай транспорт воситаси, геологик қидириүв партияларыда (айниңса автомобилларда юриш имконияты бўлмаган жойларда), илмий экспедицияларда иш кучи сифатидаги салмоги катта. Йилқи гүшті ва сутидан озиқ-овқат саноати корхоналарыда эса қази, колбаса, шифобашх қимиз тайёрланади. Гүштдор ва наслдор отлар экспорт қилиш учун ҳам бокилади.

Бундан ташқари, ҳар бир халқнинг анъанавий үрф-одатлари бор. Үзбек халқи улоқ чопиши — күпкарини, от пойгасини спортнинг қадимий түри сифатида эзозлаб келади. Қадимдан йилқи асрашга одатланған халқимиз чавандозлик саньатини гүзіллік намойиши даражасында күтартғани ҳеч кимга сир эмас.

Тұғри, йилқичилікка әထибор батамом сусайб кетганий үйк. Уннинг хұжаликдагы күл томонлама ахамиятины ҳисоба олиб, республикамызда 70-йилларда ихтиослашынан совхозлар ташкил этилди. Масалан, Сурхондарё областининг тоғли Бойсун районидаги «Сайроб» совхозы базасыда 1970 йили «Дарбанд» йилқичилік совхозы барпо этилди ва унга 56,5 минг гектар ер ажратыб берилди. Хұжалик дастлабки йилдағы әриштан натижалар дуруст бўлди, йилқилар сони 1 минг 8 тага, биялар сони 207 тага етди. Қулуң олиш плағни иккى баравар (104 бош ўрнига 216 бош) ошириб бажарилди. Совхозда 40,1 тонна йилқи гүшти етиштирилди.

Бироқ «Дарбанд» совхозыда йилқичилікни ривожланытиш, қимиз тайёрлаш тадбирлари ишлаб чиқылған бўлса-да, бу режалар ҳали ҳам изчил амалга оширилмаётір. Совхозда йилқилар сони деярли кўпаймади, йилқи гүшти етиштириш ҳажми камайди, қимиз ишлаб чиқаришда ҳам силжиш бўлмади. Саккиз йил ичиде хұжаликда йилқилар сони атиги 30 бошга ошиди, холос. 1978 йилда хұжалик дастлабки йилдагига нисбатан йилқи гүштини 4 тонна кам тайёрлади. 1979 йилда 250 бош биядан 120 тонна сут соғиб олиш ва қимиз тайёрлаш керак бўлган ҳолда атиги 50 бош биядан сут соғиб олинди.

Назаримизда, бу ҳолат хұжаликни ихтиослаштырышдаги пала-партийлик оқибатидир. Мазкур хұжаликда йилқи билан ёнма-ён 4 минг бөшдан ортиқ қорамол ва минглаб эчки бўлмоқда. Хұжалик раҳбарлари эса йилқичилік бир ёқда қолиб, бошқа параллель тармоқларни ривожланытишга кўпроқ әထибор бермоқдалар. Ҳолбуки, ҳозирги илмий-техника тараққиети ҳар бир хұжаликни маълум тур маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтиослаштыришни тақозо этади.

Хұжаликдаги бошқа тур соҳалари эса асосий тармоқнинг ривожланышига хизмат қилмоғи лозим. Мавжуд йилқиларни хиллаб парвариша, уларнинг зотини яхшилаш, бияларни озуқа рационы ва нормаси бўйича боқиши, маҳсулот ишлаб чиқаришини саноат асосига күйиши тадбирларини изчил амалга ошириш керак.

Шу йил июнь ойида КПСС Марказий Комитети ва ССР Министрлар Совети йилқичилікни ривожланытиш ҳақида маҳсус қарор қабул қилдилар. Бу мұхим ҳужжатда қишлоқ хұжалик ишлаб чиқариши индустрлашынан ҳозирги шароитда ҳам йилқичилікни ривожланытиш мақсадга мұвофиқ эканлиги таъкидлаб кўрсатилди ва чорвачиликнинг бу соҳасини тараққиети етиши учун хусусан РСФСР, Ўзбекистон, Қозогистон ва Тожикистан республикалари хұжаликлари шароит мавжудлиги қайд этилди. Қарорда йилқичилікни ривожланытиш асосида гүшт ва қимиз етиштиришни кўпайтириш, от спортини яхши йўлга күйиши вазифалари белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, йилқичилікни ривожланытиш ишига чорвачиликнинг сердаромад тармоқлардан бири сифатида комплекс ёндашмоқ керак. Барча партия ва совет органлари, айниңса плантацияларни ташкилотлари бу иш билан жиддий шуғуланишлари лозим. Ҳолбуки, плантацияларни ташкилотлари хұжаликлардаги ва шахсий йилқилар сони билан қизиқмайдилар. Гоҳ шундай ҳам бўладиди, от асраган хонадонларга мөъридан ортиқ гүшт солиғи солинади. Бу нарса эса, уларнинг шахсий от асрашга бўлган қизиқишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бизнингча, республикамызниң мураккаб рельеф формаси (тоғ ҳамда яловларнинг кўплиги) йилқичилікнинг транспорт воситаси сифатидаги ахамиятини ҳам камайтиргаслиги лозим. Мазкур соҳа яхин 20—30 йил ичиде республикамиз территориясидаги баланд тоғ ён бағирлари ва мавжуд адирларни ишлаб чиқариш тасарруғига киритиш, бу территорияларда деҳқончилик, бодорчиллик, узумчилик ва чорвачиликни ривожланытириб, йилқилардан транспорт воситаси сифатидаги фой-

даланиши кенг йўлга қўйиш имконини беради. Партия ва ҳукуматимиз қарорида таъкидланғанидек, йилқичилікни гүшт ишлаб чиқариши кўпайтириш учун ҳам ривожланытиш мақсадда мұвофиқдир. Бунинг учун йилқичилік фермаларида йилқиларни хиллаб — гүшт етиштиришга мўлжалланған ёш йилқиларни алоҳида рацион билан боқиши лозим.


Йилқичилікнинг қимиз ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳам алоҳида әထиборга молик. Шу нарсаны қайд қилиб үтиш керакки, Иттифоқимизда ҳозирги вақтда беморларни қимиз билан даволайдиган йигирмадан ортиқ шифохона бор. Булардан энг машҳурлари Бошқирдистон АССРдаги Шафраново, Қозогистон ССРдаги Боровое, Оренбург обlastидаги Фрунзе номли, Қирғизистондаги Иссиккүл шифохоналаридир. Уфа, Қарағанда, Олмаота, Фрунзе ва бошқа шаҳарларнинг озиқ-овқат магазинларида ҳамиша қимиз сотилади. Республика миңде йилқичилікни ривожланытиш асосида қимизни кўпроқ ишлаб чиқариши имкониятлари мавжуд. Агар шу имкониятлардан ҳам унумли фойдалансак, нур устига аъло нур бўлур эди.

Халқаро бозорда қорабайир отларимизга талаб тобора ортиб бораётганини назарда тутиб, наслдор отларни кўпайтиришга ҳам жиддий әထибор бериш лозим.


Йилқичилікни ривожланытиш от спорти равнақига ҳам кенг имкониятлар очиб беради. Зоро, спортнинг бу тури ёшларимизнинг жисмоний жиҳатдан соғлом бақуват бўлиб камолга етишувида мұхим омилдир. Сурхондарё обlastининг Сариосиё, Денов районларида от спорти клублари ташкил этилганлиги бежиз эмас. Мазкур клубларга зотли отлар таъкидлаш керак. Йилқичилікни ривожланытишга ҳам мунтазам ўтказиб турлади.

Қисқаси, республикамызда бир пайтлар чорвачиликнинг фахри ҳисобланған йилқичилікни ҳар томонлама ривожланытиш партияның XXVI съездиде қарорларида ўз ифодасини топған аграр сиёсат мөхиятидан келиб чиқаётган мұхим вазифадир.

Абдумүмин РУЗИЕВ,  
Шодмонай РУЗИЕВА



Аргимонлар — яйлов нұрни.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ ва Н. ШАРИПОВ фотолари

# «ҚУТАДГУ БИЛИГ»

Жаҳон адабиёти тарихида шундай асарлар борки, улар ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра, мўайян ҳалқ тафаккурни ифодалашларига қарамай, умумжаҳон маданияти хазинасидаги энг ноёб дурданалардан ҳисобланадилар. Қадимги ҳинд эпоси «Маҳобхората», Гомернинг «Илиада», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Гётенинг «Фауст» каби обидалари шундай асарлардир. Қамрап олинган масалаларнинг беҳад кенглиги, умуминсоний ғояларнинг фавқулодда теран ифодаси, жамият ҳодисаларига холисона муносабат ва айни пайтда, мазкур жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан норозилик, ундаги салбий ҳодисаларга муросасизлик ва нафратнинг ёрқин ифодаси бу асарлардаги муштарак хусусиятлардир.

Адабиётимизнинг нодир асарлари орасида барча туркий ҳалқларнинг айни вақтда ўзбек ҳалқининг «ягона ва энг буюк» (В. Радлов) ёдгорлиги ҳисобланган «Қутадгу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») муносиб ўрин тутади.

«Қутадгу билиг» муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб замонасининг буюк дошишманди зди. Кўпгина улкан олимларнинг Юсуф Хос Ҳожибни юксак истеъоддли, чуқур мушоҳадали, билим доираси ғоят кенг сўз санъаткори сифатида таърифлашлари бежиз эмас. Бу ҳақда, жумладан, академик А. Кононов шундай деб ёзди: «Болосуғуни Юсуф улуғ шоир, юксак маълумоти зот, инсон қалбининг дошишманд билағони, файласуғ, қомуси олим, араб ва форс шеърияти ҳамда туркий фольклорнинг барча гўзалларини нозик эгаллаган заршунос шоир бўлганлиги унинг достонидан равшан кўриниб туради. У астрономия, математика, медицина каби илмлардан, шахмат ва шу каби ҳалқнинг турли спорт ўйинларидан, овчилек, қушчилик ва бошқа турли соҳалардан боҳабар бўлганлиги бизга «Қутадгу билигдан тўла-тўқис аён бўлади».

«Қутадгу билиг» 462 ҳижрий (1069—1070 мелодий) йилда ёзилган. Шоир мисралар орасида ўзининг ёшини ҳам таъкидлаб ўтади:

Тегурди менга алти эллик ёшим,  
Ўқир алтмиш эмди, менга кел, тую.

(Эллик ёшим менга қўлини  
тегизди,  
энди олтмиш; менга кел, деб  
чорлаётир.)

Демак, асар ёзилган пайтда шоир эллик билан олтмиш ёш ўртасида бўлган. «Қутадгу билиг»нинг тадқиқотчиларидан ўзбек олими Қаюм Каримов шоирнинг 410 (1019) йил атрофидаги түғипганини таҳмин қиласди.

Юсуф Хос Ҳожиб буюк маҳорат эгасидир. Бу ҳақда, гарчи шоир ижодининг ягона намунаси бўлса-да, «Қутадгу билиг» тўла тасавур бера олади. 13000 мисрага яқин ҳажмадиги бу улкан достон ўн саккиз ой—бир ярим йилда ёзилган. Достон қанчалик тез ёзилган бўлса, шунчалик тез шуҳрат ҳам қозонган. Шу сабабли уни чинликлар «Одоб ул-мулук», мочинликлар «Ойин ул-мамлакат», Шарқ элининг алломалари

«Зийнат ул-умаро», эронликлар «Шоҳнома туркий», туронликлар «Қутадгу билиг», баъзилари «Пандонма мулук» деб атадилар.

«Туркий ҳалқлар маданияти тарихининг муассам обидаси» (Р. Арат) бўлган ва зўр аҳамиятни сақлаб келаётган бу достоннинг уч кўлёзма нусхаси мавжуд. Улар Қоҳира, Вена, Ҳирот ва Наманган нусхалари номлари билан машҳурdir. Асарнинг яна бир нусхаси борлиги ва у қачонлардир Қашқарга олиб кетилганини тўғрисида баъзи маълумотлар бўлишига қарамай, у нусха фанимизга маълум эмас. Нусхалар араб ва ўйгар ёзувларида кўчирилган.

«Қутадгу билиг»нинг нечоғли аҳамияти катта эканлигини тасавур этиш учун уни ўрганиш билан шуғулланган В. Бартольд, В. Радлов, С. Малов, А. Вамбери, В. Томсен, Н. Ильминский, О. Альберт, Е. Бертельс, Р. Мелиоранский, А. Самойлович, М. Хартманн, К. Юдахин, А. Шчербак, Н. Баскаков, М. Кўприлизода, А. Қаюмов каби ўиринг шарқшуносларнинг номларини эслашнинг ўзиёқ кифоя. Кейинги пайтларда бу асарни ўрганишга совет олимларидан И. Стеблева ҳамда А. Валиотова катта куч сарфламоқдалар. Шу ўринда асарни ўзбек тилида ССРДа биринчи марта тавсифи билан нашр эттирган Қ. Каримовнинг номини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадгу билиг» асари XI асрда туркий тилда яратилган дастлабки ёзма ёдгорликлардандир. Асар туркий ҳалқлар тарихи, ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганиш учун далилларга жуда бой. Унда баъзи қолоқ, бир-бираға зид фикрлар бўлишига қарамай, ахлоқ одоб, таълим-тарбия, илм-маърифат, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабат-муомала қоидалари ҳақида баҳс юритилади, давлатни бошқариш усуллари, ўша даврнинг ҳаёт тарзи баён қилинади, қисқаси, асар XI асрда яшаган туркий ҳалқлар турмушининг ўзига хос қомусидир. Унда инсон ҳаётининг барча томонларига оид фикрлар бадиий юксак шаклда ифодаланган.

Адаб давлат кишилари ҳақида гапиргандаги мамлакатнинг энг катта ҳукмдори — элигдан бошлаб энг «паст» табақа — «авом»гача таъриф беради, уларнинг ўзаро муносабатларида нималарга ўзтибор бериш лозимлиги хусусида усталик билан фикр юритади. У беглар ҳақида гапириб, уларнинг яхши хусусиятлари эл-ҳалқ учун сувдай зарурлигини, ёмон хусусиятлари эса оташдай зарар-келтиришини ёзар экан, бегларни яхшиликка, эзгу йўлдан боришга чақиради:

Бу кучкай киши кенди ва беглик емас,  
Бу кучкай кучини будун кўтрумас.

(Золим киши кенди ва бегликни  
идора қила олмайди,  
(Чунки) золимнинг зулмни ҳалқ  
кўтара олмайди.)

Сезилиб турибидики, шоир амалдорларни одилликка даъват этиб, золимликнинг ёмон оқибатларга олиб келишини (ҳалқни идора қила олмай қолишини) таъкидламоқда.

«Қутадгу билиг» дидактик йўналишда яратилган. Бу хусусият уни Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистан» ва «Бўйстон», қадими ҳинд эпоси «Калила ва Димна»га яқинлаشتариради. Шу сабабли асарда ахлоқий масалалар катта ўрин тутади. Ёдгорликнинг бу хусусияти тўғрисида академик А. Кононов шундай деб ёзди: «Қутадгу билиг»— дидактик асардир. Бу жанрнинг илдизлари узоқ ўтиш даврларга бориб тақалади. Бу жанр қадимги мисрликлар ва ҳиндларга маълум эди. Сўнгроқ эса, Уйғониш даврида, яъни «Қутадгу билиг» яратилганидан қарийб беш аср кейин, бу жанр европаликларга ҳам маълум бўлди ва улар худди ўша «Қутадгу билиг»дагидек дидактик ғояларни ифодалашда ўз ҳаётларини акс эттирувчи «кўзгулар» шаклидан фойдаланадилар...».

Шоир ахлоқий фазилатлар ҳақида гапириб экан, уларни яхшилик ва ёмонлик (эзгулик ва эсизлик) деб икки катта гуруҳга ажратади. Шоир эзгулик деганда инсон қадр-қимматини кўтарувчи, кўпчиликка манфаат етказувчи, мамлакатнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўла оладиган одиллик, олийҳимматлилик, тўғрилик, ҳалоллик, покизалик, билимлилик ва мулоҳазакорлик, андишалик ва одоблилик сингари ижобий хусусиятларни назарда тутса, буарнинг аксини эсизлик (ёмонлик) номи остида бирлаштиради.

Шоир, айниқса, билим ва билимдонлика алоҳида эътибор беради. Шуни айтиш керакки, адаб фикрларини қуруқ насиҳат тарзида эмас, балки бадиий либосга ўраб китобхонга тақдим этади. Бу эса шоир фикрларининг таъсирчанлигини оширади.

Адаб билимни улуғлар экан, билимсизликни, билим ва ҳунарга интилмасликни кескин қоралайди, бундай одамларни ҳайвон билан тенглаштиради:

Билиглиг, уқушлуғ киши ул киши,  
Анингда нару барча йилқи туши.

Асарда одамгарчилик, саҳоватлилик, ширинсўзлик, камтарлик ва бошқа инсоний хислатлар ҳақида сўз юритилганида ҳам фикрлар нозик баён этилади. Юсуфнинг бу асари, асосан, давлат ва уни бошқариш, давлат ишларидаги кишиларга йўл-йўрик кўрсатишга қаратилган. Шунга қарамай, унда тарбия масалалари жуда кенг ўрин олган. Асарда ҳатто фарзанд тарбияси ҳақида маҳсус боб ҳам бор. Бу бобда шоир, жумладан, шундай дейди:

Ўғил-қиз тўруса сенинг, эй тегин,  
Эвингда иғидигил иғидма ўнгин.  
Авртаси эзгу киши тут ариғ,  
Ўғил-қиз ариғ қўпга, турға фарғи.  
Ўғил-қизиа ўтраг билиг ҳам адан,  
Ангар энки ажун анинг асғи таб.  
Ўғулча киси ал, қизиг эрка бер,  
Сақинчиз тирилгил, ая қўтлуғ эр.  
Қамуғ эрдам ўтраг ўгулча тутал,  
Ул эрдам била бу тера берга мал.  
Сўра, идма бўшлаг ўгулуг ява,  
Ява бўлга бўшлаг, ўгурга эва.

(Эй олий насаб, сенинг ўғил-қизини  
бунёдга келса,

Бошқа ерда эмас, уйингда тарбиялагин. Мураббийни яхши ва пок кишидан олгин, ўғил-қиз пок ўсади, номатлуб ишлардан форғ туради. Ўғил-қизга одоб ва билим ўргат. Иккى олам уники, унинг манфаати етарили бўлади.

Ўғилга хотин ол, қизни зрга бер. Қайгу-аламсиз яшагин, эй баҳти киши. Ўғилга барча санъат-ҳунарларни тугал ўргат. Бу санъат-ҳунарлар билан умол-дунё йигаверади. Ўғилни терғаб тур, бебош ва бехуда қўйма. У бефойда ва бебош бўлади, шошиб бекорга югуради.)

Шоир фарзанд тарбиясига юят жиддий қарайди, бошқалардан ҳам шуни талаб қиласди. У фарзанд тарбияси борасида фикр юритар экан, бунда ота-онанинг мавқеига, шахсий хислатларига алоҳида аҳамият беради, чунки фарзандларнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир. Албатта, фарзандларнинг ноқобиллиги ҳам, энг аввало, ота-онага боғлиқдир:

Кимунг ўғлагу бўлса ўғил-қизи, Ангар йиглагу бўлди мунглуг ўзи. Кичигда ата идса ўғлин яна, Ўгулдин язуқ йўқ, атадин жафа. Ўғил-қиз ёсиз бўлса қилди янги. Ул ёсиз ата қилди, андин ўнги.

(Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса, Унга шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиглади. Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса, Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида. Ўғил-қизнинг хулқатвори ярамас бўлса, Бу ярамас ишни ота қилган бўлади. ундан бошқа эмас)

Бинобарин, дейди шоир, ҳар бир ота-она фарзандларини ёшлигидан бошлаб ҳамиша назорат қилиб бориши, уларга ҳунар ва билим ўргатиши керак.

Юсуф Хос Ҳожиб фарзандларнинг ота-она қадрини билишлари лозимлигини ўтириб ўтишни ҳам унумайди:

Атанг пандини сен қатиг тут, қатиг, Қутадга кунунг бўлга кундин татиг. Атангни, анангни сезундур туши, Янут берга талпинг туман минг асиг.

(Отангнинг пандини сен қаттиқ тут, қаттиқ. Сени баҳтга элтади, кунинг кундан кунга ширин бўлади. Отангни, онангни доим курсанд қил, Хизматларинг эвазига туман минг ҳисса фойда оласан.)

Бу мисралардаги чуқур гуманизм, инсонга самимий муҳаббат ва ҳурмат туйғуларининг бундай ёрқин ифодасини Алишер Навоийнинг қўйидаги мисралари билан қиёсласак ўринли бўлар деб ўйлаймиз:

Бошин фидо айла ато бошига, Жисмни қыл садқа ано қошига. Тун-кунингга айлагали нур пош, Биринин ой англа, биринин қуёш.

Шоир даврининг кўз-кулоғи, тили сифатида ўзи яшаган жамиятдаги айрим зиддиятларни, адолатсизликларни сезмаслиги, уларга нафрат билан қарамаслиги мумкин эмас. Шу сабабли ҳам у ёзди:

Киминг бўлса давлат, узади алиг, Камуг тетруси ўнг, сўзи ўг, билиг. Ажун файласуфи нанг бўлмаса, Нечада тилдам эрса кишалди тилиг.

(Кимнинг давлати бўлса, қўли узун бўлади, Ҳамма тескари иши ўнг, сўзи ақл, билим (бўлади). Дунё файласуфи агар мол-дунёси бўлмаса, Нечада сўзамол бўлса (ҳам) тилини тияди.)

Бугина эмас. Шоир жамиятнинг муайян табақаси зулм ва зўрлик, истибодд ва ярамасликни ҳаддан ташқари кучайтириб юборганингни ҳам чукур ўқинч, алам ва изтироб билан баён қилади. Бу жиҳатдан шоирнинг «Ийтитликка ачиниб, қарилек ҳақида айтади» ҳамда «Замона бузуқлигини, дўстлар жафосини айтадиги сарлавҳали қасидалари мухимдир. Хусусан, кейинги қасидада шоирнинг хис-туйғулари, замон ва жамият тўғрисидаги қарашлари тор — шахсий доирада қолмасдан, ижтиёмий умумлашма даражасига кўтарилиди. Қасиданинг матлаъиданоқ унинг ғоявий йўналишини белгилаш мумкин:

Турайи, барайи, ажунуғ кезайи, Вафалиғ ким эрки ажунда, тилайи. (Турайин, борайин, оламни кезайин, Вафоли ким экан оламда, қидирайин.

Шоир фикрини мана шу руҳда давом эттиради. Қасидада ижодкор-

нинг ўзи донишманд инсон қиёфа-сида гавдаланади, унинг лирик «мен»и қасиданинг асосий мазмунини белгилайди.

Маълумки, лирикада барча кечинмалар шоир шахсияти орқали ифодаланади. Шоир образи лирик қаҳрамон образига тенглаштирилади. Бироқ, лирик қаҳрамон, энг аввало, муайян давр кишисининг психологияси, характеристикини акс этирган ижтиёмий шахсадир. Юсуф Хос Ҳожиб қасидаларида ҳам лирик қаҳрамонинг — ўз даври мағкураси ва ҳаёт шароитлари билан боғланган инсоннинг ички дунёси, юксак туйғулари ифодаланган. Юсуф Хос Ҳожиб қасидаларида лирик қаҳрамон адолатсизликдан ташвишда, ҳаётнинг нобоб курилганидан норози инсондир.

Чаяндек тегарлар, чибунтег сўрарлар, Кўпактег урарлар, қаюсин урайин?

(Чаёндек чақадилар, чивиндек сўрадилар, Кўпакдек қопадилар, қайси бирини урайин?)

Эксплуатацияга асосланган барча ижтиёмий тузумларда ҳам олим ва фозил кишиларнинг эркин ижод қилишлари учун шароитнинг бўлмаганлиги аниқ. Юсуф Хос Ҳожибнинг юқоридаги фикрлари мана шу ҳодисага норозиликнинг бадий адабиётдаги ўзига хос ифодасидир. Зеро, буғояни Юсуф Хос Ҳожибдан кейинги даврларда яшаб ижод этган кўплаб шоирларда учратиш мумкин.

Юсуф Хос Ҳожиб шеъриятида ўша давр ижтиёмий ҳаёти тўла музассамашган, дейиш мумкин. Унда гоҳ мадҳ, гоҳ шикоят, гоҳ панд-насиҳат оҳанглари эштилади, гоҳ эса ишқ-муҳаббат ва садоқат, вафо тарнум этилади.

Ўрта асрлар ўзбек лирикасини кўздан кечирсан, севги-муҳаббат мавзуудаги шеърларда ёш қалб ҳарорати изтироблари кучли эҳтирос

билан тасвирланганини кўрамиз. Уларда кўпроқ ошиқнинг мардлиги, ишқда событилиги, шижоат ва жасорати, маъшуқаннинг эса ҳуснда баркамоллиги, назокати, дилкаш ва дилбарлиги, аҳдида қатъийлиги нозу истиғнолари, беғубор мұҳаббати тасвирланади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ишқий мавзудаги тўртликларида эса бошқача фазилатлар кўринади. Бундай тўртликларда ошиқ ва маъшуқа алоҳида-aloҳида тасвирланмайди (асарда бу персонажларнинг ўзи йўқ). Уларда кўпроқ ошиқ ва маъшуқа эмас, балки ошиқлик ва маъшуқалик ҳақида гапирилади:

Севигли кишининг юзи белгулуг, Тили ачса, матьни, сўзи белгулуг. Севар севмазин ўз билайн теса, Сенга тетру бақса, кўзи белгулуг.

(Севиқли кишининг юзи белги беради. Агар оғиз очса, гапининг маъноси ва сўзи белги беради. Агар ўзинг севиши ёки севмаслигини билайн дессанг, Сенга тик (қараб) боққанда, кўзи белги беради.)

Мана бу тўртлиқда эса висол дақиқаларида инсоннинг хушчақча ҳолати ёрқин тасвирланган:

Камуг гайиб ўзлар кўрушса ўзун, Сақинч бўлди, қисга, севинчлар узун. Не кўркруг бўлур, кўр, киши айрилиб. Саламат қавушса эки ўз-ўзун.

(Ҳамма гойиб (яъни, айрилган) кишилар ўзаро кўришса, Алам қисса, севинч узун бўлади. Қандай ажойиб бўлди, кўргин, киши айрилиб, Иковлон ўзаро саломат топишиша.

«Қутадғу билиг» жанрий хусусиятларига кўра ҳам катта тарихий аҳа-

миятга молик асардир. Маълумки, туркий халқлар шеъриятида кейинчилик мустақил адабий жанрлар сифатида шакланган ва жаҳон шеъриятига ўлмас дурданалар ҳади этган қасида, маснавий, тўртлик (рубой), туоқ, мунозара каби жанрларнинг туркий ёзма адабиётдаги дастлабки кўринишлари худди мана шу «Қутадғу билиг»дан бошланади. Бу жанрларнинг шаклланишида эса Юсуф Хос Ҳожибнинг, бир томондан, қадимги туркий бадиият анъаналари, иккичи томондан, форс ва араб адабиёти анъаналари билан пухта танишлиги ҳам қўл келган.

Юсуф Хос Ҳожиб баҳраманд бўлган манбаларнинг кенг қамрови «Қутадғу билиг»нинг бадиий либосида ҳам ўзига хос тарзда ак этган.

Буарнинг барчаси Юсуф Хос Ҳожиб дунёқарашининг кенглигини, шоир баҳраманд бўлган манбаларнинг жуда катта қамрова эгалигини кўрсатувчи далиллардир. Асардаги ана шу хусусиятни, бизнингча, таниқли рус олими С. Кляшторний тўғри изоҳлаб берган: «Қутадғу билиг»да бир қанча адабий анъаналар чатишиб кетган. Достон бандларидаги гоҳ қадимги туркий марсияларнинг ҳаяжонли садолари янграйди, гоҳ форсий «ланднома»ларга хос дидактика эшишилди, гоҳ саҳро қўшиқларининг акс садоси қулоққа чалинади, гоҳ сўфийларнинг мистик символикаси сезилади.

«Қутадғу билиг»нинг вужудга келиши туркий халқлар адабиёти тарихида буюк воқеа бўлди. Бу достон орқали Юсуф Хос Ҳожиб халқ даҳосини ёзма адабиётда биринчи бўлиб тўла намойиш этиди. «Қутадғу билиг» шарофати билан ҳам туркий халқлар адабиёти жаҳон адабиётида юксак ўринлардан бирини эгалашга ҳақлидир. Асар муаллифи эса жаҳоннинг улуғ сўз санъаткорлари даражасидаги ҳурматга сазовордордир.

Боқижон ТУХЛИЕВ

## Китоблар оламида

# ЭЗГУЛИК ҲАМИША ФОЛИБ

Яхши асарлар китобхон қалбидаги нур ёқади. Бу нур киши қалбини ўғборлардан тозалайди, ўзга бир ёргу оламга олиб чиқади. Бу олам эзгулик, инсонийлик оламидир. Самар Нурнинг «Бодом гули»<sup>1</sup> номли тўпламидаги «Шуъла», «Ота билан бола», «Кўрнамак», «Бир уй қувонч», «Бодом гуллайди» каби ҳикояларини ана шундай нур билан йўғрилган дейиш мумкин.

«Шуъла» ҳикоясида замонамизнинг энг актуал масалаларидан бири — илмий-техника тараққиётининг тобора ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётганинг, унинг замон билан ҳамнафас кишиларимиз қалбидаги акс-садоси табиий йўсунда тасвирланган. Колхоз раиси Аҳад Полвон — ҳикоянинг қаҳрамони. У ҳалол хизматлари эвазига меҳнат қаҳрамони бўлган. Шундай обрўли одам бирданига ихтиёрий равишида раисликдан воз кечади, ўз ўрнига ёшгина



агроном йигит Жўрани тавсия этади. Улар ўртасида айрим асарларда учрайдиган анъанавий конфликт йўқ. Чунки Аҳад Полвон илмий-техник инқиlob амалга ошаётган бир панлада қишлоқ ҳўжалигига раҳбарлик қилиш учун ўз билимининг етарли эмаслигини сезади ва шу сабабли билимдан агрономни раисликка мунносиб билади. Айтиш мумкини, бу тасвир зўраки, соҳта эмас. Умрини халқ ҳаётига хизмат қилишдек муқаддас ишга бағишлаган одам бошқача иш тутиши қийин.

Шундай қилиб, ёзувчи ҳаётий масалаларни бадиий тасвирлашга интилади. Адабиётнинг доимий мавзуси бўлиб келган фарзанд билан ота-она муносабати, тўғрироғи, фарзандлик бурчи масаласини олиб кўрайлик. Зеро, инсонда инсонийлик хусусиятларининг таркиб топиши оиласдан, ўзаро муносабатдан бошланади. Кимки оила аҳлоқи талабига жавоб беради. «Ота билан бола» ҳикоясида худди шу масала ўртага ташланади. Ҳикоянинг бош қаҳрамони меҳнаткаш чол, у оила баҳт-саодати

йўлида ҳалол меҳнат қилиб, бугунги кунда куч-куватдан қолган кекса. Адиб мана шу оддий кексанинг руҳий оламини таҳлил қилади. Она қишлоғини унугтиб юборган шаҳардаги ўғлини, неварасини соғинган чол уларни кўргани «икки кўзи тўла хуржунни елкалаб, устига қийиқча боғланган челакни қўлига олиб» тонгда йўлга тушади: агар эрта чиқмаса, поезддан қолиб кетади, куни бекор ўтади. Чол илгари ҳам бир неча марта ўғлини ўзи бориб кўриб келган. Буни биз чолнинг ички монологидан билиб оламиз. Мана шундай одамжонли меҳрибон ота ўз фарзандлари ўйида иззат топмайди. Шомда ширакайф келган ўғил ота билан тузукроқ ҳам омонлашмай, «нозик жойга меҳмонга ҷакиришган» деб алдаб, хотинини олиб кинога кетади. Эртаси куни отасини кузатганини ҳам келмайди. Келини эса «оғзи чилвир билорни тортимилиб боғланадиган тўрвага бир-икки кило арzon ҳолва, ўзи ва Соқижоннинг эски кийимларини солиб» беради. Чолнинг кўнгли ўқсайди, лекин у кампирига билдирилди. Кампиринг берган саволига: «Ҳаммаси сиҳат-саломат, ўйнаб-кулиб юришибди», деб жавоб беради. Ҳикоя қандай сокинлик билан бошланса, шундай сокинлик билан тугайди. Лекин бу сокинлик киши руҳий ҳолатида түғёнкорлик уйғотади. Соқижон ва унинг хотини тутган ишдан қаттиқ ранжиди киши. Яъни, таъбир жоиз бўлса, ҳикоя моҳиятнан курашчанлик руҳи билан сугорилган.

«Бир уй қувонч» ҳикоясида тасвирланаётган олижаноблиги тасвирланса, ўйловчи кампир образи орқали қариялар оламига нисбатан кишиларда сўнмас мұҳаббат пайдо қилади.

Бироқ тўпламга кирган ҳикояларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам шундай илиқ гаплар айтаб бўлмайди. Айрим ҳикояларда автор позицияси билан ҳаёт ҳақиқати ўйғунашшиб кетмаган. Чунончи, «Ҳар кимнинг бекати» ҳикоясининг қаҳрамони уруш даврида Адолат момонинг қилган яхшилигига муносиб жавоб қайтара олмаганини ўйнади. Лекин ҳақиқамоннинг руҳий ҳолати, тутган иши ҳаётий мантиқ асосида далилланмаган. «Оналар» ҳикоясида соҳталик сезилади. Унда бувисининг олдига шошилган Иристой борасида гап кетади. Ойша холанинг фарзанд дардида чуқур изтироб чекканлиги айтиласиди, бироқ тасвирлаб берилмайди. Китобда талай ўринни эгаллаган «Қадимий қўшиқ» эса ҳикоя жанри талабига жавоб бермайди.

Тўпламнинг «Лаҳзалар» деб номланган бўйимда бир қанча митти ҳикоялар берилган. Таассуфки, уларнинг кўпчилиги замираидаги мұхим гап йўқ. «Мехр ипи» ҳикояси сюжети сунъий қурилганлиги сабабли адабининг мазкур ҳикоядан кўзлаган гояси ўқувчиларга етиб бормайди. Чунки парранда факат ўзи яшаган эски жойга адашмай учиб келиши мумкин. Ҳикояда эса хонадон сохиби бошқа жойга кўчичиб кетади, орадан анча вақт ўтгандан кейин аввалигидан ўйида дон еган мусиба уларни топиб боради. Бу воқеа кишини ишонтирмайди.

Хуллас, мазкур тўпламдаги ҳикояларнинг аксарияти самимийлиги билан ажralиб туради. Улар кишиларни эзгуликка ундаиди. Зотан, тиниқлик, гўзлалик, ҳалоллик уруғи сепилган ерда эзгулик ҳамиша ғолиб.

Ҳакимжон КАРИМОВ,  
Филология фанлари кандидати.

<sup>1</sup> Самар Нур. Бодом гули. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1980.



# БЕДИЛ ҲАҚИДА ТАДҚИҚОТ

Буюк мутафакир — форсийзабон ўзбек шоири Мирзо Абдулқодир Бедил XVII аср ўрталарида туғилиб, Ҳиндистонда яшаб ижод этди. Унинг ижоди ҳамиша олимлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Адабиётшунос Шавкат Шукуровнинг «Мирзо Бедилнинг поэтик мероси» рисоласи шоир сирли олами сари қўйилган яна бир дадил қадамдир. Маълумки, ҳаёт ҳодисаларини ўз даврининг илғор қарашлари нуқтаи назаридан идрик қилиб, унинг мураккаб саволларига жавоб излаш, инсониятнинг юксак идеали учун кураш, ўз замонасидаги иллатларни фош этиш Мирзо Бедил поэзиясининг асосий йўналишини ташкил этди. Рисоланинг «Мазмун теранлиги ва лирик жанр жилолари» боби тўлалигича шоир ижодининг ана шу ҳаётбахш пафосини атрофлича ёритишига қаратилган. Муаллиф шу мақсадда Мирзо Бедилнинг бутун лирик меросини ўрганиб, мавзу ва жанрлари бўйича таҳлил этди.

Ижод майдонига «устод Ҳофизни раҳнамо билиб» қадам қўйган Мирзо Бедил тинмай изланди. У «ғазал» денизида кема суриб, назм гавҳарларини қидирди ва ўз мақсадига эриши. Тазкираларда Бедил замон шуаросининг зукколаридан Муҳам-

мадали Соиб билан бўлган мушонрада ва бошқа шеърхонликларда оташнафаслик билан кўпчиликнинг диққат-эътиборини қозонгандиги таъкидланади. Ш. Шукуров китобида ҳам Бедил фаолиятининг сўнмас лавҳаларини жонлантирувчи бундай манбалар кўп. Шоирнинг бугунги китобхонга маълум асарлари бошқа тазкираларда кеътирилган далиллар билан боғланган ҳолда тушунтирилади.

Бедилнинг ғазал ва қасидалари, робури ва қитъалари марказида дастлаб инсон ва инсоннинг эзгу орзулари, беғубор туйғулар тараннум этилади. Севги ва садоқат, дўстлик ва биродарлик, донишмандлик ва меҳнат ниҳоятда улуғланади. Бундай тасвирларда файлусуф шоир дунёкашин ўзининг ҳамма жиҳатлари ҳамда ўша давр мураккабликлари билан намоён бўлади. Шарқнинг буюк инсонпарварлари асарларида бўлганидек, Бедил поэзиясида ҳам инсонга бўлган бекиёс мұҳаббат катта ҳаётӣ масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин Бедил асарларида давр иллатларига қўйилган айнома кескинроқ. У кибор амалдорларни, адолатсиз шоҳларни қаттиқ қоралайди, ўзи яшаган даврдаги Ҳиндистонни жаҳон иллатлари-

ни яшириб ётган бир мамлакат деб тушунтиради.

Бедил ғазаллари ўша давр поэзиясида бир мунча анъанавий тус олган ҳинд услубига хос сержило мажозий тасвирлар йўли билан ифода этилган. Унинг ғазалларидаги тематика қасидаларида ҳам баланд фалсафий аспектда янада кучлирок янграйди.

Тадиқотчи шоирнинг қасидаларини таҳлил этишга кенг ўрин ажратган. Бедил фалсафий-дидактик қасидалар яратиб, бу соҳада таҳсинга сазовор ишлар қилишида қадимги Шарқ адабиёти анъаналарининг ҳиссаси бекиёс. Ш. Шукуров ўз китобида Бедилнинг Ҳоқоний, Анварий, Амир Ҳусрав Дехлавий, Урфий Шерозий каби машҳур шоирларнинг қасидаларига назира ёзганилиги, уларда ўзи яшаган феодал тузумига оид катта социал масалалар хусусида кескин баҳс юритиб, фалсафий қасидачилик тарихига қўшган муносиб ҳиссасини ишончли манబалarga таянган ҳолда ёритиб берган. Жумладан, муаллиф Бедилнинг Озарбайжонда XII асрда яшаб ижод этган забардаст шоир Ҳоқонийнинг «Альамон, эй дилки...» мисраси билан бошлинуви қасидасига жавобан ёзилган «Муҳити бегарон» («Поёнсиз денигиз»), XIV асрнинг машҳур форстоқиши Ҳусрав Дехлавийнинг «Дарёи абзор» («Яхшиликлар дарёси») қасидасига назира тарзида яратилган «Саводи аъзам» («Улкан билим») қасидаларини атрофлича муҳояса қиласди. Бедил ижоди ўз замонасидаги турли тоифага мансуб шоирлар томонидан яратилган шаклбозлиқдан иборат ғазаллар, айрим шахслар мадҳиясидан нарига ўтмаган қасидалардан тубдан фарқ қиласди. У ўз асарларида инсон ва унинг яшаётган мұхити борасида чукур мулоҳаза юритади. Шоир инсоннинг ахлоқий камолоти ҳақида баҳс очиб, маънавий покликни эъзозлаш кераклигини, мол-дунёга ҳирс кўйган ман-манлардан юз ўғириш лозимлигини ўқтиради. Инсонпарвар шоирнинг юрт ободонлиги, эл осоиштаги тўғрисидаги эзгу орзула-

ри асарларида латиф бадиийлик билан йўғрилганлиги рисолада характерлар мисоллар воситасида исбот этилган.

Китобнинг ғазал ва қасидалар, робури ва қитъалар ҳамда мусамматларга бағишиланган боби ҳам жуда қизиқарлидир. Шоир лирикаси XVIII, XIX ва XX асрнинг аввалларида Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Тошкент каби маданий марказларда ўз мухлисларига эга бўлганлиги, кўпгина ўзбек шоирларини ижодий мусобака чакиранлиги борасида баҳс этилади. Мунис, Узлат, Нодира, Шавкий, Рожий Марғилоний сингари ўнлаб ўзбек шоирлари Бедилнинг катта санъат намунаси бўлган ҳаётбахш лирикасидан баҳраманд бўлиб, назара ва мухаммаслар боғлаганликлари, бундай ижодий мусобақанинг самарали эканлиги уларнинг ижодий месосидан келтирилган мисоллар орқали далиллаб берилади.

Бизнинг назаримизда Ш. Шукуров худди шу бўйимда масалага жиддий киришиши, ҳали маҳсус ўрганилмаган мазкур мавзуни янада чуқурроқ ва атрофлича ёритиши керак эди.

Рисоладаги «Бедилнинг эпик поэзия соҳасидаги изланишлари» деб номланган бобда улуг шоирнинг «Тилсими ҳайрат», «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Ирфон» каби маснавийлари хусусида баён қилинган кузатишлар ўқувчидаги яхши таасирот қолдиради. Лекин Бедил поэзиясида маҳсус бағишиланган бу китобда унинг достонлари таҳлилига ҳам етарли ўрин ажратиш, айниқса, шоирнинг энг баркамол маснавийларидан ҳисобланадиган «Ирфон» асарига кўпроқ эътиборни қаратиш керак эди. Китобда ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндаси Ш. Рашидов ва В. Виткович томонидан «Ирфон» таркибида «Комде ва Мудан» афсонаси асосида яратилган киносенарий эсланади. Бу эса Бедил анъаналари тобора ривожланаётганлигини кўрсатади.

Умуман, бу иш бедилшуносликка муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Содир ЭРКИНОВ,**  
филология фанлари доитори



## МАТОНАТ ЭГАСИ

Навоий кўчасидаги 56-йилнинг ҳовали саҳнидаги сўрида үрушда иккى қўлидан ва ўнг қўзидан жудо бўлган Оқил Назаров билан сұхбатлашиб ўтирибман. Ҳамсұбатим шошилмай хотираларини бафуржя эслаб сўзлади.

1945 йилнинг февраль ойи. Гвардия старший лейтенант Оқил Назаров хизмат қилаётган батальон Шарқий Пруссияда душманга қақшаткич зарба бериб, олдинга силжирди. Аммо ногаҳон тепаликда газандаларнинг мустаҳкам ўрнашган пулемёт борлиги билиниб қолди. Пулемёт овозини ўчириш учун олдинга отилган жангчи ҳалок бўлди. Солдатнинг ҳалон этилишидан ғазабланган сиёсий раҳбар О. Назаров олдинга роққа чиқиб, бирин-кетин граната улоқтириди. Душман пулемётининг овози ўчди. Шу лаҳзада Оқил Назаров ҳам қаттиқ яраланди. У Иваново шаҳридаги госпиталда ўзига келди.

Оқил ака аслида Ўзбекистонда Совет давлатини тиклаш учун жанг қилганлардан эди. У колхоз

тузишда актив иштирок этди. Улуг Ватан урушининг биринчи кунлари ҳамкишлопарини душманга қарши сафарбарликка чақирди. Коммунистнинг қалби она Ватанини душмандан тезроқ тозалашда олдинги сафда бўлишига ўнади. 1942 йили у Саратов областидаги сиёсий раҳбарлар тайёрлаш мактабини тугаллаб, офицер унвони билан фронтга жўнади. Донецк, Ворошиловград, Шимолий Донбасс, Полтава, Кременчуг, Знаменка, Кировоград, Бессарабия, Руминия, Шарқий Пруссия шаҳарларини озод қилишда жангчилар билан бирга бўлиб, уларни мардликка унади, улар қалбиди она-Ватанга мұҳаббат, душманга нафрат ҳиссими кучайтиришига интилди.

Апрель ойи эди. Оқил ака госпиталь ҳовлисига чиқди. Ҳавота, дарахтлар уйғонган, баҳор шабадаси еларди. Беморни кузатиб юрган врач:

— Ҳозир сизнинг серқиёш ўлкангизда ҳақиқий баҳор бўлса керак,— деди. Оқил аканинг кўзига Санѓзор дарёсининг шовуллаб оқиши, қизғандоқларга бурканган Молгузар тоги этаклари, турмуш ўртоғи Умри ва жажоҳи болалари кўриниб кетди.

Даволовчи врачнинг Ўзбекистон ҳақида сўз очиши бекиз эмасди. У Оқил Назаровнинг соғ кўзидан иккى томчи қайноқ ёш думалаганини кўрди. Жангчининг юраги ўз юртими, оиласини қўмсаётганини

ҳис этиб, шу куни Жиззахга — унинг ўз адресига хат ёзди.

Боши кўкка етган Умри мактубни кўзларига суртди... Жиззахлик баҳодирни ҳурмат билан қадрдан қишлоғига олиб келишиди. Унинг кўксини I- ва II-Даражали Улуг Ватан уруши орденлари ва медаллар безаб турарди.

Ўшанда Оқил ака 33 ёшларда эди. У қандай бўлмасин оиласи бергиси келар, аммо иложисизликдан ичиди эззиларди. Кўп ўйланар ва зерикарди. Бъзан газета-журнал ўқиб, овунарди. Бир куни аллақайси китобдан оёғида ва тишида ёзиши ўрганинг одам ҳақида ўқиб, севиниб кетди. Ўзи ҳам тишида ёзиши ўрганиши кириши. Лекин бу нина билан қудук қазишидан ҳам оғир туюлар: бир саҳифа ёзмасидан кўзи тиниб, боши айланарди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Ниҳоят Оқил Назаров тишида ёзиши ўрганди. Энди унда үруш танасида қолдирган жароҳатларни унтиш учун ишлар, доимо одамлар орасида бўлиши истаги түғилди. Райондагилар уни бозор комитети мудирлигига тайинлашиди. У ташкилотчилик кўрсатиб, бозор атрофини ўратди, янги расатлар ўрнаттириди. Натижада Жиззах бозори аста-секин намунали савдо-сотиқ марказига айланади.

Оқил ака тинч меҳнат қуҷоғида ҳам ҳалол меҳнати билан ўз ўр-

нини топди. У ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрликлари ва ҳукуматимизнинг бир неча медалларига сазовор бўлди. Унинг ҳаётда ўз ўринни топишида умр йўлдоши Умри опанинг қилган хизматларини сўз билан ифодалаш қийин...

Умри опа ҳозир ҳам ишлайди. У — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими, тўрт марта социалистик мусобақа голиби... Уч ўғил, иккى қиз, йигирма саккиз невара, етти эвара улар атрофида парвона.

Оқил Назаров ҳозир 72 ёшда. Бироқ ҳали ҳам меҳнат билан, жамоат ишлари билан банд. У армия сафига чақирилувчилар, пионерлар ва ўқувчилар билан учрашувларга тез-тез таклиф ҳимлиниди. Озгина бўш вақти бўлса, қуролдошларидан келаётган хатларга жавоб ёзди. Яқинда Запорожье шаҳар музейи маъмуряти тининг сурати ва таржими ҳолини сўраган бўлса, Корсунь-Шевченко район партия комитети Оқил Назаровни шаҳарни немис-фашистлардан озод қилинган кунда бўладиган байрамга таклиф этибди. Ҳаётининг маъноси шулар эканини улар билан юзма-юз туриб оҳиста сўзлади, қийинчиликларни матонат билан енгуб, кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган даражада яшаш мумкин эканини ўз ҳаёти мисолида ҳикоя қиласди.

Тўлавой РЎЗМАТОВ

# ГОЯВИЙЛИК БАЙРОГИ ОСТИДА

Ўзбек совет адабиётшунослигига дохиймиз В. И. Лениннинг назарий меросини, хусусан, унинг адабиёт ва санъат ҳақидаги таълимотни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳамда пропаганда қилиш ишига самарали ҳисса қўшиб келаётган олимларимиздан бири профессор Сайдулла Мирзаевдир. Бу истеъоддли адабиётшунослининг ана шу актуал мавзуда яратган



бир неча монография ҳамда кўплаб адабий-танқидий мақолалари илмий жамоатчиликка яхши маълум. Олимнинг «Гоявийлик — байробимиз»<sup>1</sup> ки-

<sup>1</sup> Сайдулла Мирзаев. Гоявийлик — байробимиз. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980 йил.

тоби ҳам асосан шу проблема тадқиқига бағишиланган.

В. И. Лениннинг адабиёт ва санъат ҳақидаги таълимоти ҳамда КПССнинг совет адабиётини ривожлантиришдаги раҳбарлик ролини ўзбек совет адабиёти материаллари мисолида кўрсатиш мазкур китобнинг асосий мақсади ҳисобланади. Муаллиф бу масалани ёритиш учун Коммунистик партия адабиётда партияийлик принципларини чуқурлашириш мақсадида турли даврлардада қабул қиласан қарорларнинг бадий ижодга самарали таъсирини синчковлик билан ўрганиб чиқади. Китобда ленининг партияизмнинг адабиётга фамилурлиги натижасида Бутуниттифоқ адабиёти, шу жумладан, ўзбек совет адабиётда гоявийлик ва бадий маҳорат юқори погонага кўтарилиглиги, социалистик реализм методи принциплари анча тақомиллашгани, адабий жанрлар тараққиётida кескин сифат ўзгаришлари юз бергани ҳамда адабиётда навқирон ижодкорлар етишганлиги конкрет фактлар мисолида, умумлашма хуносалар восита-сида кўрсатиб берилади. Асар муаллифи адабиётга партияий раҳбарлик

масаласини чуқур таҳлил этишга киришар экан, партияизмнинг ижодкор шахсига бўлган фамхўрлиги ҳамда унинг ижобий натижаларини қониқиши туфуси билан уқтиради.

Ўзбек совет адабиётшунослигига ва адабий танқидчилигига кам ўрганилган проблемалардан бири — бадий ижодда традиция ва новаторлик масаласини тадқиқ этиш ҳам «Гоявийлик — байробимиз» китобидан алоҳида ўрин эгаллайди. Муаллиф ўзбек адабиётшунослигига бу проблема атрофида қилинган мухим ишларни ўринли таъкидлаб ўтади ҳамда уларга ўз муносабатини билдиради. Новаторлик ва традициянинг диалектик бирлигини, шунингдек, классик адабиётимиз ўз даври учун новатор адабиёт бўлгани ва совет адабиёт учун бой традициялар қолдирганини, бу традициялар совет адабиёти новатор адабиёт даражасига кўтарилишида мухим аҳамият касб этганлигини аниқ мисоллар асосида кўрсатади. Китобнинг қимматли томонларидан бири шундаки, муаллиф совет адабиётига хос традиция ҳамда новаторлик масаласини кенг таҳлил қиласди.

**makrizz**

## САТРЛАРГА ТУЙҒУЛАР ТУКИЛГАН

Истеъоддли танқидчи ва адабиётшунос, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Пирмат Шермуҳамедовнинг «Умид мұхаббатдадир...»<sup>1</sup> номли янги китобида биз ҳозирги қайнок адабий жараённинг долзарб масалалари кўтарилиган проблематик мақолаларни, авторнинг айрим ижодкорлар, хусусан ёшлар ижоди ҳақидаги ўй-мұлоҳазалары, кузатишларини ва Олтой ўлкасига



қилинган сафар таассуротлари асосида ёзилган бадий лавҳаларини ўқиймиз.

П. Шермуҳамедовнинг олдинги асарларига хос бўлган фазилатлар бу китобида ҳам мавжудлиги кишини қувонтиради. Хўш, бу фазилатлар нималардан иборат? Буларнинг биринчиси, назаримизда, танқидчининг ўз нуқтаи назари, айтадиган гапи, китобхонни ўйлатадиган мұлоҳазалари борлигидир. «Адабиёт ҳаётни... ҳаққоний, ҳалол акс этириши лозим. Шундай экан, бугунги адабий жараён, бинобарин, ёшлар ижодини таҳлил қилиш, уларга холос баҳо бериш учун гапни аввало ҳаёт ва унинг талаблари, проблемаларидан бошлаш

керак бўлади», — деб ёзади у ва ўз фикр-мұлоҳазаларини китобнинг барча саҳифаларида давом эттиради.

Мунаққид бугунги ўзбек адабиётida пайдо бўлган ҳар бир салмоқли асар ҳақида мұлоҳаза билдиришга интилади. Шу нуқтаи назардан «Диёнат», «Мангулик», «Чотқол Йўлбасри», «Олмос камар» ва бошқа кўплаб асарлар хусусида қизғин фикрлайди, уларнинг ютуқларини асосли исбот-далиллар, етук илмий таҳлил билан кўрсатади. Танқидчи таҳлил давомида фақат мақтов, оғаринчилик йўлидан бормайди, кези келгана, асар мұаллифлари билан баҳслашади, қатор танқидий мұлоҳазаларини баён қиласди. (Бу ҳол «Нуқтаи назар ҳақида» мақоласида айниқса яққол кўринади).

Шу нуқтаи танқидчи мақолаларига хос бўлган яна бир фазилат — фикр кўламининг кенглиги намоён бўлади. У умум адабий жараённи имкон қадар қамраб олишга уринади. Кейнинг йилларда проза, поэзия, драматургия жанрларида яратилган асарлар хусусида мароқ билан сўзлайди, катталар адабиёти билан бир қаторда ўсмирлар адабиёти ва болалар адабиётини ҳам назардан қочирмайди. Уларга доир жиҳдий масалаларни кўтариб чиқиб, китобхонларни ҳам, адабий жамоатчиликни ҳам ўлашга ундаиди.

П. Шермуҳамедов маълум адабий мавзуни ёритар экан, фольклоримиз ва адабиётимиз тарихидан, жаҳон классик адабиёти намуналаридан, ҳозирги рус ва қардош халқлар адаблари ижодидан кўплаб қизиқарли мисоллар кельтиради ва Иттифоқ адабиётida кўлга киритилган энг янги ютуқлар билан ўзбек адабларини киёслайди. Масалан, у «Нуқтаи назар ҳақида» мақоласининг илк саҳифаларида ёк машҳур

рус совет ёзувчisi Василий Шукшин қаламига мансуб бўлган эртак-қиссанга ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодинига шоҳ асари «Алломиши» достонига мурожаат қиласди. «Ёзувчими давр яратади» мақоласида эса Пушкин, Гоголь, Абдулла Қодирий ва бошқа кўплаб санъаткорлар асарларидан ҳамда Абулғозийнинг «Шажарап тарокима» мемуаридан мисоллар, кўчирмалар кельтиради. Натижада мақолаларининг салмоғи, мазмундорлиги ошади, фикр-мұлоҳазаларининг таъсири ортади. Зотан, бошқа адабиётлар билан қиёслаб кўрлигандагина кўлга киритилган ютуқларимизнинг чинакам моҳиятини чуқур ҳис қиласми, асарларимизда нималар етишмайтани, нималарга кўпроқ эътибор беришимиз лозимлигини дурустроқ англаб етамиз.

Танқидчи ижодига хос яна бир фазилат — барча мақолаларининг қизиқарли, равон тилда ёзилганидир. Унда биз муаллифнинг баъзи адабий-танқидий мақолаларидаги «тўймоқли танқид» каби иллатларни ҳамда кимдир илгар айтган, ҳаммага маълум гапларни салгина ўзгартириб, «либосини янгилаб» бериш «касални» кўрмаймиз. Шунингдек, у ёзувчига ақл ўргатиш, насиҳат қилишдан, ўринсиз назариябозликтан, зерикарли «киммий»лиқдан узоқда туради. Айтмоқчи бўлган гаплари, мұлоҳазаларини равшан, лўнда ифодалайди, ширали, жонли тил билан ўқувчига етказади. (Бу хусусият бошқа етук танқидчиларимизга ҳам хос. П. Шермуҳамедов устозларнинг бу яхши анъанасини давом эттираётгани ибратлидир).

Мисол учун учинг «Ҳар қадамда янги бир олам» мақоласини эслайлик. Унда қардош Олтой ўлкасининг табиати, маданияти, адабиёти ҳақида шундай мароқ билан ҳикоя қилина-

Муаллиф ўзбек совет адабиётида новаторлик масаласи ҳақида фикр юритар экан, ўзбек совет адабиётида ҳали оғзаки ижоди асосида яратилган асарларга назар ташлайди, ҳалқ ижодиёти, хусусан, ҳалқ тили бойликларидан кенг кўламда фойдаланиш бадий асарда ҳалқиллик, ҳаётчилик ва бадийлик такомилга етишининг омили бўлганинги таъкидлайди. Ҳамид Олимжон ва Коим Яшиннинг фольклор намуналари асосида яратилган достонлари, драмаларини шу нуқтаи назардан тадқиқ этиди.

Адабиётда миллийлик ва интернационаллик масаласи адабиётунослигимизнинг муҳим проблемаларидан биро сифатида тобора актуаллик касб этмоқда. Шу сабабли ҳам профессор С. Мирзаев ўз китобида адабиётда миллийлик ва интернационаллик ҳақидаги актуал мавзуни тадқиқ этишини, бу борадаги мунозараларда фаоллик билан қатнашишни, ғоявий душманларимизга зарба беришни ўз бурчи деб билади.

«Ғоявийлик — байроғимиз» китобининг сўнгги саҳифаларida ўзбек совет адабиётида социалистик реа-

лизм методи принципларининг такомиллашуви, партияийлик ҳамда ҳалқиллик, ғоявийлик ва бадий маҳоратнинг чўқурлашувидан келиб чиқкан ҳолда адабиётиз тараққиётiga муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъодли адаб Сарвар Азимов ижодий портрети яратилган. Мунаққид С. Азимовнинг ҳаётни ва ижодини кенг планда ўрганар экан, унинг имлий ҳамда адабий фаолиятига юксак баҳо беради. Серқирра ижодкор томонидан яратилган драматик асарлар 60-йиллар ўзбек драматургиясида алоҳида ўрин эгаллашини қониқиши ҳисси билан таъкидлаб ўтади. Муаллиф С. Азимов драмалари, чунонча, «Қонли сароб» тўғрисида адабиётунослигимизда пайдо бўлган турли хил қарашларга тўғри, партияий муносабатда бўлади. «Бу асарда ижобий қаҳрамон йўқ, бу эса пъесанинг ғоявий йўналишига путур етказади», деб ҳисоблаган олимлар билан мунозара қиласи ва: «Қонли сароб» драмаси антогонистик конфликт ва ички коллизиялар асосида қурилган бўлиб, унда иккича идеология (капитализм ва социализм) ўртасидаги ҳаёт-мамот курашида

мағлубиятга учраган ватанфурушлар фожиаси биринчи планда туриши ва асосий ўринни эгаллаши табиий ҳолдир», деган тўғри хulosага келади.

Ўзбек совет поэзиясига 60-йилларнинг бошларида кириб келиб, 70-йилларда ижодий камолат поғонасига кўтарилиган шоирлардан бири Барот Бойқобиловдир. У поэзиянинг энг кичик жанри руబоидан то шеърий роман яратишгача бўлган ижодий йўл машаққатларини босиб ўтди ҳамда катта самараларга эриши. Китоб муаллифи шоирнинг улғайиш босқичларини аниқ кўрсатиб беришга интилади, асарларининг мавзу доираси, ғоявий-бадий савиаси ҳақида фикрлар айтади. Айниқса, Б. Бойқобиловнинг ўзбек совет поэзиясида сонет жанрининг шаклланишига қўшган ҳиссасини юксак баҳолайди, сонетлардан иборат достон яратиш маҳоратни эгаллаша даражасига етганлигини шоирнинг катта муваффақияти сифатида эътироф этиди. Шунингдек, «Шарора» достонини ғоявий-бадий жиҳатдан юксак талабчанлик руҳида таҳлил этишига муносиб ўринни эгаллашади, деб умид қиласи.

Муаллифнинг кейинги йиллар ўз-

бек адабиётига поэтик ва драматик асарлари билан ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Душан Файзий ижодига бағишлиланган адабий портрети ҳам китобдан ўрин олган.

Хуллас, «Ғоявийлик — байроғимиз» китоби профессор Сайдулла Мирзаев совет адабиётунослигинг энг йирик намояндлари ижодидан руҳ олиб, узоқ йиллардан бўён тадқиқ этиб келаётган — бадий адабиётида ғоявийлик, партияийлик, синфилик мавзудиа яратган асарларининг мантиқий давоми сифатида майдонга келди. Бу китоб адабиёт ва санъат ҳақидаги ленинча таълимотни имлий асосда ўрганиш, пропаганда қилиш, ўзбек совет адабиёти партияийлик принципи асосида юқори поғонага кўтарилаётганлигини тадқиқ этишига бағишлиланган асарлар қаторидан ўзига муносиб ўринни эгаллашади, деб умид қиласи.

**Нуриддин ШУКУРОВ,**

филология фанлари доктори, профессор

**Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,**  
филология фанлари кандидати

## makriuz

дик, уни ўқиётганда ўзингизни муаллиф ёнида тургандек, у тасвирлатгандан манзараларни айнан кўраётгандек ҳис қила бошлайсиз. Менга, айниқса, шу туркумдаги «Ўтмиш садолари» боби жуда маъқул келди. Бир гурух археологлар томонидан 1929 йилда Олтойдаги Пазириқ қўргонидан жуда бой археологик ёдгорликлар, беҳисоб олтин буюмлар, қуорол-ярголар топилганинги ва кўп шов-шувларга сабаб бўлганинги имлий жамоатчиликка яхши маълум. Бу ҳақда тарихчи, археолог олимлар яхши асарлар ёзишган. Шоир ва фольклорчи олим Муҳаммадали Кўшмоқовнинг «Чечанликда сўзга сувдайн оқиб» асарида ҳам шу факт келтирилган ва Геродотнинг «Тарих» китобидаги массагетлар ҳаётни саҳифалари ҳамда «Равшан» достонидаги айрим лавҳалар бир-бирига қиёсланиб, уларнинг тарихий замонидаги муштараклик мавжудлиги хусусида сўз ўртилган эди. П. Шермуҳамедов ҳам шу фактларни келтиради. Лекин, муҳими шундаки, танқидчи бу ноёб ёдгорликни Олтойдаги музейда ўз кўзи билан кўриб, яқиндан танишади ва бой таассуротларини сўзлаш орқали ўз китобхонлари билан биргаликда олис ўтишимизга, туркӣ ҳалқлар тарихининг энг қадимги даврларига саёҳат қиласи. Натижада китобхон Олтой ўлкасининг кўхна тарихи, Ўтра Осиё ҳалқларининг узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган маданий алоқаларидан боҳабар бўлади. Танқидчининг Олтой эпоси ҳақидаги кузатишлари ҳам яхши таассурот қолдиради.

«Осмони фалакда бўлиб ўтган ҳангома — ёзувчи ўткір Ҳошимов билан суҳбат боби ҳам мазмундор-

лиги ва ҳозирги адабиётимизга доир муаммоларни дадил ўтага ташлангани билан диққатга сазовор. Китобнинг катта қисмини «Портретлар учун штрихлар» бўлими тошкнил этиди. Танқидчи бунда чинакам маънодаги адабий портретлар вазифасини ўз олдига кўйган эмас. У айрим адабларнинг ҳаётни ёки ижодига доир чизгиларни, айрим асарларига доир кузатишлари, мулоҳазаларини айтиш билан чекланган. Бу «портрет»ларнинг ҳаммаси бирдек савида ёзилган эмас, албатта. Масалан, шоир Муҳаммад Али ижодига бағишлиланган «Ҳаёл беринг менга...» «портрети» жуда ихчам — ниҳояти беш бет атрофида. Шунинг ҳам икким ярим бетини шоирнинг ўз ҳаёт йўли ҳақида айтган сўзлари ташкил этиди. Бу адабий портретни кенгайтириш, шоир ижодига хос ранг-баранг оламини барча нозик кирралари билан кўрсатиб зарурлиги ўз-ўзидан равшан сезилиб турибди. Лекин, шунга қарамай, танқидчи кўпгина портретларни катта иқтидор, билимдонлик билан ёзганингни таъкидлаш керак. Айниқса, Абдуқадҳор Иброҳимовнинг «Зўлдир» драмаси, Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқириғи» шеърий китоби, Нурали Қобул қиссалари, Маҳкам Маҳмудов ҳикоялари яхши таҳлил қиласи.

Тўпламнинг фазилатлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. П. Шермуҳамедов илгарилари кўпинча танқидий фикр айтиш лозим бўлиб қолганда, бошқа танқидчиларнинг мулоҳазаларини айнан келтириш билан киояланарди. Ҳамкаслари унинг бу нуқсонини ўз вақтида кўрсатиб ўтган эдилар ҳам. Танқидчи кейинги асарларida бундай камчиликка барқам

берди, дейиш мумкин. Мазкур тўпламда бир ўриндагина юқоридаги «усул» қўлланган. Муаллиф «Мангулик» романи камчиликлари ҳақида гап кетганда, филология фанлари доктори Б. Имомов ва филология фанлари кандидати Б. Гуломовларнинг «Драматик романлар» мақоласидан кўчирма келтиради. Айтайлик, бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Асосий мақсад амалга оши — ёзувчи асаридаги бадий хира ўринлар қайд этилди. Лекин шу фикрларни П. Шермуҳамедов ўз номидан бемалол айтиши, ёзувчи ёки танқидчилар билан баҳлашибиши ҳам мумкин эди. Менимча, кейинги йўл мақбул кўринади.

Танқидчининг баъзи асарлар ҳақидаги мулоҳазаларида мунозарали ўринлар бор. Масалан, у «Диёнат» романини таҳлил қиласи ҳолда: «Асарнинг бош қаҳрамонларидан

бири Нормурод Шомуродов ҳаётининг сўнгги дақиқалари, айниқса, унинг ўлими тасвирланган саҳифаларда чуқур маъно етишмаётганга ўхшайди», — деб ёзади. Бу фикрга қўшилиш қийин.

Шунингдек, айрим шеърий парчалар таҳлилида беёнчилик сезилади. Лекин бу қайд этилган жузъий нуқсонлар мазкур тўпламнинг қиёфасини белгиламайди. «Умид муҳаббатдадир» китобининг қиммати мазмундорлиги, жанговар руҳи билан, ҳаёт ва адабий жараёндаги долзарб масалаларни дадил кўтариб чиқиши билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам филология фанлари доктори Пирмат Шермуҳамедовнинг янги тўпламини танқидчилигимизга қўшилган салмоқли ҳисса деб баҳолаш лозим.


**Ортиқбай АБДУЛЛАЕВ**

## Шахмат

СССР спорт мастери  
**М. МУҲИДДИНОВ**  
таҳрири остида

## Жанговар битим

Эътиборингизга 1976 йили А. Максимовских томонидан тузилган этюдни ҳавола қиласи.



Шарти: Оқлар юриш бошлаб, дурангга эришади.

Саломатлик – туман бойлиқ

# МУСТАҲҚАМ ҚАЛЪА

Инсон вужуди табиий сир-асоррга бой мўъжизавий қурдатди. Эътибор беринг: ҳаёт туйгуси туфайли 9 ойлик бир чақлоқ сув юзасида 6 минут, 15 секунд чўкмай қалқиб турган. Тарихий манбаларда ҳикоя қилинишича, Крим урушида бир рус жангчиси оғир ярдор бўлиб, ичаклари тупроқ билан қоришиб кетади. Бирон жангчи ўзини йўқотиб қўймайди, ичакларини йигиб, қорнига жойлар экан: «Майли, бу ёғини Пирогов тўғрилаб қўяр», дейди. (Машхур рус тиббий олимни Пирогов Крим уруши даврида сон-саноқсиз одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган).

Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишилари матонат ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Лекин уруш қурбонисиз бўлмайди. Ниёзхон Мўминов деган жангчи урушнинг дастлабки кунларида оғир яраланади, тос суги парчаланади, йўғон ичаги тешилиб, қорин томонга очилиб қолади. Шошилинч операция қилинади. Суги битади, лекин ичаги бутунлай битмайди. Шу ахволда врачга учрамасдан 15 йил юради. Охири, шифокорларга учрашишга мажбур бўлади. Натижада у Тошкентда, ҳарбий госпиталда операция қилинади ва ҳеч нарса кўрмагандек соғайиб кетади.

Инсон танаси бирор аъзосини йўқотса ҳам, барibir ҳаётий фаолиятини сақлаб қолади. Бир ўқа, бир буйрак ва талоқсиз ёки чоракта меъда билан яшаётган одамлар кўп учрайди. Зарур бўлганда бир аъзо йўқолган иккинчи аъзонинг ишини бажараверади. Масалан, киши бир буйракдан ажralиб қолса, иккинчи буйрак унинг фаолиятини давом эттиради, бир ўпкасидан айрилган киши иккинчи ўпка ҳисобига яшайверади.

Инсон танасидаги энг муҳим аъзо – юрак. Юраги соғлом кишининг 100, 150, ҳатто 200 йил умр кўриши ҳеч гап эмас. Бу ҷарчамас аъзо ўлимга қарши курашиб, ноилож сўнгги дамда тўхтайди. Мабодо бирор имконият туғисла, у яна ишга тушиб, кишини ўлим чангалидан қутказди. Тананинг ташқи мустаҳқам «истеҳком»лари, «темир дарваза»лари, беҳисоб «соқчи»лари бор. «Бош қўмондон» – мизнинг бир қанча қўшимча имкониятлари мавжудки, у зарур пайтда ўз «жангчи»ларини сафарбар қилишга қодир. Миянинг тери ва шиллиқ қаватлари микроб-вирусларни емириб ташлаш хусусиятига эга. Сўлак, меъда шираси, қулоқ чирки ва ҳаттоки, кўз ёши ҳам микробларни «асир»га олиб, ҳалок қиласди.

Соғлом ва тоза бадан микроблар-

ни ўлдиради. Терининг бу хусусиятини синаб кўриш учун олимлар тажрибалар ўтказиб, тоза ва соглом терининг бир жойига 30 миллион микроб юқтирганлар. Бир соатдан кейин шу микробларнинг 720 мингтаси, икки соатдан сўнг фақат 7 мингтасигина тирик қолган. Агар тери кир ва носоғлом бўлса, микроблар тери орқали тананинг ичкарисига жуда осон ўтади ва одамнинг соғлигига зарафеткезади.

Мабодо микроб ёки вируслар «ғалаба» қозониб, танага кириб олсалар, энди «жанг» навбати бошқа «посбонлар» зиммасига тушади. Қонда микробларни ютиб юборувчи лейкоцитлар, зардобда эса алексин деган модда «душман»га қарши курашни давом эттираверади. Қонда иммунитет, интерферон, лейкин, лизоцим каби ҳимоячилар пайдо бўлади.

Вужуд ўзини сақлаш учун доим курашга шай ҳолатда туради ва чинишиб боради. Аста-секин кўр устиди юриб кўнинкан оёқ чўғ ва оловга ҳам ўрганади. Ўзларини аста-секин илон ва чәйнларга чақтириб юрган одамлар заҳарни назар-писанд қилмайдиган бўладилар. Ҳимоя воситалари ҳатто рак қўзгатувчи вирусларга ҳам бўш келмайди. Ошқозон ва ичаклардан қонга ўтиб кетган заҳар жигарда ушланиб қолади. Агар у жигардан ҳам зўрлик қилиб ўтиб кетса, барibir, мия олди тўсиқларида «қўлга тушади».

Шу тариқа, баданга ёпишган бало тананинг ҳимоя соқчилари олдида мағлуб бўлади. Буни сиз билан ҳамиша ҳам пайқайвермаймиз.

Тана ўзини ҳимоя эта билмас, у вақтда ночор дардга учрайди. Аммо ундан ҳалос бўлиш ҳам асосан тана зиммасида. Яллигланиш жараёнинга қарши у кўплаб жонкуяр лейкоцитлар ишлаб чиқаради. Ўпла касалларнида эса йўтал ҳосил қиласди. Қўриниб турибдик, йўтал ўз-ўзича касаллик эмас, балки юқори нафас йўлларининг яллигланиши белгисидир. Йўтал ҳаво йўлларида содир бўлган шиллиқларни кўчириб, нафас йўлларини равонлаштиради. Натижада нафас олиш яхшиланади. Акс ҳолда, шиллиқлар йиринг бойлайди, нафас йўллари тўсилиб қолади.

Баъзи кишилар врачга тобора бормасдан йўталга қарши дори ичадилар. Бунда йўтал вақтингча камаяди ёки тўхтайди, лекин ўпка яллигланиши давом этаверади, балғам йиғилиб, беморнинг дарди оғирлашади. Бу ахволда касалларни аниқлаш тобора мушкул бўлиб қолади.

Инсон танасининг дард билан ку-

раши қизғин кечади. Бошқача айтганда, иситма – соғлом тананинг курашга мойиллиги белгиси. Юқумли касалларнида яллигланишлар ҳам бардам танда иситма ҳосил қиласди. Ҳарорат туфайли қанчадан-қанча микроблар ўлиб кетади.

Соғлом вужуд соғлиг учун кураш жараёнда яна бир муолажа қиласди: беморни терлатади. Терлаш ҳароратни пасайтиради, заҳарли маддаларни тер билан ташқарига чиқаради. Қайт қилиш ҳам табиий малҳам ҳисобланади. Акс ҳолда, киши ошқозон ва мия касалларнидан бехабар қолар, ютилган заҳар қонга ўтиши оқибатида у нобуд бўлар эди.

Танани соғлом сақлаш, дарддан фориғ этиш бош мия күлсизмон пўстлоғининг вазифасидир. Ёш бола ўсим жараёнда сук тузилиши учун оҳак маддасига муҳтоҷлик сезади, натижада кесак ёки кўмир ейди. Ҳомиладор аёл гилвате ёки бошқа бирор нарса ейишни хоҳлади. Албатта, кўнгил тусаган нарсани ейиш керак, чунки ўша нарса организмда етишмайди. Марказий асад системаси ана шу «ишларга» ҳам бош-қош бўлади.

Агар тана ўз-ўзини ҳимоя эта билмаса, арзимаган нарсадан ҳам оғир ахволга тушиб қолади, доридармон ҳам наф келтирмайди. Мана, бир мисол. Бир аёл Чирчиқ дарёсининг совуқ сувиди чўмилиб, шамоллаб қолади. Ўнг биқинида ҳала пайдо бўлади, мадори куриди. «Ўтиб кетар», деб беш-олти кун ўтида ётади, ўзича дори-дармон ичади. Аҳволи тобора оғирлаша боради. Бир ҳафтадан сўнг уни шифохонага ётқизадилар. Беморнинг ўнг ўпкасишни усти йиринглай бошлаганлиги, ўпка ичиди зардоб йиғилганилиги аниқланади. Шунга яраша на қонда (лейкоцитлар), на баданд (ҳарорат, йўтал) касаллик белгилари кўринади. Яъни, тана дард билан мутлақо курашмай қўяди. Натижада у дард олдида таслим бўлади...

Тананинг дардга нисбатан курашчанилигини ошириш ва даволовчилик қобилиятини кучайтириш учун меҳнат билан машғул бўлиш, ўз вақтида дам олиш, овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, мўтадалил ухлаш керак. Чекиш ва ичкилиқ эса, аксинча, кишини рӯдан ва жисмонан заифлаштириб қўяди.

Яхши қайфият – ҳуашёр посбондир. Қулиб турган чехра вужуднинг куч-қувватга тўлиб-тошганидан далолат. Бундай кишиларга дард ҳамла килолмайди.

Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Зинрила ЭГАМБЕРДИЕВ.

# БИЛГАН ТОПИБ...

Бир гуруҳ ёшлар ишдан кейин, бетоб бўлиб уйида ётган цех мастерини кўриб келишни маслаҳатлашишиди. Қуючи қиз Санобар ногаҳон:

— Кечирасизлар, ўртоқлар, мен боролмайман,— деб қолди.

— Ҳазил қилма, ўртоқжон,— деб зорланди дугонаси Дилбархон,— кечаги маслаҳатда ўзинг ҳам бор эдинг-ку?..

— Йўқ, чин сўзим, бормайман.

— Бу қанакаси?— деб таажжуబанинг сўради цех комсорги Одилбек.— Ахир буни биринчи бўлиб таклиф қилганлардан бири сен эмасмидинг?

— Тўғри, мен таклиф қилган эдим. Аммо... ўйлаб қарасам, бормаганим маъқул экан.

— Нега ахир? Сабабини айт.

— Очиги, Ўсар борадиган бўлса, мен қоламан.

Тенгизурларнинг ҳайронлиги ошиди:

— Нима учун?

— Мастернинг пешқадам шогирдларидан-ку Ўсар?

— Яқинда разряд олди...

— Ўсар бормаса, мастер хафа бўлади-да...

— Биламан,— деди Санобар ҳам бўш келмай,— Ўсар заводимизнинг қалби пок, ишчан, илғор ёшларидан. Лекин ҳамманизга маълум, унинг бир ярамас одати бор: бирорининг ҳолати, кайфиятини суршиштимайди, оғизга келган гапни томдан тараша тушгандай гапираверади...

— Э бўлди, ҳаммамиз ўртага олиб тушунтирамиз, тайнилаймиз, Ўсар биз билан бирга борадио, бўлар-бўлмас гапиравермайди...

Санобар ноилож рози бўлди. Цех мастерини кўргани бордилар. Ёшлар ўз устозларидан ҳол-аҳвол сўрадилар. Ўсарвой эса: «Салом, яхшиимиш?» дедио илжайиб тураверди. Ўртоқларига сўз берган: ўринисиз гап қилиб қўймаслиги керак-да!

Хиёл ёнбошлаб ётган устанинг милтиллаб турган ботик кўзлари пўлат каравот ёнидаги стулларда ўтирган шогирдларида. Уларни кўрганидан хурсандлиги юз-қўзидан билиниб турибди. Гўё бир нима демоқчи, лекин нафас қисиши, узлуксиз ҳарсиллаш бунга имкон бермаяпти.

Санобар чуқур хўрсниб олиб, уста томонга энгашиб сўради:

— Қалай, доктор келиб туриптими, уста?

Мастер заиф товушда сўзларни бўлиб-бўлиб гапирди:

— Кунда келиб турипти. Тузалиб қолган эдим. Кечадан бошлаб яна нафасим қисиб, бўшашиб қолдим.

— Шунақа бўлар экан бу касал,— деб юборди устанинг ахволига ачиниб ўтирган Ўсар ўзини тутиб туролмайди. — Дадам раҳматли ўлишларидан бир кун илгари худди шундай деган эдилар...

Бу сўзлар ўтирганларга илон чақандек таъсир қиласди. Бемор бўлса, Ўсарга бир қараб олиб кўзини юмдию, қимир этмай қўяқолди. Кайфи учиб кетган шогирдлар беихтиёри туриб кета бошладилар.

— Айтмабидим, — деди Санобар кўчага чиқанларида, — Ўсарнинг одати ёмон демабидим?

— Ҳе, одати қурсин! — Одил кўл силтади, — билган топиб гапиради, билмаган қопиб гапиради деган шу-да!

# ЧАҚИРТИКАНАК

Наыматан гул ҳам, мева ҳам. Наыматаңдаги тикон ҳамма нағис гулларда бор. Бирон кимсага наыматаннинг тикони кириб, бир нима қилиди, деган гапни ҳали ҳеч ким эшитмаган. Номаңбул ишга, иллатга ўтирироқ яроғ иерак. Крокодил тишлаб, бурдалаб ташлайди. Муштум жиноятни янчади. Наштар иллатни ёради... Күпчилик журналхонларнинг таклифи ҳамда қадрдонимиз, ҳажвийт оқсоқоли «Муштум» маслаҳати билан «Наыматан» деб яхши ўйланмай қўйилган ҳажвийт оқсоқоли «Чақириканак» деб ўзгартирдик. Гулистанлар ва бўстонлар четида уни иҳота қилиб, чақириканаклар ҳам ўсади. Боғбонлар ҳеч қачон чақириканакни қирқиб, юлиб ташлаган эмас. У ҳам жуда иерак. «Чақириканак» деб аташ галатироқ кўрингани билан мантиқан тўғри. У ўйламай; йўлига қарамай қадам босгандарнинг додини беради,— иллатга ханжарини яхши уради. Пўрсилоқ нарсалар эмас, дорининг аччиғи даво, тигнинг ўтирии яхши.

## РЕДАКЦИЯДАН

Нельмат АМИНОВ

# СҮРФИЧ

Сўргичга ўрганган бола ашаддий кашандадан ҳам баттар бўлиб қолар экан. Оғзидан сўргичи тушдими, та мом: «ва-ва... ар-ар... биг-биг...». Бизнинг эркатор ҳам мана тўрт ёшга тўлибдиямки, оғзидан сўргич ари майди. Жонивор сўргич, сўргич бўлиб яраланига минг пушаймон. Эркаторимиз бир соатда рангини ўчириб ташлайди. Бола пақир шунақаям чўлпиллатиб сўрадики, асти қўяверинг. Бу ҳам етмагандек «удабурро» шоффера ўхшаб ҳар куни бўлмасда-да, ҳар иккى кунда битта сўргичнинг резинасини «прокол» қиласди. Яна «ва-ва», яна «ар-ар», яна «биг-биг». Унинг дийдиёси, айниқса, кечалари авжга чиқади. На онасида ҳаловат бор, на менда ўйку.

Кечак оқшом янга ўйку бўлмади. Онаси билан иккаламиз бир аҳволда тонг оттиридик. Сўргичбой тўра бўлса маист ўйқуда, муштчаларини оғизларига тикиб, пишиллаб ётибдилар. Қараб туриб, иккаламизнинг ҳам раҳмимиз келиб кетди: шўрлик гўдаккина!..

— Юринг, нариги ўйга!— деди хотиним зарда қилиб. Мен унинг изидан сурдарилиб залга чиқдим.— Бугун ернинг тагидан бўлса ҳам тошиб келасиз.

— Қаердан топаман?— дедим елка қисиб.

— Ёймачилардан олинг. Иккитаси бир сўм. Радиога бир жуфт батарея ҳам оласиз. Бир ойдан бери овози ўчган. Унинг ҳам иккитаси бир сўм.

Шу пайт кечак ётиш олдидан ўйлаб кўйган лекциямни бошлиб юбордиди.

— Эр—нин бўлса, хотин—ип! Билдингми? Мен—нинаман. Мен қаерни тешиб ўтсан, сен ҳам ўша тешикдан ўтсан. Орага тугун тушса, нима бўлади? Сен—ип, чирт этиб узиласан! Билдингми, яна...

Лекциядан кейинги «бадий қисми»ни хотин давом эттириди. Унинг «куй» ва «қўшиғи»га қўшини хонада ўйгониб қолган Сўргич бойвача жўр бўлганда эшикдан чиқиб кетдим.

Мирам ғувиллаб гараж томон юрарканман, орқадан қўшнимиз Маҳкам аканинг овозини эшитдим. Тўхтаб ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Рангингизни бироз олдирибсизми, укам?— деб юзимга тикилди у.

— Ҳа!— деб жилмайишига ҳаракат қилдим. Кейин бутун воқеани тафсилоти билан Маҳкам акага тушунтиридим. У киши хо-холаб кулдилар, сўнгра:

— Фидирик айланяптими?— сўрадилар.

— Айланяпти.

— Унда ёқинг мошинни!— дедилар кафтларини силкиб.— Чилонзор-

да бир аптекачи укамиз бор. Борсак, сўргич деганингизнинг бир қопини топиб келамиз.

Машинани юргиздик. Ҳайдадик Чилонзорга. Йўл бўйи ўйлаб бораётман. «Ўн бир тийинлик арзимас ма тоҳни ёймачидан эллик тийинги оладиган анои ўйқ. Аптекада бўлса, кўтарасига элликтасини сотиб оламан. Ортиб қолса, яқинда туғиладиган укаси ҳам сўрар...»

— Бу, манга қаранг, укам,— деди Маҳкам ака хаёлимни бўлиб.— Ҳаётимиз фаровон, туғилиш ёмон эмас. Барақа топкур ҳукуматимиз болали оналарга яхши шароит яратиб бер-

япти. Ман, сизга айтсам, укам, яқинда чиқдан қарордан кейин, туғишини йигиштириб қўйиган аёллар, яна «туғаманга» тушиб қолди. Ҳа, маъли, бола-чақа кўпайсин. Сўргич бир гап бўлар...

Атроф гўзал. Ҳаммаёк кўм-кўк. Лекин кўзим машина спидометрида: дарров 15 километр йўл босибмиз. Бир гастрономга яқинлашганда, Маҳкам ака беозор елкамга қўл ташлади:

— Мана шўтда бир пас тўхтатин!

Тўхтатдим. Маҳкам ака машинадан тушдию пилдираб гастрономнинг орқа дарвозаси томон йўл олди. Шу

Олим ҚУЧКОРБЕКОВ

## «Ягона» шоир

Мен, фақат, мен, деб сўйлар,  
Қарқуноқдай куй куйлар,  
Шон-шуҳратдан ўй ўйлар,  
«Ягона шоир» чиқди.

Суҳбатлашса, устодлар  
Кетларидан таш отар.  
Ўзин мақтаб гап сотар —  
«Ягона» шоир чиқди.

Тик ўсган пуч бошоқ у,  
Ҳам маънавий қашшоқ у,  
Жонга теккан «машшоқ» у —  
«Ягона шоир» чиқди.

Ҳамма пастда — ялангда,  
Бир ўзлари баландда.


Топилмас «зўр талант»-да!  
«Ягона шоир» чиқди.

Эл дарди-ла иши ўйқ,  
Шеърин тинглар киши ўйқ.  
Пахтазорга хуши ўйқ,  
«Ягона шоир» чиқди.

Ичиб, вақт ўйқ, ёзолмас,  
Ёзганларни кўролмас,  
Ута бахил — тузалмас —  
«Ягона шоир» чиқди.

Чиқса минбар — тепага  
Ишқибоздир чапакка,  
Шеъри ўшшар кепакка,  
«Ягона шоир» чиқди.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



ҒИЙБАТЧИ: — Тавба, тешинсиз  
эшин ҳам бўларкан-да?



КИТОБИЯ АДИБ:— Вазифам фаҷат роман ёзиш, жамоат ишлари  
га қатнашиш эмас!  
(Кошки ёзганилари яхшироқ ўқилаётган бўлса.)

кетганича ярим соатдан кейин қайтиб чиқди. Ҳансира б машинага ўтириди. Оғзидан гупиллаб ароқ ҳиди анкириди.

— Э, омон бўлинг, укам-еј, укам,— деди у пихиллаб куларкан,— Парво қилманг, сўргич ҳам бир гап бўлтию... энди ўйл усти ўзимизнинг ҳам бир ишни бажариб олдик. Авана банкачаларда биласизми, нима бор? Йўқ, топа олмадингиз. Паштет эмас. Бу — қора икра. Иккитасини ўн икки сўмга олдик. Бор-йўғи юз граммдан, иккя юз грамм. Жа, дефицит. Лекин ўзиям-чи, қора нон ва конъяк билан жа ачомлашади-да. Келаси ҳафта хўжайнинларни айтмоқийдик... Шўтда тўхтатинг.

Тўхтатдим. Ён томондаги аптекага кирдик. Қисқа енгли кўйлак кийган ориқиниа бир йигит бизга пешвозди чиқди. Ичкари кирдик. Маҳкам ака:

— Рихсивой, бу спирт-писпиртинг йўқми?— деб сўради.

— Бор-бор!— деди Рихсивой. Орқадаги коначада кичик дастурхон тузалди. Газакка иссиқ нон, редиска ва барра саримсоқ қўйилди. Рулдалигим учун қанча қисташмасин — ичмадим. Маҳкам ака икки пиёла сув арапаштирилган спиртдан симириб, анча яйраб қолди. Кетиш олдидан ўзига кўзойнак сўради. Секин эслатдим:

— Маҳкам ака, сўргич...

— Ҳа-ҳа, Рихсивой!— деди Маҳкам ака шошилиб.— Эсдан чиқаёзиди. Ана бу акангга сўргич, ҳа, ўша сўскандан керак эди.

Рихсивой ҳам сал-пал ичиб олган эмасми, сўргичнинг йўқлигидан анча хижолат чекди.

— Қорақамишдағи аптекада бўлса керак,— деди у билагидаги электрон соатини кўтариб қўяркан,— ўзим ҳам ўша томонга кетаётган эдим, машина бўлса...

— Машина бор-да акаси,— деди Маҳкам ака ғалати чайқалиб,— қани, кетдик.

Қорақамишга жўнадик. Рихсивой йўл бўйи гапириб борарди:

— Энди бу сўргич деганингиз, ўзи копейка. Бир келса вагони билан тиқилиб ётади. Тўғриси, кейинги пайтларда «БТ», «Опал» сигареталарида сўргич ҳам чайқовга чиқиб кетди. Бир пачка «Опал» ҳам эллик тийин, битта сўргич ҳам 50 тийин. Олмаснгиз бўлмайди,— деб елкамга қоқди.

Атроф гўзал. Баҳор шабадаси фир-фир эсади. Машина елиб бораётми. Спидометрга қарайман: 35 километр. Бензин ҳам камайиб бораётми.

— Мана шўтда тормоз беринг!..— деб йўл четидаги майдонга ишора қилди Рихсивой.

Бирин-кетин машинадан тушдик. Аптекага кирдик. Рихсивой аптекачи қиз билан саломлашгач, «Шавкат борми!», деб сўради, «Ҳа» жавобини олгач, бизларни ҳам ичкарига бошдик.

лади. Шавкат исмли полвонсифат йигит қоғозларга күмилиб ўтиради. У бизни жуда хушчақчақ қарши олди. Холодильникдан икки шиша чех пивосини олиб, Маҳкам ака билан Рихсивойга қўйиб берди. Мен иммадим. Ниҳоят, мақсадга кўчилди:

— Бу акамларнинг вақтлари зикрор. Сўргичдан борми? — деди Рихсивой менга бир қараб қўйиб.

— Сосками? Йўғиди-я,— деди афсус билан Шавкат.— Яқинда тугаган эди. Ўзиям соска жонивор сувдай кетади-я. Бир келинчак бор. Ҳар ҳафтада ўн-ўн бештасини олиб кетарди. Боласи жуда шўх экан, тишлаб йиртиб ташлайвераркан...

— Шунақасидан бизда ҳам бор,— дедим кулиб.— Бу Шавкатжон, шу сўргич деганингизнинг покришкасини капроний қилиб чиқаришса бўлмасмик?

Кулишдик. Маҳкам ака:

— Оббо, укам-еј, укам! — деди елкамга шапатилаб,— бу сизга «Москевич»нинг балони эмас-ку. Қани кетдикми?

Қўзғолдик. Шавкат бизга «бир пас кутиб туринглар» ишорасини қилиб, ўзи чиқиб кетди. Миямда умид учкунни йилтиради. Йўқ, гап бошқа томонда экан. Шавкат қайтиб кириб:

— Қайси томондан кетасизлар? — деб сўради.— Хадра орқалими?.. Унда жуда соз. Ҳозир сизларга бир болани қўшаман. Бозор ичидаги аптекада бир опахон ишлайдилар. Албатта, топиб беришади. Сен қолсан-а, Рихсивой?

— Ҳа.

Рихсивой қолди. Биз уччаламиз: Маҳкам ака, мен ва Шавкат айтган бола машинага ўтиридик. Орқадан Шавкат етиб келиб, яна эшикни очиб болага тайинлади.

— Ҳалигиларнинг ёнига бир кило помилдори, бир кило «свежий» бодринг ҳам қўшиб ола кел!

Атроф гўзел. Машина елиб бораётти. Қўзим спидометрда —50 кило-

метр. Орқа ўриндиқда Маҳкам ака. Боши кўксиди, «хурр-хурр» ухлаб бораётти. Баъзан-баъзан «пуф-пуф» деб нафас чиқаради. Мазада, катта одамлар сўргичсиз ҳам ухлайверини шади.

Бозор ичиди тўхтадик. Бола машинадан тушиб, чопқиллаб кетди. Ўн минутлардан кейин қайтиб чиқди.

— Ҳозир келадилар.

Бирордан кейин яхши кийинган, семиз, қошлари тула бир опа чиқиб биз томонга юрди. Эшикни очиб, пастга тушдим. Маҳкам ака ҳамон ухлаб ётарди.

— Мана, ука,— деди опахон,— энди хафа бўлмайсиз, бори шу экан.

Бир қоғозча тутқазди. Қоғозни эҳтиёtsиз очган эканман, икки дона сўргич ликиллаб, қўлимдан тушиб кетди. Ердан кўттардим.

— Яна тўрт-бешта қўша олмайсизми?

— Йўқ, жон ука, бўлса бир оғиз сўзингиз,— деди опахон,— тўгриси, шуниям, анови ёймачилардан олдириб чиқдим.

— Ёймачилардан! — деб анграйиб қолдим. Бир сўм узатган эдим, опа, ўламан саттор олмайман, деб изига бурилиб кетди. Пулни ҳалиги болага тутқаздиму шошилиб рулга ўтиридим. Газни қаттиқ босган эканман, Маҳкам ака уйғониб кетди;

— Пиваси курсин, жуда бўшашиб тириб ўборди-е,— деда гудранди-да, яна уйқуга кетди.

Машина елиб бораётти. Атроф гўзал. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Қўзим спидометрда —75 километр. Бензин ҳам тугай-тугай деб қолди. Ярим куним бекорга ўтиди. Ана буни «тежамкорлик» деса бўлади. Хотинга шу тафсилотни айтсан борми, «тежамкорлик» ҳақидаги лекцияни давом эттириб, «бадиий қисми» ўзимга қолиши аниқ.

Ҳар қалай, Сўргич тўра бу оқшом яхши ухласа керак.

## ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Яқинда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими ходимлари, Узбекистон Ёзувчilar союзи Фольклор совети аъзолари «Гулистон» журнали редакциясида бўлдилар. Қизғин ижодий руҳда ўтган бу учрашуда «Гулистон» журнали бош мухаррири Мирмуҳсин, бош редактор ўринбосари Оқилжон Ҳусанов, адабиёт ва санъат бўлими мудири Муҳаммадали Қўшмоқов, олимлардан — Юсуф Султон, Солиҳ Қосимов, Тўра Мирзаев, Зубайда Ҳусаинова, Фани Жаҳонгиров, Баҳодир Саримсоғов, Комилжон Имомов, Муаззам Мирзаева, Асқар Мусакулов ўртоқлар иштирок этдилар. Учрашуда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими ходимлари «Гулистон» журнали сафи-фаларидан ёритиш учун тақдим қилган асарлар планни мудҳокама қилинди. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленинга, Коммунистик партия, Ватанга бағишинланган қўшиқлар, термалар, достонларни, ўзбек фольклори тараққиётининг муҳим масалаларига бағишинланган илмий мақолалар, ҳозиргача кам ўрганилган ёки кенг жамоатчилик назаридан четда қолиб келаётган фольклор намуналарини нашр этиш ҳақида маслаҳатлашиб олинди.

### МУҚОВАДА

Биринчи бет:


Чаноқлардан тошган нурдир, толалар дема,  
У нур элни толе мисол бағрига чорлар.  
Пахтакорга мададкорdir «Зангри кема»—  
Чаноқларда Узбекистон иқболи порлар!

Учинчи бет: Рассом И. Циганов асарларидан намуналар.

Тўртинчи бет:

Узум бўлиб нурдек ёнган юртим кўзи бу,  
Қовунлари тилни ёрган асал кузи бу.  
Йўқ, мевалар тимсолида — берган сўзини  
Адо этган дехонларнинг ёруғ юзи бу!

Б. МИЗРОХИН, Н. ШАРИПОВ ва  
Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари



## КРОССВОРД

Энига: 4. Портловчи модда. 7. Ўзбек классик шоираси. 10. Дараҳт. 11. Салоҳият. 12. Жануби-Ғарбий Осиёдаги мамлакат. 15. Болалар ўйини. 17. Ақлий спорт. 19. Ошув. 21. Иттилоғдош республика пойтахти. 22. Еввойи қуш. 24. Турсунзода шаҳрининг эски номи. 27. Куч. 28. Ўрам. 31. Денгиз ҳайвони. 33. Тантанали кун олди. 34. Исл. 35. Автомобиль қисми. 36. Ўзбек кинорежиссёри.

Бўйига: 1. Ўрта денигиздаги орол. 2. Ўзбек совет бастакори. 3. Тогжинси. 5. Ҳомашё. 6. Ҳалқ қўшиғи. 8. Абхаз совет маданиятининг асосчиси. 9. Булоқ. 13. Жоновор. 14. Спорт майдони. 16. Аёл исми. 18. Африкадаги давлат пойтахти. 19. Зеб-зийнат буюми. 20. Еруғлик. 23. Чекка жой. 25. Совет антрополог олими. 26. Ҳалқ байрами. 29. Игнабаргли дараҳтлар танасида ҳосил бўладиган мум. 30. Волгабўйидаги шаҳар. 32. Кун. 34. Дехончилик қуроли.

Тузувчи Т. ХОЛМАТОВ

Пахтакчи

### 8-СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 2. Журналистика. 7. Кофе. 8. «Рост». 9. Истанбул. 10. Саҳар. 11. Каноп. 13. Санскрит. 18. Барҳан. 20. Дарваза. 21. Усмонов. 22. Истиора. 23. Туннель. 24. Малақа. 28. Электрон. 30. Анҳор. 32. Тўқай. 34. Панорама. 35. Моки. 36. Ахир. 37. Машинасозлик.

Бўйига: 1. Тола. 2. Жевак. 3. Антенна. 4. Себарга. 5. Архар. 6. Осло. 10. Сайдазимова. 12. Пржевальский. 14. Муронтов. 15. Аноробов. 16. Шимпанзе. 17. Линолеум. 18. Байрам. 19. Нурота. 25. Апеннин. 26. Карбало. 27. Нозим. 29. Қўсак. 31. Неон. 33. Ария.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон»—ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана на узбекском языке.

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙЎЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; маъсул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий; фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди: 21.07.1981 й. Босишига руҳсат этилди 20.08.1981 й. Р — 03130. Қоғоз 70×108<sup>1/8</sup>. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоги 5.6. Нашр ҳисоб тобоги 7.80. Тиражи 266870. Буюртма 1411. Нашр М — 105.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.




ДАЛА МАЛИКАСИ.




ЎЗБЕКИСТОН БАХОРИ.




ҚАРШИ ОҲАНГЛАРИ.



ШАҲРИСАБЗ.



СН 0134—2207



Индекс 75233

Баҳоси 30 тийин

